

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



Аширбоев С., Азимов И.

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ
ГРАММАТИКАСИ**
(ўқув-услубий кўлланма)



FF0000014497

ТОШКЕНТ-2002

A 93
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ




Аширбоев С., Азимов И.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИ

(ўқув-методик қўлланма)



ТОШКЕНТ - 2002



Аннотация

«Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» курси ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда ўзбек тилининг мустақил тараққиёт босқичидан то бизнинг асримизгача бўлган даврдаги хусусиятлари тўғрисида сўз боради. Қўлланмада тарихий фонетика, тарихий морфология, тарихий синтаксис акс этган.

Ўзбек тили фактлари тарихий хронология тамойиллари асосида ёритилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қўлланмада ўзбек тили тарихи, тарихий грамматикаси бўйича тўпланган тажрибалар, мавжуд қўлланмалардаги материаллардан фойдаланилди.

Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.

Масъул муҳаррир – З.Мирхолиқов, филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: И. Йўлдошев, филология фанлари номзоди, доцент;

Х.Маҳмадалиев, филология фанлари номзоди.

Қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2002 йил 28 мартдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Транскрипцион белгилар

Унлилар учун

- а - тил орқа, лабланмаган, кенг унли.
- ә - тил олди, лабланмаган, кенг унли.
- е - тил олди, лабланмаган, ўрта- кенг унли.
- и - тил олди, лабланмаган, тор унли.
- ы - тил орқа, лабланмаган, тор унли.
- о - тил орқа, лабланган, ўрта-кенг унли.
- ө - тил олди, лабланган, ўрта-кенг унли.
- у - тил орқа, лабланган, тор унли.
- ү - тил олди, лабланган, тор унли.
- ā - арабча сўзлардаги тил ўрта, чўзиқ (а) унлиси ва форс-тожикча сўзлардаги тил орқа, лабланган, чўзиқ (а) унлиси учун кўлланди (Мас.: *катиб, қадир, афтāб, дāнā*).

Ундошлар учун

ң - портловчи, бурун товуши, сонор (Мас.: *мың, кең, тāн*).

Бошқа ундошлар учун ҳозирги ўзбек алифбосида мавжуд бўлган қуйидаги белгилар кўлланди: *б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ғ, җ*.

Шартли қисқартмалар

Абушқа – Луғати Абушқа (В.В.Вельяминов-Зернов нашри. СПб.,1868).

БН – Захириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома (XVI аср). Н.И.Ильминский нашри (Казань, 1857).

Бобир – Бобир. Девон (XVI аср). А.Н.Самойлович нашри (Пг., 1917).

Гулх. – Гулханий. Зарбулмасал (XVIII аср). Ф. Исҳоқов нашри (Тошкент, 1976).

Лутф. – Лутфий. Девон. Гул ва Наврӯз. – Тошкент, 1966.

Маб. луг. – Мирза Меҳдихон. Мабониул луғат (Э.Дениссон Росс нашри. Калькутта, 1910).

МН – Хоразмий. Муҳаббатнома // Муборак мактублар / Ўзбек адабиёти бўстони. – Тошкент, 1987.

Мунис – Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар. Тошкент, 1957 (XVIII-XIX асрлар).

Муқ. – Муқимий. Танланган асарлар. Тошкент, 1958 (XIX аср).

Нав. – Алишер Навоий. Ҳазоинул маоний. – Тошкент, 1968

Нав. ЛТ – Алишер Навоий. Лисонут тайр (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев (Тошкент, 1996).

Нав. МЛ – Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн (XV аср). – Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент,2000).

Нав. МН – Алишер Навоий. Мажолисун нафоис (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент, 1997).

Нав. МК – Алишер Навоий. Маҳбубул қлуб (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент, 1998).

Нав. СС – Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (XV аср). Танқидий текст, тайёрловчи Т.Ғофуржонова (Тошкент, 1992).

Нав. Ҳм – Алишер Навоий. Ҳамсатул мутаҳаййирин. (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент, 1999).

Нав. ҲСҲА – Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент, 1999).

Нав. ҲПМ – Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад (XV аср). Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С.Ғаниева (Тошкент, 1999).

Нав. Мнш – Алишер Навоий. Муншаот (XV аср). Илмий-танкидий текст (Тошкент, 1998).

Нав.ТМА – Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам (XV аср). Илмий-танкидий текст, тайёрловчи Л.Халилов (Тошкент, 2000).

Нав.НМ – Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат (XV аср). Илмий-танкидий текст, тайёрловчи Л.Халилов (Тошкент, 2000).

Нав.ҲА – Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр (XV аср). Илмий-танкидий текст, нашрга тайёрловчи П.Шамсиев (Тошкент, 1970).

Нав.ФС – Алишер Навоий. Фаройибус-сиғар (XV аср). Қўлёзма: ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Инв. № 790.

Наҳж.фар. – Наҳжул фародис (XIV аср). Э.И.Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, ташкент, 1967.

Нодира – Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. I жилд. Нашрга тайёрловчи М.Қодирова. Тошкент, 1968.

Атоий – Атоий. Танланган асарлар. – Тошкент, 1958.

Рабғ. – Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент, 1990.

Сайфи Саройи – Сайфи Саройи. Гулистон. Э.Фозилов нашри (Тошкент, 1973).

Сакк. – Саккокий. Танланган асарлар. – Тошкент, 1960.

Санг. – Мирза Меҳдихон. Санглоҳ (Ж.Клосон нашри. Лондон, 1960).

Таф. – Тафсир (XIII-XIV асрлар). Қўл ёзма. Санкт-Петербург, С-197.

Фурқ. – Фурқат. Танланган асарлар. I, II томлар. – Тошкент, 1959.

Хиср. Шир. – Қутб. Хисрав ва Ширин. А.Зайончковский нашри (Варшава, 1954).

ШН – Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент, 1989.

Ш.тар. – Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима. – М., 1958.

Ш.турк. – Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Қозон, 1825.

ЎН – Ўғузнома (XIII-XIV асрлар). А.М.Шчербак нашри. – М., 1959.

Хувайдо – Хувайдо. Девон (XVIII аср). Литографик нашр. Тошкент, 1913.

Педагогика олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналишлари ўқув режасидан «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» фани ўрин олган ва унинг ўқув дастури С.Аширбоев томонидан тузилиб, 2000 йилда нашрдан чиққан, лекин бу фан бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эълон қилингандан сўнг ўқув адабиёти яратиш иши ҳамон кечикиб келаётган эди ва талабаларда ўзбек тилининг тарихий фонетикаси, морфологияси, синтаксисига бўлган эҳтиёж мавжуд эди, бунини ҳисобга олган ҳолда, ушбу қўлланмани яратишга киришилди.

Қўлланмани яратиш чоғида ўзбек тилининг тарихий грамматикаси бўйича қилинган барча ишлардан ижодий ва тўғридан-тўғри фойдаланилди. Айниқса, муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган «XIII-XIV аср туркий ёдгорликлари тили»(1986), «XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси» (1990), А.М.Шчербакнинг «Грамматика староузбекского языка» (1962), Б.Юсуповнинг «Местоимение в староузбекском языке» (1992), Х.Назарованинг «Особенности синтаксического строя узбекского языка» (1979), Ф.Абдурахмонов ва А.Рустамовларнинг «Навоий тилининг грамматик хусусиятлари» (1984), Ф.Абдурахмонов, Ш.Шукуровларнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси»(1973), Ф.Абдурахмоновнинг «Тарихий синтаксис» (1974), Х.Ф.Неъматовнинг «Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси» (1992) асарларидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фойдаланилди, шунингдек, муаллифларнинг ўз илмий-тадқиқот иши натижалари ҳам қўлланмага ўрни билан киритилди.

Ушбу қўлланма ўзбек тилининг тарихий грамматикаси бўйича ёзилган бўлса-да, у ёки бу масала ўта кенг, аксинча саёзроқ ёритилган бўлиши мумкин, бундай ҳолатларда фан ўқитувчилари ижодий ёндашишга тўғри келади.

Ҳар бир тарихий масала тил манбаларидан олинган мисолларнинг таҳлили билан бирга берилди. Мисоллар транскрипцияда акс эттирилди. Араб ва форс тилларидан олинган мисоллар транскрипциясида мунозарали ўринлар бўлиши мумкин. Шу туфайли бу борада мулоҳазалар билдириладиган бўлса, муаллифлар олдиндан миннатдорчилик билдирадилар ва улар кейинги нашрларда албатта инобатга олинади.

Кириш

Режа:

1. *Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси тил тарихи фанларидан бири сифатида.*

2. *Ўзбек тили тарихий грамматикасининг манбалари.*

3. *Ўзбек тили тарихий грамматикасининг ўрганилиш тарихи.*

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ўзбек тили тарихи фанининг бир тармоғидир. Маълумки, тил тарихи ўзбек тили фонетик системаси, лексикаси ҳамда грамматик қурилишининг тарихидир. Ўзбек тили тарихи ўзаро боғлиқ бўлган икки мустақил предметни ўз ичига олади. Бу предметлар: ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ва адабий тил тарихидир. Мазкур предметларда ички узвийлик бўлишига қарамасдан, уларнинг ўрганиш усуллари, текшириш объектлари ўзаро фарқланади. Тарихий грамматика тилнинг фонетик системаси тараққиётини, грамматик структурасининг ривожланишини ўрганади. Лекин тил ҳодисаларининг ижтимоий ҳодисалар билан бўлган муносабати, услублар тараққиёти ва уларнинг турли кўринишлари, тилнинг нормаси каби масалалар унинг текшириш объектдан четда қолади. Буларни эса адабий тил тарихи текширади.

Тил тарихини ўрганиш ҳозирги замон ўзбек тилини тарихий тушуниш, яъни бу тил узоқ асрлар мобайнида давом этган мураккаб тарихий жараёнлар самараси эканини англаш имконини туғдиради. Ўзбек тили узоқ давр ва асрларнинг тарихий маҳсулидир. Ўзбек тили тарихда маълум бўлган бошқа тиллар каби узоқ тараққиёт босқичини бошидан кечирди. У жамият ва халқ тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда уруғ тилидан қабила, қабила тилидан халқ ва халқ тилидан миллий тилга қараб тараққий этиб келди. Узоқ давом этган бу жараёнда ўтмиш асрлардаги тил ҳодисалари кейинги асрлардаги тил ҳодисаларидан фарқланиб қолди. Ҳар бир ўтган давр, тарихий ҳодисалар тилда ўз изларини сақлаб қолди. Натижада ҳозирги замон ўзбек тили унинг ўтмишидан узоқлашиб кетди. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг талабларига жавоб беролмаган тил ҳодисалари аста-секин умумтил алоқасидан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини замон

талаби билан пайдо бўлган янги ҳодисалар эгаллади. Натижада юқорида таъкидланганидек, ҳозирги ўзбек тили ўзининг ўтмишидан анча илгарилаб кетди. Бу ҳодисалар ёзув ёдгорликлари ҳодисалари билан чоғиштирилганда яққол кўзга ташланади.

Тарихдан маълумки, тилнинг структурасидаги ўзгаришлар ўтган давр ичида бир хилда кечмади. Ижтимоий-тарихий тараққиёт, даставвал, тилнинг лексикасига ўз таъсирини ўтказди ва шунга кўра, тилнинг бошқа таркибий қисмларига қараганда унинг луғат таркиби жуда ўзгарувчан қисмдир. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва хусусиятларига қараб ўзбек тилининг луғат таркиби тез-тез ўзгариб, янгиланиб турди. Унинг таркибида замона ва тараққиёт талабларига жавоб беролмайдиган сўз ва иборалар чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини янги сўз ва иборалар эгаллади. Қатор сўзлар эса актив луғатдан пассив луғатга айланди.

XII аср бошларида Хоразм давлатининг мавқеи кўтарилиб, бутун Мовароуннаҳрни қамраб олади. Бу ер фан ва маданият ўчоғига айланади. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам бу анъана давом этади. Бу даврда Хоразм Олтин Ўрда хонлигига қарам эди. Олтин Ўрдада XIII-XIV асрлар мобайнида адабий марказ вужудга келди. Бу ерда ёзилган асарлар тил жиҳатдан кўпроқ қипчоқ-ўғуз қабила тиллари хусусиятини ўзида ифодалайди. Ўғуз уруғлари сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этиб, улар Сирдарёнинг қуйи оқими ва Хоразмни эгаллаган эди.

Олтин Ўрда адабий тили қорахонийлар давридаги адабий тил билан боғланган эди. Олтин Ўрда адабий тили шу тилнинг бевосита давоми эди. Бу тилларнинг фарқи Олтин Ўрда кўпроқ ўғуз, қисман қипчоқ уруғ тиллари хусусиятларининг бўлиши билан ўлчанади. Бу даврда ёзилган асарлар тил жиҳатдан кўпроқ қипчоқ-ўғуз уруғ тиллари хусусиятини ўзида ифодалайди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони, диний характердаги «Роҳатул қулуб», «Нажҳул фародис», Алининг «Қиссаи Юсуф» асари, Тўхтамиш ва Темур Қутлук ёрликлари Олтин Ўрда адабий тилини ташкил этади.

XIV асрга келиб эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. Бунинг вужудга келишига сабаб фақатгина ички факторлар: ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг кучайиши,

Фарғона ва Мовароуннаҳр туркий аҳолиси бирлигининг яратилишигина эмас, балки Кошғарда ва Орол денгизигача бўлган ерни ишғол қилган Олтин Ўрда адабий тилларининг шаклланиши ҳам эди. Бу эса, ўз навбатида, эски ўзбек адабий тилининг диалектал хусусиятларини кўпайтирар эди. Фарғона ва Мовароуннаҳрда яратилган адабий асарлар тилидан Хоразмда ёзилган адабий асарлар тили маълум диалектал фарқлар билан ажралиб туради. Эски ўзбек тилининг шакллана бошлаш даврида қабила ва уруғ тилларининг хусусиятлари адабий асарларда яққол кўринади. Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразмда қарлук, уйғур-ўғуз ва кипчоқ диалект гуруҳларининг хусусиятлари сақланиши билан, айни замонда, улар аралашиб ҳам кетган эдилар. «Муҳаббатнома» ва «Таашшукнома»да ўғуз диалекти хусусияти ўз аксини топади. Демак, мавжуд диалект хусусиятларини ўз ичига қамраб олган умумий адабий тилни шакллантириш тенденцияси кучая борди ва шу тариқа эски ўзбек адабий тили вужудга келди.

XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда Дурбек, Саккокий, Лутғий ва Навоий каби буюк шоирлар етишиб чикдики, улар яратган ёдгорликларда диалектал фарқлар йўқола бориб, ягона ўзбек адабий тили шаклланди.

Шуниси характерлики, Навоийгача бўлган шоирларнинг асарларида эски туркий тил анъаналари давом эттирилиши билан бир қаторда, уларда жонли тил хусусиятлари ҳам кўпроқ ўрин эгаллай бошлади.

XV асрнинг биринчи ярмида диний мазмундаги бир қанча прозаик асарлар ҳам яратилди. Булар «Сирожул қлуб»(1432 йил Йазд шаҳрида Мансур бахши томонидан тузилган), «Тазкираи авлиё»(1436 йилда Мансур бахши томонидан тузилган), «Меърожнома», «Бахтиёрнома» в.б. Бу асарлар содда ва жонли тилга яқиндир. Улар эски ўзбек тилининг ривожланишида катта роль ўйнади. Эски ўзбек адабий тили аввал қорахонийлар даврида, кейинроқ Олтин Ўрда ва Мовароуннаҳрда қўлланган адабий тилнинг давоми, унинг янги тараққиёт босқичи эди. Эски ўзбек адабий тили маҳаллий туркий ва қисман эрон уруғлари тилига кипчоқ ва ўғуз тилларининг таъсири ва аралашishi натижасида шаклланди. Эски ўзбек адабий тили бутун Ўрта Осиёга, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон, Қашқар, Ҳирот ва бошқа ерларгача ёйилади. Эски ўзбек

адабий тили нормалари асосида ёзувчи шоир ва ёзувчилар XIX асрларгача ижод қилиб келдилар. Бу адабий тил анъаналари, айниқса, шеърятда узоқ даврларгача давом этди.

Алишер Навоий асарларида эски ўзбек адабий тили ўз ривожининг юқори нуқтасига кўтарилди. Алишер Навоий жуда катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг «Чор девон» ва «Хамса» номли поэтик асарлари, «Маҳбубул кулуб», «Хамсагул мутаҳаййирин», «Мажолисун нафоис», «Мезонул авзон», «Вақфия», «Муҳокаматул луғатайн», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби ўнлаб прозаик асарлари ҳақли равишда тарихий грамматиканинг асосий манбалари ҳисобланади.

Алишер Навойдан кейин яратилган прозаик асарлар ва баъзи дostonларда эски ўзбек тилининг анъанавий нормаларидан узоқлашиш, халқ тилига яқинлашиш тенденциясини кўрамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобирнома» асари, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмулк» достони, Абдулвахобхўжа ўғли Пошшоҳонинг «Гулзор» ва «Мифтоҳул адл» асарлари, Нишотийнинг «Ҳусну дил» достони, Гулҳанийнинг «Зарбулмасал» асари, Фазлийнинг «Мажмуатуш шуаро» тазкираси шундай хусусиятга эгадир.

Туркий халқлар ва уларнинг тилини ўрганишга қизиқиш XI асрлардан оқ бошланган. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғатит турк» асарида Ўрта Осиёдаги турли туркий уруғ-қабилалар тилини чуқур таҳлил қилади. Кейинги даврларда туркий тилларнинг луғатлари тузилади, баъзи луғатларда шу тилларнинг фонетик, лексик, грамматик таҳлили ҳам берилади. Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб», Абу Ҳайённинг «Китобул идрок лил-лисонул атроқ», Жамолиддин Абу Муҳаммаднинг «Китобул луғатул муштарақи луғатит турк вал қифчақ», Толеъ Ҳиравийнинг «Бадоеул луғат», Мирза Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» ва бошқа асарларда ана шундай таҳлиллар мавжуд. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида туркий тиллар грамматикасига оид қимматли фикрлар бор.

Россияда туркий халқлар ва уларнинг тиллари билан шуғулланиш Россия Фанлар Академияси ташкил этилган даврлардан оқ бошланган. XIX аср бошларида Москва, Қозон, Петербург университетларида шарқ тиллари кафедралари

ташқил этилди. Қадимги ёдномаларни нашр қилиш ва туркий тиллар тарихини ўрганишда рус олимларидан В.В.Радлов, П.М.Мелиоранский, С.Е.Малов, А.К.Боровков, А.М.Шчербак, Н.Ф.Катановларнинг хизмати каттадир.

Ўзбек тили тарихий грамматикасини тадқиқ этиш, бу фан бўйича дарслик, ўқув кўлланмалари яратишда Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Ш.Шукуров, Ғ.Абдуллаев, Э.Умаров, С.Аширбоев, Ҳ.Дадабоев, Б.Тўйчибоев ва бошқа кўплаб олимларнинг хизмати беқиёсдир. Улар томонидан эски ўзбек тили ёдномалари тилининг фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тил тарихи бўйича илмий тадқиқотлар то ҳозирги кунгача давом этмоқда.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси фани нимани ўрганади?
2. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси қайси фанлар билан яқин алоқада бўлади?
3. Ўзбек тили тарихига оид қандай асарларни биласиз?

Таянч тушунчалар:

Ўзбек тили тарихи - ўзбек тилининг туркий тиллардан ажралиб, мустақил тараққий этишини ёритадиган фан.

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси - ўзбек тилининг фонетик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик тизимини ўрганувчи ўзбек тили тарихининг узвий қисмидир.

Ўзбек тили тарихий грамматикасининг манбалари - тарихий грамматикада таҳлил қилиш, хулоса чиқариш учун асос бўладиган тил фактларини ташувчи ўзбек тилида яратилган ёзма ёдгорликлар.

Ўзбек адабий тили тарихи - ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиётини, нормалари тарихини ўрганадиган ўзбек тили тарихининг узвий қисми.

Эски ўзбек адабий тили - XIV асрларда шакллана бошлаган ва XV асрда ривожланган ҳамда XX асрнинг бошларигача қўлланган адабий тил номларидан бири.

Фонетика

Режа:

1. *Тарихий фонетиканинг ўрганиш объекти, манбалари.*
2. *Ўзбек тили тарихий фонетикасининг ўрганилиш тарихидан.*
3. *Араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви ҳақида.*

Тарихий фонетика ўзбек тили унли ва ундош товушларининг турли даврлардаги тараққиёти, ҳар бир тараққиёт даври учун хос бўлган фонетик система, айрим унли ва ундош товушларнинг шаклланиши ва тадрижий тараққиёти, асосий фонетик қонуниятлар, бўғин тузилишидаги тарихий ўзгаришлар каби қатор масалаларни ўрганади ва ўргатади.

Фонетик система тилнинг қурилиш бирликлари орасида ўзининг ўзгарувчанлиги билан лексикадан кейин иккинчи ўринда туради. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит-қўшни халқлар тиллари, жамият ва фан-техниканинг ривожи, янги-янги сўзларнинг кириб келиши тилнинг фонетик қурилишига тез таъсир кўрсатади.

Тилдаги ўзгаришлар бирданига – бир-икки йил орасида эмас, балки аста-секинлик билан узок давр давомида содир бўлади. Дастлаб онда-сонда учрайдиган ҳодисалар, фонетик вариантлар, ёнма-ён қўлланишлар аста-секин қонуниятга айланади. Шунинг учун муайян даврдаги тил шу тилда сўзловчилар учун ўзгармасдай, барқарордай туюлади. Ваҳоланки, тилда тараққиёт ва ўзгариш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Ўзбек тили эса бир неча тараққиёт даврини бошидан кечирди ва ҳар бир даврнинг ўзига хос қонуниятлари, фонетик системаси бор. Муайян тараққиёт даври учун хос бўлган фонетик системани тиклаш, тасвирлаш каби масалалар ҳам ўзбек тилининг тарихий фонетикасида ўрганилади.

Ўзбек тилининг турли даврларида яратилган ёзма ёдгорликлар, илмий ва бадиий асарлар тарихий фонетик

тадқиқот учун энг асосий манба вазифасини ўтайди, чунки ҳар бир ёзма ёдгорликда шу асар яратилган давр тили ўз аксини топади. Муайян бир асарни атрофлича ўрганиш асосида шу ёдгорлик яратилган даврдаги ўзбек тилининг хусусиятлари, жумладан, фонетик қонуниятларини аниқлаш мумкин.

Ўзбек классик адабиётида шеърӣ жанрнинг кенг ривожланганлиги, қофияда ўзаро ўхшаш сўзларнинг ишлатилиши, шаклдошликка асосланиб ёзиладиган туюқ жанрининг мавжудлиги фонетик тадқиқотларга маълум даражада имкон беради. Турли тараққиёт даврларида ёзилган асарлар тилининг фонетик хусусиятларини қиёслаш асосида эса ўзбек тили фонетик системасининг тараққиёт йўлини аниқлаш мумкин. Лекин биз ўтмиш даврлар талаффузини бевосита кузатиш имкониятидан маҳруммиз. Ўз навбатида, ёзув ҳам талаффузини тўла-тўқис акс эттирмаган, шу сабабли тарихий фонетикани ўрганиш катта тўсиқларга учрайди. Таъкидлаш лозимки, ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш жараёнида ёзма ёдгорликлар орасида филологик-тилшунослик ва адабиётшунослик асарлари беқиёс аҳамиятга эга. Чунки бундай асарларда тадқиқотчи ўзи билган ва тасвирлаётган тилнинг фонетик хусусиятлари, у ёки бу сўзнинг талаффуз шаклини маълум даражада тасвирлаб беради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит-турк», Абу Хайёнинг «Китобул идрок лил лисонул атрок», Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн», «Мезонул авзон», Заҳриддин Ғобурнинг «Мухтасар», Толеъ Хиравийнинг «Бадоеул лугат», Мирза Маҳдийхоннинг «Мабониул лугат» грамматикаси ва «Санглоҳ» лугати, Фатҳ Али Кожарийнинг «Луғати атроқия» каби асарларидаги ноёб фонетик маълумот ва изоҳлар ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш учун энг муҳим манбалар саналади.

/ Ёзма ёдгорликлардан ташқари, ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш учун ҳозирги ўзбек шевалари, ўзбек тилига қариндош бўлган бошқа туркий тиллар, айниқса, қўшни уйғур, қозок, қорақалпоқ, туркман тилларининг ҳодисалари ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбек тили фонетик системасидан чиқиб кетган қатор ҳодисалар (олд ва орқа қатор унлиларнинг фонологик фарқи, чўзиқ ва қиска унлилар, уйғунлик (сингармонизм) ҳодисаси, товуш алмашинувлари) ўзбек шеваларида ҳамда бошқа туркий тилларда сақланган ва ривожланган. Ўзбек шевалари ва бошқа туркий тилларда сақланган қонуниятлар эса ўзбек тилининг тарихида амалда бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Ўзбек тили тарихий фонетикаси ва грамматикасини билиш она тили ва адабиёт мутахассислари учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга, чунки тарихий фонетика ҳозирги ўзбек тилидаги қатор фонетик хусусиятлар (*сон- сана, тўла- тўлов* каби товуш алмашинувлари), бир қўшимчанинг турли фонетик вариантларда учраши (*чиққан, эккан, келган* ва х.к), стилистик мақсадда қўшимчаларнинг эскирган фонетик кўринишларда ишлатилиш сабаби, фонетик ўзгаришлар заминида сўзларнинг янги маъно касб этиш имконияти (*қуйи* ва *қудуқ, тизгин* ва *тийгин, қишлоқ* ва *қишлоқ*) ва бошқа шу каби ҳодисаларни тушунтириб беради.

Тарихий фонетика ҳозирги ўзбек шевалари хусусиятларини тўғри изоҳлаш ва диалектал хатоларни бартараф этишнинг қулай усулларини ишлаб чиқишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Эски туркий тилни амалий равишда ўрганишни бошлаб берган ва асари бизгача етиб келган олим Маҳмуд ибн Хусайн Кошғарийдир. У ўзининг «Девону луғатит турк» асарида туркий адабий тилни тасвирлаш билан чекланиб қолмай, ўзи яшаган даврдаги кўпгина шевалар ва улардаги талаффуз хусусиятлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот беради.

Шунингдек, туркий тилларни ўрганишга бағишлаб ёзилган «Муқаддиматул адаб», «Китобул идрок лил лисонул атроқ», «Таржумон туркий ва аҷамий ва муғалий» каби луғат ва грамматикаларида ҳам туркий тиллар фонетикасига оид қимматли маълумотлар бор.

XV асрдаги эски ўзбек тили унли товушларининг батафсил тавсифини, бу тилдаги унлилар, уларнинг фонетик кўринишлари ҳақидаги муҳим маълумотларни Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асаридан топамиз. Алишер Навоий ижодидан кейин эски ўзбек тилига қизиқиш кучаяди. XVI асрда Хусайн Бойқаро буйруғи билан Толеб Хиравий томонидан, асосан, форсий тилда ёзилган «Бадоеул луғат», Мирза Маҳдийхоннинг «Мабониул луғат» грамматикаси ва «Санглоҳ» луғати, Фатҳ Али Кожарийнинг «Луғати атроқия», усмонли турк тилида XV асрда ёзилган «Абушқа» луғати, Шайх Сулаймоннинг «Луғати чигатойи ва туркий усмоний» асарларидаги эски ўзбек тили сўзларининг талаффуз хусусиятлари ҳақида берилган изоҳлардан ҳам ўзбек тили тарихий фонетикаси бўйича муҳим маълумотларни олиш мумкин.

Ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганишда рус ва ўзбек тилшуносларининг ҳам хизмати катта. В. В. Радловнинг эски ўзбек тили ёдгорликлари фонетикаси бўйича ишлари, К. К. Юдахиннинг «Чигатой тилининг фонетик состави ҳақида материаллар», А. К. Боровковнинг «Алишер Навоий - эски ўзбек тилининг асосчиси», А. М. Шчербакнинг «Эски ўзбек тили грамматикаси» каби асарларини қайд этиш лозим.

Ўзбек тилшуносларининг ўзбек тили тарихий фонетикаси билан қизиқишлари 60-йиллардан кейин кучайди. Профессорлар Ф. Абдуллаев, А. Рустамов, Х. Дониёров эски ўзбек тили унли ва ундошлари системаси, айрим фонетик ҳодисалар бўйича қатор илмий ишларни нашр эттирдилар ва Алишер Навоий асарлари маълумотлари асосида эски ўзбек тили унлилари системаси устида тадқиқот ишлари олиб бордилар. Э.Умаров Толеъ Хиравий, Мирза Махдийхон ва Кожарий лугатлари асосида XV, XVII ва XIX асрларда ўзбек тили унлиларига оид муҳим кузатишларни умумлаштириб эълон қилди. Ғ. Абдурахмонов ва А.Рустамовларнинг ўзбек тилида биринчи марта нашр этилган олий юртлари талабалари учун «Қадимги туркий тил» дарслигида туркий тиллар учун муштарак бўлган Ўрхун-Енисей ёдгорликларининг фонетик хусусиятлари атрафлича баён этилди.

Ўзбек халқи минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келди. Ўзбек халқининг 1920 йилгача яратган тарихий, илмий ва бадийий ёзма ёдгорликлари асосан мана шу ёзувда етиб келган. Ёзув ва тил, айниқса, фонетика бир- бири билан алоқадор бўлганлиги сабабли эски ўзбек ёзувидан хабарсиз бўлган шахс ўзбек тилининг тарихий фонетикасини ўзлаштириши мумкин эмас.

Туркий халқлар ўз тарихи мобайнида қўллаган бир неча ёзув-руний, қадимги уйғур, сўғд ва бошқа ёзувлар ичида кенг ва узоқ қўлланилгани араб алифбоси асосидаги ёзув бўлди. Маълумки, араб алифбоси кам унлили ва кўп ундошли семит тилларига мўлжалланган. Бу тилларда чўзиқ ва қисқалиги билан фарқланувчи учта унли фонема бор: *а, и, у*. Ёзувда, кўпроқ, чўзиқ унлилар ифодалангани, қисқа унлилар ҳаракатлар: ост, уст белгилари билан берилгани ва ёзувда ифодаланмайдигани. Таъкидлаш жоизки, туркий(ўзбек) матнларида қандай бўгин бўлишидан қатъи назар, унли ҳарфларнинг ёзилиши араб, форс тилларига нисбатан турғунроқдир.

Айрим ундошлар учун икки хил *т* ва *ҳ*, уч хил *с*, тўрт хил *з* белги бор. Шунингдек, араб тилига хос бўлган чуқур бўғиз

портловчиси ва саёз бўғиз портловчисини ифодаловчи *айн* ва *ҳамза* ҳарфлари бор. Бундан ташқари, араб алифбосида туркий тилларда кенг тарқалган *п, ч, г* ундошлари учун махсус ҳарфлар йўқ. Кейинчалик *пе, чим, гоф* ҳарфлари туркий тил алифбосига киритилган бўлса-да, улар жуда кам ишлатилган.

Эски ўзбек тили ҳақида гапирганимизда, ундаги қатъий қоидали таъкидлаш жоиз: арабча ва форсча сўзлар манба тили ёзувида қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам шундай ёзилган. Уларнинг тўғри ёзилишига жуда катта эътибор берилган, арабча сўзлар ёзилишини бузиш кўпол хато, маданиятсизлик ва саводсизлик ҳисобланган.

Савол ва топшириқлар:

1. Тарихий фонетика нимани ўрганади?
2. Тарихий фонетикани ўрганишда қандай манбаларга таянилади?
3. Туркий ва ўзбек тили фонетикасини акс эттирган филологияга оид қандай асарларни биласиз?
4. Араб ёзувининг ўзига хос хусусиятларини сананг.

Таянч тушунчалар:

Тарихий фонетика- ўзбек тили фонетик тизимининг тараққиёт тарихини ўрганидиган ўзбек тили тарихий грамматикасининг бир бўлими.

Эски ўзбек ёзуви- араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувининг номларидан бири.

Фонетик тизим (система)- ўзбек тили ва унинг тараққиёти давридаги унли ва ундошлар, фонетик қонуниятлар, урғу ҳамда интонация каби барча фонетик ҳодисаларнинг жамланмаси.

Эски ўзбек тилида унли ва ундошлар тараққиёти

Режа:

1. Эски ўзбек тилида унлилар тизими.
2. Эски ўзбек тилида унлилар чўзиқлиги.

3. Ундошлар тизими.

4. Унлилар уйғунлиги.

Эски ўзбек тилида, умуман, ўзбек тили тарихида қўлланган унлиларнинг миқдорини белгилаш масаласи мунозаралидир. Тадқиқотчиларнинг унлиларни аниқлаш борасида турли тамойилларни- унлиларнинг олд қатор-орқа қатор, чўзиқ-қисқалиқ хусусиятларини асос қилиб олиши уларнинг миқдорини айни бир хил белгилаш учун қийинчилик туғдириб келди. Тил тарихига оид илмий ишларда эски ўзбек тилида бта, 8та, 9та унлининг мавжуд бўлганлиги ҳақида фикрлар учрайди.

Эски ўзбек тилидаги туркий сўзларда сингармонизм қонунининг амал қилиши, ҳозирги ўзбек шеваларида контраст жуфт унлиларнинг сақланиб қолиши эски ўзбек тилида 9та унли, арабча, форсча сўзлардаги *ā* унлисининг эски ўзбек тилидаги ўрни қатъийлигини ҳисобга олганда, 10та унли мавжуд бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, эски ўзбек тилида 10та унли бўлиб, улар қуйидагилар: *а, э, о, ғ, у, ғ, и, ы, е, ā*.

Унлилар характеристикаси:

а - умумтуркий, орқа қатор, қуйи-кенг, лабланмаган. Манбаларда **алиф** билан берилади, айрим қисқа бўғинларда ҳарфий ифодага эга бўлмайди.

ā - араб, форс тилидан ўзлашган сўзларда қўлланади, орқа қатор, қуйи-кенг, лабланган. Ёзувда ҳар доим ҳарфий ифодага эга ва **алиф** билан берилган.

о - аксарият туркий тилларда мавжуд, олд қатор, қуйи-кенг, лабланмаган. Манбаларда **алиф** билан берилади, қисқа бўғинларда **алиф** ифодаланмаслиги ҳам мумкин.

е - туркий тилларда кейин пайдо бўлган ва *и* олд қатор унлисининг варианты сифатида вужудга келган. Эски ўзбек тилида мустақил унли сифатида қатнашади, контраст жуфтлиги йўқ, олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган унли, ёзувда сўз бошида **алифу ёй** билан, сўз ўртаси ва охирида **ёй** билан ёзилади. Айрим ёдгорликлардаги қисқа бўғинда ҳарфий ифодага эга бўлмаслиги мумкин.

и - умумтуркий, олд қатор, юқори-тор, лабланмаган. Ҳарфий ифодаси *е* унлисига айнандир.

ы - умумтуркий, орқа қатор, юқори-тор, лабланмаган, ҳарфий ифодаси *и* унлиси билан айнандир.

о - умумтуркий, орқа қатор, ўрта-кенг, лабланган. Сўз бошида *алифу вов*, сўз ўртаси ва охирида *вов* билан берилган.

ө - умумтуркий, олд қатор, ўрта-кенг, лабланган. Ҳарфий ифодаси *о* билан айнандир.

у - умумтуркий, орқа қатор, юқори-тор, лабланган, ҳарфий ифодаси *о* унлиси сингаридир.

ў - умумтуркий, олд қатор, юқори-тор, лабланган, ҳарфий ифодаси *о, ө, у* унлилари билан ўхшаш.

Бу унлилар ўрни билан бирламчи ва иккиламчи чўзиқликларга эга бўлади. Улар худди hozirgi ўзбек тилидагидек, уч хил хусусиятига кўра тасниф қилинади:

I. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра:

1. Олд қатор(тил олди, юмшоқ) унлилар: *ә, и, ғ, ө, е.*

2. Орқа қатор(тил орқа, қаттиқ) унлилар: *а, ы, у, о, а̄.*

II. Тилнинг вертикал ҳолатига кўра:

1. Юқори(тор): *ў, у, и, ы.*

2. Ўрта(кенг): *ө, о, е.*

3. Қуйи(кенг): *а, ә, а̄.*

III. Лабларнинг иштирокига кўра:

1. Лабланган: *у, ғ, о, ө, а̄.*


2. Лабланмаган: *а, ә, и, ы, е.*

Араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзувида бу унлиларнинг ҳар бири учун алоҳида белги бўлмаса-да, сўзнинг ўзақ ва кўшимчаси таркибидаги *қ,г* ўзақдаги унлининг қаттиқлигига, *к,г* эса юмшоқлигига ишора қилиб келади: *атқа-отга; еткә-гўштга; төргә-тўрга, (юқорига).*

Ҳозирги ўзбек адабий тили талаффузи ва ёзувида олд қатор(юмшоқ) ва орқа қатор(қаттиқ) унлилар кескин фарқланмайди. Лекин эски ўзбек тилида бу фарқ катта аҳамиятга эга. Унлиларнинг қатори олд, орқа эканлиги тилнинг горизонтал-тишлар ёки бўғиз томонга ҳаракати билан белгиланади. Тилнинг тишларга яқинлашган ҳолатида талаффуз этилганда, олд қатор унлилар ҳосил бўлади. Орқа қатор унлилар талаффуз этилганда, тилнинг учи милқдан анча узоқлашади.

Унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги ҳозирги ўзбек тилидан бошқа барча туркий тилларда, шунингдек, эски ўзбек тилида ҳам жуда катта аҳамиятга эга, унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги сўз маъноларини фарқлашга ҳам хизмат қилади: *олтурды-ўтирди, өлтурди-ўлдирди; төр-уйнинг тўри, тор-тўр, тузоқ.*

3876



Ўзбек тили тарихида чўзиқ унлилар ҳақида сўз юритилганда, уч масалани фарқлаш лозим:

1. *Араб ва форс тилларидан эски ўзбек тилига кириб келган сўзларда чўзиқ ва қисқа унлиларнинг ўзаро муносабати.*

2. *Туркий сўзлардаги унлиларда бирламчи чўзиқлик.*

3. *Туркий сўзлардаги унлиларда иккисламчи чўзиқлик.*

Араб ва форс тилларида унлилар икки хил- қисқа ва чўзиқ бўлади. Бу тиллардаги чўзиқ-қисқаликнинг фарқи мустақил фонологик фарқ бўлиб, чўзиқ ва қисқа унлилар алоҳида фонемаларни ташкил этади. Лекин бу тилларда унлиларнинг каттиқ-юмшоқлиги фарқланмайди.

Ўзбек тилига арабча ва форсча сўзлар кириб кела бошлаши билан бу сўзларда чўзиқ ва қисқа унлиларнинг маъно фарқлаш вазифаси ҳам кириб келди: *ādām-одам; адам-йўқлик; а* ва *ā* билан эски ўзбек тилида мавҳум отларнинг бирлик ва кўplik формалари фарқланади: *адаб-адаб, āдаб-одоблар.*

Туркий сўзлардаги бирламчи чўзиқлик масаласи жуда мураккабдир. Олимлар тахминига кўра жуда қадимги (ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келмаган даврларда (умумтуркий тилда)- туркий сўзларда чўзиқ ва қисқа унлилар фарқланган. Эски туркий ҳамда эски ўзбек тилида чўзиқ ва қисқа унлиларнинг фарқланиши, уларнинг фонологик аҳамияти ҳақида қарама-қарши маълумотга эгамиз. Маҳмуд Кошғарий, Толей Ҳиравий, Мирза Маҳдийхон ва бошқа тилшунослар чўзиқ *а*, баъзан чўзиқ *и* унлиси ҳақида ёзадилар. Маҳмуд Кошғарий *а* унлини сўзларни икки алиф билан келтирган.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг унли товушларини тавсифлаб шундай ёзади: «Унлиларни чўзиқ ёки қисқартириб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди» (МК, I, 385). «Девон»нинг бошқа бир жойида яна ҳам аниқроқ қилиб ёзади: *йыгач* дейиш ҳам мумкин, *йыгач* дейиш ҳам мумкин, *тāнуқ* дейиш ҳам, *тануқ* дейиш ҳам мумкин. (МК, II, 45). Маҳмуд Кошғарийнинг бу сўзларидан битта хулоса чиқариш мумкин: XI аср адабий тилида чўзиқ унлилар шу давр уруғ-қабилла тилларида бир хил бўлмаган, яъни у айрим уруғ-қабилла тиллари (шевёлари)да мавжуд бўлган ва айримларида эса қўлланмаган. Маълумки, бу ҳолат ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд. Бирламчи чўзиқ унлилар ҳозирги ўзбек тилининг Иқон, Қорабулоқ, Фориш каби шевёларида сақланиб қолган, бошқа шевёларда эса қўлланмайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги туркий тилнинг барча шевёларида бирламчи чўзиқлик умумтил характериға эга бўлмаган.

Алишер Навоий эски ўзбек тилининг фонетик имкониятлари, шеър тузиш ва қофиялашдаги қулайликлари ҳақида тўхталиб, бу тилдаги унлиларнинг қисқа ҳам, чўзиқ ҳам талаффуз этилиши шеърят учун қулай эканини таъкидлайди. Буюк мутафаккир, жумладан, *ара* сўзини *ара* сифатида талаффуз этиб, форсча *сара*, *дара* сўзлари билан ҳам, *арā* сифатида талаффуз қилиб, чўзиқ унлили форсча *сарā*, *дарā* сўзлари билан ҳам қофиялаш мумкинлигини уқтиради (Нав.МЛ). Алишер Навоийнинг берган маълумотларидан ҳам қатъий хулоса чиқариш мумкин: туркий сўзларда чўзиқ-қисқалик фонологик вазифани бажармаган.

Эски ўзбек тилидаги бирламчи чўзиқлик кейинги даврларда айрим сўзларнинг ўртасида *з,з,й,ҳ* товушлари иштирокида янги бўғинларни вужудга келтирган: *би:з-бигиз*; *ки:з-кигиз*; *қы:н-қийин*. Алишер Навоий *биз* (кишилик олмоши) ва *би:з* (бигиз) сўзларини зид кўяр экан, мана шу кейинги чўзиқлик ҳақида маълумот беради (Нав.МЛ).

Унлилар уйғунлиги (*сингармонизм*- грекча *син*-ўхшаш, *ҳармони*- оҳанг) туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусиятларидандир. Унлилар уйғунлиги деб, сўз бўғинлари, ўзак ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, бир-бирига ўхшаш бўлишига айтилади.

Унлилар уйғунлиги *танглай* (*палатал-велар*) ва *лаб* (*лабиал*) каби икки турга бўлинади.

Танглай уйғунлиги. Сўзнинг дастлабки бўғинида орқа қатор (*а, ы, о, у, а*) унли бўлса, кейинги бўғинларда ҳам орқа қатор унли, аксинча, сўзнинг дастлабки бўғинида олд қатор унли (*э, э, и, ғ, ө*) келса, шунга мувофиқ равишда, кейинги бўғинларда ҳам олд қатор унли келиши танглай уйғунлиги дейилади. Мисоллар: *атның, келгән, барган, ишләр*.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларидаги танглай уйғунлигининг ўрта аср тилшунослари томонидан талқини ҳам диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларни икки гуруҳга *қ,з* ли қаттиқ ўзакли сўзлар, *к,г* ли юмшоқ ўзакли сўзларга бўлади.

Бу эса М.Кошғарийнинг туркий матнларни транскрипция қилишнинг энг зарурий тамойилини тўғри ифодалаб беришини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, *қ, з* ва *х* ундошлари иштирок этган туркий сўзларда олд қатор унлилар келади. Бу қисман ўзлашган сўзларга ҳам алоқадордир:

Ул санамким қасры атрāфыда ел баш қойдылар,

Көбөдөкдүрким қылулар барча сарыдын намәз. (Нав.)

Лаб уйғулиги. Сўзнинг дастлабки бўғинида лабланган **о, ө, у, ғ** унлилардан бири келса, кейинги бўғинларда ҳам шу унлиларнинг мослашиб келишига лаб уйғулиги дейилади. Танглай уйғулигидан фарқли ўларок, лаб уйғулиги кенг тарқалмаган. Мисоллар: **қолум, көзүм, йўзүм, туштум.**

Майдын көзүмгә тамыз бир қатра тә ачылсун,

Ким тийрөдүр бағайат ҳажрың арә маңа көз. (Нав.)

Сингармонизм қисман ундошларга ҳам алоқадордир. Олд ва орқа қатор унлиларнинг уйғунлашиб келиши сўзлардаги ундошлар вариантыни танлашга олиб келади. Масалан, *башилаған, келгән* сўзларидаги сифатдош кўшимчасининг **е** ва **г** ундошларда қатнашиши унлилар уйғулиги туфайлидир. Бу, айни замонда, аффиксларнинг вариантларини кўпайтиришга хизмат қилади (Бу ҳақда морфология қисмида баҳс қилинади).

Сингармонизм қонунида **-ким, -ки** ва бошқа кўшимча-юкламалар, кўшма сўзларнинг иккинчи (ўзак) қисми бўйсунмаслиги мумкин, чунки бундай сўзларда сўзларда қисмларнинг мустақиллиги сақланади.

Ундошлар тараққиёти. Эски ўзбек тилидаги ундошлар тавенфи Махмуд Кошғарий томонидан берилган. Лекин бу тилшунос олим кўрсатган ундошлар тўла эмас. Чунки у эски ўзбек тилига араб ва форс тиллари таъсири остида ўзлашган **ф, х, ғ, ж** товушларини ва айрим бошқа товушларни ўз сирасига қўшмаган. Эски ўзбек тили ундошлари қадимги туркий тил ундошлари билан солиштирилганда, эски ўзбек тилида янги ундошлар - лаб-тиш **в** ва **ф**, лаб-лаб **в**, лаб-тиш **з**, сирғалувчи **ж**, чуқур тил орқа сирғалувчи **х**, бўғиз ундоши **ҳ** пайдо бўлганини кўриш мумкин. Демак, эски ўзбек тилида қуйидаги ундошлар амалда бўлган: **б, п, ф, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ж, ж, ч, к, г, қ, г, ң, й, х, ҳ.**

Эски ўзбек тили ундошларини ҳозирги ўзбек тили ундошлари билан қиёслаш шуни кўрсатадики, ўзбек тили тарихида ундошлар кескин сифат ўзгаришларига учрамаган. Ундошларга оид ўзгаришлар, асосан, янги ундошларни узлаштириш ва товуш алмашинишлари билан чегараланади, бу эса ўзбек тили тарихида ундошлар унлилардан кўра барқарор бўлган, деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Олд қатор ва орқа қатор унлиларни сананг.
2. Лабларнинг иштирокига кўра унлилар қандай тасниф қилинади?
3. Чўзиқ унлилар ҳақида гапиринг.
4. Қадимги туркий тилга хос бўлмаган ундошларни сананг.
5. Манбалардаги араб ва форс тилидан ўзлашган ундошлар қатнашган сўзларни топиб, луғат тайёрлашга киришинг.

Таянч тушунчалар:

Унлилар таснифи - оғиз бўшлиғида тилнинг ҳаракати ҳамда оғизнинг очилиш даражаси, лабларнинг иштирокига кўра унлиларни гуруҳларга ажратиш.

Юмшоқ унли - олд қатор унли.

Қаттиқ унли - орқа қатор унли.

Сингармонизм – унлилар уйғунлиги қонуни.

Палатал сингармонизм – унлиларнинг танглай (олд қатор-орқа қатор) уйғунлигига асосланган сингармонизмнинг тури.

Унлиларнинг бирламчи чўзиқлиги – туркий сўзларнинг биринчи бўғинида қайд қилинадиган унлиларнинг табиий чўзиқлиги.

Унлиларнинг иккиламчи чўзиқлиги – сўздаги бирор ундош товушнинг кучсизланиши ва тушиб қолиши ҳисобига юз берадиган чўзиқлик.

Морфология. От сўз туркуми

Режа:

1. *Морфология ҳақида умумий маълумот.*
2. *От ясалиши.*
3. *Грамматик сон категорияси.*
4. *Эғалик категорияси.*

Ҳозирги ўзбек тилида бўлганидек, эски ўзбек тилида ҳам сўз туркумларининг йирик уч гуруҳи қайд қилинади. Булар мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, ундов ва тақлидий сўзлар. Лекин бу сўз туркумларининг ички категориялари узок даврлар

меънатида ўзига хос равишда тараққий этиб келди. Профессор Ш.Шукуров бу тарихий тараққиётни уч босқичга ажратади:

Биринчи босқич. Бу босқични XIV асрнинг охиригача бўлган давр ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, бу давр тилида қадимги туркий тилга оид кўпгина формалар янги формалар билан параллел кулланиб келган ҳамда ёзма ёдгорликларда диалектал ҳодисалар кўплаб акс этган. Шунингдек, бу давр тилида бошқа туркий тилларга оид бўлган сўз формалари ҳам истеъмолда бўлган.

Иккинчи босқич. Бу босқич XIV асрнинг охиридан XIX асрнинг 2-ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили вужудга келди ва маълум даражада адабий меъёрга эга бўлди.

Учинчи босқич. XIX асрнинг 2-ярмидан бошланади. Унинг характерли хусусиятлари адабиётда демократик оқимнинг пайдо бўлиши, вақтли матбуотнинг вужудга келиши, китобларнинг нашр этилиши ва шуларнинг натижасида эса адабий тил билан халқ сўзлашув тилининг яқинлаша боришидир. Демак, ўзбек адабий тили халқ жонли сўзлашув тили ҳисобига бойиб борди.

От ясалиши.

Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги икки усул билан от ясалган: 1) *морфологик усул (аффиксация)*; 2) *синтактик усул (композиция)*.

Синтактик усул билан от ясалиши ҳозирги ўзбек тилидан деярли фарқланмайди. Мас.: *Қарабаш* (Таф.), *шабчыраг* (Нав. МК), *алмабаш*, *чақырқанат*, *темурқанат* (Нав. МЛ).

От ясовчи аффикслар қайси сўз туркумидан от ясашига кўра қуйидаги икки гурпунага бўлинади: 1) *исмдан от ясовчи аффикслар*; 2) *феълдан от ясовчи аффикслар*.

Исмдан от ясовчи аффикслар.

Эски ўзбек тилида асосан қуйидаги аффикслар билан исмдан от ясалган:

-лық/лик//лыг/лиг аффикси. Таркибида (охирги бўғинида) лаб униси бўлган сўзларга *-луқ/лүк//луғ/лүг* вариантларида кўпилади. Мас.: *йоқлуқ*, *йаруқлуқ*, *улуғлуқ*, *мәңүлүк//мәңүлүг*, *муңтуғ*, *достлуғ* каби. Баъзан бу тартиб бузилади: Мас.: *күзгүрлик* (Таф.), *йарулық* (Ш.тар.).

Бу аффикснинг охириги ундоши жарангли (ғ,г) ёки жарангсиз (к,к) тарзида келиши тарихан маъно фарқлаш билан боғлиқ бўлган, яъни жарангсиз ундошлар билан келган *-лық/лик//луқ/лүк* вариантлари от ясовчи бўлиб, жарангли

ундошлар билан келган *-лыг/лиг/луг/луг* вариантлари сифатида ясалган. Бу ҳол «Девону луғотит турк»да акс этган. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи ҳам бу ҳодисага алоҳида эътибор бериб, XI аср тилида бу аффикснинг жарангсиз (қ,к) ундошлари билан келган вариантлари от яшаш учун, жарангли (ғ,г) ундошлари билан келган вариантлари сифат яшаш учун хизмат қилганини уқтирган (Қар.: МК, I том).

Ўзбек тилининг XIII-XIV асрларга оид ёдгорликларида бу принципга асосан амал қилган бўлса ҳам, баъзан унинг бузилиш ҳоллари ҳам учрайди. Мас.: *Маккалыгларга хайр қылдылар* (Таф.). *Азарлыг қылган турур* (Рафғ.). Бу мисоллардаги *маккалыг, азарлыг* сўзлари от сўз туркумига мансуб бўлиб, одатда *маккалық, азарлық* формасида бўлиши керак эди. Куйидаги мисолларда эса сифат ясовчи *-лыг* ўрнида от ясовчи *-лық* қўшилган: *Мазалық таймлар йедурур ерди* (Рафғ.), *Йазуқлуқларни қорқуттачылар* (Рафғ.).

Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларида бу аффикснинг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўлланиши чегараланмаган. Қиёсланг: *Йахшылығны билмәсәң* (Нав. МК). *Султән Маҳмуд башлық афғанлар* (БН). *Қасым бег башлыг бегләрни йибәрилди* (БН).

Эски ўзбек тилида бу аффикс билан асосан куйидаги отлар ясалган:

1. Абстракт белгини ифодаловчи от ясалади. Бу маъно асосан абстракт тушунчани билдирувчи отлар ёки аслий сифатларига қўшилганда англашилади. Мас.: *Саләматлық болсун сизләргә* (Таф.). *Меңә өзгүлүк қылды* (Рафғ.).

2. Конкрет тушунчани билдирувчи отларга қўшилганда, ҳолат, муносабат, алоқадорлик, бурч, вазифа каби маъноларни ифодаловчи отлар ясалади. Мас.: *Бу не хатунлуқ болур?* (Рафғ.) *Фарзандлыг тарҳыны салыб* (Нав. ФШ). *Аҳбәб, йигитликни ганимат тутунуз* (Нав. МК).

3. Шахс отлари қўшилганда, касб, ҳунар, мансаб маъносидаги от ясалган. Мас.: *Мусәни қойчылықга тутды ерсә,..*(Таф.). *Мавләнә Зуләлий... газлфурушулуқ қылуру* (Нав.МН).

Айрим ҳолларда бу аффикслар бир аффикс сифатида тасаввур қилинади. Мас.: *Ул виләят халқының уч хиссасы деҳқәнчылық билә тириклик қылсалар,..*(Фурк.) *Қорқа-мен улфатчилик барҳам йегәй деб ортада* (Мук.).

А. *-лык/лик//лыг/лиг* аффикси ўрин билдирувчи отларга кўшилганда, шу ўринга алоқадорликни, муносабатни ифодаловчи от ясалади. Мас.: *Қалганын маккалыгларга хайр қылдылар* (Таф.). *Мир Хусайн Маиҳадлыгдур* (Нав. МН).

-чы/чи аффикси. Бу аффикс отга кўшилиб, касб-хунар маъносини ифодаловчи от ясади. Мас.: *Ул қойчы анлар бирлэ барды* (Таф.).

Алишер Навоий *-чы/чи* аффикси билан мансаб, хунар маъносига отлар ясалиши ҳақида гапириб, қуйидаги мисолларни келтирган: мансабни билдирувчи сўзлар: *қорчы, сувчы, хазиначы, чйвгэнчи, найзачы, шукурчы, йуртчы, шыланчы, ахтачы*; хунарни билдирувчи сўзлар: *қушчы, баргчы, қорукчы, тамгачы, жибэчи, йоргачы, хйлвачы, кемэчи, қойчы*. Кушчилик бўйича ишлатиладиган сўзлар: *қазчы, қувчы, турначы, кийикчи, тавушқанчы* (Қар.: Нав.МЛ)

-гу/гу аффиксли ҳаракат номи формасига *-чы/чи* аффикси кўшилиб, ўзакдан англашилган ҳаракатни билдирувчи шахс оти ясалади. Мас.: *Биз аны сақлагучылармиз*. (Рабғ.). *Хушнавис кэтиб... сөзлэгүчигэ ва көзлэгүчигэ асайиш йеткүрүр* (Нав. МК).

-чы/чи аффиксининг феълга кўшилиб от ясалиши ҳам учрайди. Мас.: *Сен ҳусн елиниң хйны-сен-у банда тилэнчи* (Лутф.). *Өз атамызның атарчысидур ул* (ШН).

-даш/дэш//таш/тэш аффикси. Бу аффикс отга кўшилиб, биргалик, яқинлик каби маъноларни ифодаловчи от ясади. Мас.: *Мениң қарындашларым андаг сақынгайлар* (Таф.). *Мен қалдашларым бирлэ кеңэшэйим* (Рабғ.). *Кичик қардашы хақан болмыш ерди* (Нав.ФШ). *Көкэлтэшни түркчэ тил билэ дерлэр* (Нав.МЛ).

-дуқ/дүк/дуруқ//дүрүк, -чақ/чэк аффикслари отга кўшилиб курош оти ясади. Лекин эски ўзбек тилида бу аффикслар билан от ясалиши жуда каммаҳсул бўлган.

Мисоллар: *бурундуқ/бурундуруқ* (туянинг бурнига ўтказиладиган ҳалқа, жилов, нўхта), *бойундуруқ* (бўйинтуруқ), *қалсандуруқ* (уруш асбоби), *орундуқ* (ўриндик, ўтиришга мўлжалланган жой), *йаргучақ* (қўл тегирмон).

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ясама отларнинг бир қисмини форс тилидан ўзлаштирилган сўзлар ташкил этади. Улардаги сўз ясовчи аффикс деб талқин қилинадиган ва аффиксланган сўзлар форс тилида мустақил сўз бўлган. Масалан:

-гар/к̄ар—шахс оти ясайди. Мас.: *савд̄агар* (БН), *ситамк̄ар* (Атойи), *гунаҳк̄ар* (Ш.тар.).

-гой/гой – шахс оти ясайди. Мас.: *газалгой* (БН –газалчи, газал ёзувчи), *туркигой* (Нав. МН-туркий тилда ёзувчи).

-б̄аз – шахс оти ясайди. Мас.: *а̄таиб̄аз* (ШН–оловкор маъносида).

-з̄ӣр–ўрин оти ясайди. Мас.: *гулз̄ӣр* (Сакк.), *арғув̄анзар* (БН- чиройли қизил гуллар ўсадиган жой).

ҳам- – биргалик маъносини ифодаловчи от ясайди. Мас.: *ҳамдард* (Лутф.), *ҳамдам* (Атойи), *ҳамр̄аҳ* (ШН).

Феълдан от ясовчи аффикслар.

Эски ўзбек тилида феълдан от ясовчи аффикслар ҳам анчагина сонни ташкил этади. Лекин буларнинг бир қисми каммаҳсул бўлиб, айрим феъллардангина от ясайди.

-қ/г/к/г (ундошдан кейин:-*ақ/аг/әк/әг*, *-ық/ыг/ик*, *-уқ/ук/үк*) аффикси.Мас.: *йарақ/йараг*, *сорақ/соруг*, *қонақ/қонуқ*, *қылық*, *сатық/сатыг*, *тануқ*, *йазуқ*, *өлүк*, *төшәк*, *битиг*.

Бу аффикс билан ясалган отлар куйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Конкрет предметни билдиради. Мас.: *Төшәкдә йатур ерди* (Таф). Бу *йараг* бирлә йетишти лашкар (ШН). Агзы муҳурлуқ *битигни* оқуб,.. (Нав.Мнш.).

2. Феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатнинг жараёнини кўрсатади. Мас.: *Йана төрт йўз қул бирлә сатыг қылулар ерди* (Рабғ.). *Йоқ еди м̄ал-у қыз алурга соруг* (ШН).

3. Ҳолатни билдиради. Мас.: *Ҳеч киши тирик болмады ерсә,..* (Рабғ.). *Ел өлүкни й̄ад етәрләрки,..*(Отойи). *Тиригим тирик демәңдәр*, *өлүгүм өлүк*, *шумар̄а* (Фурк.)

4. Белги хусусиятини билдиради. Мас.: *Бу көрк*, *бу қылық* бирлә *сатыгу* қул ермәз, *бир агырлыг п̄адш̄аҳ* турур (Рабғ.). *Бу Лутфий қул не йазуқ қылмыш ердиким,..* (Лутф.). *Гар тануқ истәр есәң бу сөзгә/Сарипул тегрәсида чық тузгә* (ШН).

5. Шахсни билдиради. Мас.: *Ибр̄аҳимниң а̄даты ул ерди*: *қонуққа аш қойуб ози чықар ерди*, *қонуқлар офтамадын йесүнләр теб* (Рабғ.). *Унамадылар ким*, *қонуқ тутсалар уларни* (Таф.). *Ҳар бири бир кишигә болды қонақ* (ШН.).

-вул аффикси маълум группа феъллардангина от ясайди. Алишер Навоий бу аффикс билан ҳарбий ва сарой лавозимларини билдирувчи от ясалишини айтиб, куйидаги

мисолларни келтирган: *хыравул* (олдинда борувчи отряд), *даравул* (соқчи, қоровул), *чындавул* (ҳарбий юришда асосий кучлардан кейинда борадиган қисм), *йанқавул* (суз ташувчи), *газавул* (адъютант), *патавул* (қалъа соқчиси), *йасавул* (бошчиқ, сардор), *бакавул* (дастурхончи), *шыгавул* (элчини кузатиб борувчи), *дақавул* (хизматкор, жузатувчи) (Қар.:Нав.МЛ).

Мисоллар: *Йасавул ки, бир мазлум киши кейничә баргай ва ул мазлумни зълымдын қутгаргай* (Нав.МК). *Кул Байъзид бакавул йалгуз йалангач ат билә аларның муқабаласыдын элини сувга салды* (БН).

-л аффикси ҳам шаклан, ҳам мазмунан -вул аффикси билан боғлиқ. Алишер Навоий -л аффикси билан ясалган отлар ҳақида гапириб, куйидаги мисолларни келтирган: *йасал* (қўшин вафи), *қабал* (камал, ўраб олиш), *тутқал* (ҳазиначи, қимматбаҳо нарсаларни сақловчи), *тусқал* (соқчи, қоровул), *туйурвал* (ҳисса, инъом, мукофот) (Қар.:Нав.МЛ).

Мисоллар: *Султән инъам-у сойургалын көзгә илмәди* (Нав.МК). *Икки ай ким, қабал ерди анда//Аз киши қалды ошал қурганда* (ШН). *Йасалда бири йуқары тургай* (БН).

-қач/қөк аффикси билан предмет ёки белги номини инфошловчи от ясалади. Мас.: *батқач* – ботқоқлик жой, *басқач* – солиқ ундирувчи (Сангл.), *еиқәж* – қайиқ эшқаги (Абушқа).

Белләриң көни аймыш... қачқач турур теб (Рабғ.). *Көрәкмәс меңә қачқач йүзи* (ШН).

-гын/қын/гун/қун аффикси билан белги хусусиятини инфошловчи от ясалади. Мас.: *тутгун* – асир, *қавгун* – қувгин, (Маб.луғ.). *Қачгынга ул елдин қачыб, тагқа йүзләниб бардылар* (Тиф.). *Сени сатгын алыб әзәд қылгам* (Рабғ.). *Сениң үчүн сатгун алалы* (Нав.МК).

-гич/кич/гич/гич (-қуч/қуч/гуч/гуч) аффикси билан предмет, кўрол оти ясалади. Мас.: *басқыч*-босқич, *сүзгүч*-сузгич, (Сангл.), *салынгач*-беланчак, *аргимчоқ* (Абушқа). *Қапулуг ерди, ачқыч йоқ ерди* (ҮН). *Лағим тифлнің йелпүгүч билә варақны сивурмағы кудурат йеткүрүр* (Нав.МК). *Бермәгәй тутқучи мисллы сабчыбан оғры мышық* (Мук.).

(ы)и/(и)и аффикси билан ҳаракат процессини, натижасини билдируви от ясалади. Мас.: *йыгын*-йиғин, оломон, *чақын*-чакмок, *йагын*-ёмтиргарчилик (Маб.луғ.). *Дагы Ҳисарнын баҳар*

йығынлари жиҳатыдин ҳам черик ҳāлы аз ташвиш эмас ерди (БН). Ул *йығындин* соң аларны терāли (ШН).

-*гу/гу* аффикси билан предметни ёки ҳаракатини белгисини ифодаловчи от ясалади. Мас.: *соргу-сўрок*, талаб, *бергү* –кайтириб. бериладиган нарса (Маб.луғ.). *Төшэнгүлөри қамуг алтундын* (Таф.). *Күндин-күнгә севгүси зийād болур ерди* (Рафг.). *Көрүб көзгүдә* Мажнун болмыш ерди (Нав.ФШ.).

-*ич* (ундошдан кейин -*ынч/инч/унч/ич*) аффикси билан абстракт маънодаги от ясалади. Мас.: *Маликниң көңлингә қорқунч тушти* (Таф.). *Барган елчигә севинчи бериңиз* (ШН).

-(*у*)/*ш*(*у*)/*ш* аффикси билан иш-ҳаракат жарайнини, ҳолат маъносини билдирувчи от ясалади. Мас.: *Иш тоқушқа тегди, тоқушдылар* (Таф.). Араларыда *уруш болуб,...*(БН). *Йуруш йарағыны қайда билгәйләр* (БН). *Йайны кун туғушында,... оқларны кун батышы тарафыга...қойғыл* (Ш.тар.).

-*ма/мә* аффикси билан предметни ёки ҳолатни билдирувчи от ясалади. Мас.: *қавурма, басма*-бурилиш, муюлиш, эгик, букик, *асма*-осма (Маб.луғ.). *Йā атамның туғмалары, йд қарындашиларым, ҳеч билур-му-сизләрким,...* (Таф.). *Меним туғмам тақы тирик болса ерди* (Рафг.).

Эски ўзбек тилида феълдан от ясовчи яна бир группа аффикслар мавжуд бўлиб, буларнинг истемол доираси айрим феъллардангина от яшаш билан чегараланган:

-(*а*)/*т*(*ә*)/*т* –Бу *өләтдин* мени хāн айырсуң. (ШН.).

-(*у*)/*м*(*ү*)/*м* – *Харгез өлүмни арзу қылмазлар* (Таф.).

-(*ә*)/*гәч* – *күлгәч* –хушчақчақ, қувноқ (Маб.луғ.)

-*чан* –*соғулчақ* – чувалчанг (Сангл.).

-*чақ* – *салынчақ* – беланчақ, арғимчок (Абушқа).

-*дақ* – *боғурдақ* – бўғин (Сангл.).

-*руқ/руг* – *тутруқ* – тутам, боғлам (Сангл.), *басруг* – пресс, исканжа, тахтакач (Абушқа).

-*мур* – *йағмур* – ёмғир (Таф.).

-*мач* – *биламач* – ундан тайёрланган овқат, тутмач – угри ош (Сангл.), *қовурмач* – қовурма (Абушқа).

-*мақ* – *йашунмақ* – бекинмачок,: *Тиләб көңлүм сениң агзыңны тапмас//Кичик учун магар ойнар йашунмақ* (Лутф.); *чақмақ*–яшин, чакмок; *Мени өлтүргәли ул көзи отлуқ//Көңүлнн таши етәр, гамзаны чақмақ* (Лутф).

-*шы* – *қоншы* –кўшни: *Йоҳсуллық ул евдин кеткәй тақы қоншылардын* (Таф.)

От ва унинг ички категориялари.

Маълумки, от предмет ва предметлик тушунчасини ифодалайдиган сўз туркуми бўлиб, у грамматик сон, келишик ва эғалик категорияларига эга.

Грамматик сон категорияси. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидагидек, бирлик сон сўз негизига мувофиқ келади. Кўплик эса махсус грамматик кўрсаткичлар билан ифодланади. Эски ўзбек тилида кўплик маъносини куйидаги кўшимчалар ифодалаган:

-лар/лэр. Бу кўшимчанинг қўлланиши ҳозирги ўзбек тилидагидек кенг бўлган: *Ул кенндэги кишилэр келиб турур* (Рафғ.). *Ташларни тамām бу тагдын елтэрлэр* (БН).

Бу кўшимча эски ўзбек тилида ҳам айрим ҳолат ва мавҳум тушунчани билдирувчи отларга қўшилганда кўпликни эмас, балки кучайтириш, таъкидлаш каби маъноларни ифодалайди: *Аниң душманлари көп қайгулар тапты* (ЎН). *Аҳмад Юсуф бег кизтираблар қылыб айтадур ким...* (БН).

Шу билан бирга, бу кўшимча ҳурмат маъносида ҳам қўлланган: *Аталары езгү киши ерди* (Таф.). *Қабрлары Балхдадур* (Нав. МН).

-ат/эт. Маълумки, қадимги туркий тилда бу кўшимча **-т** вариантыда (*қыйи* (*азоб*)- *қыйыт* (*азоблар*)) қўлланиб, кўплик ва жамлик маъноларини ифодалаган. Эски ўзбек тили баномаларида, хусусан, «Бобирнома»да бу кўшимча **-ат//эт** тарзида қўлланиб, худди шу маъноларни ифодалаган: *Маҳаллат, бегэт, туманат, бөлүжэт, багат.*

Шунинг айтиши керакки, қадимги туркий тилда *оглан, ерэн* сўзларида учрайдиган кўплик маъноси эски ўзбек тилида кўплик маъносида эмас, балки бирлик маъносида қўлланган: *Нығыыз беглөрү огланларны* (ШН). *Ерэнлэр айтурлар* (Таф.).

Маълумки, ҳозирги ўзбек тили лексикасида араб сўзлари маълум ўрин тутади. Бу ҳол эски ўзбек адабий тилида кучлироқ бўлган. Шу муносабат билан кўплик шаклида ўзлаштирилган сўзлар кўплик маъносида қўлланган: *шуарā* (*шоирлар*), *уламā* (*олимлар*), *салāтын* (*султанлар*). Айрим ҳолларда бундай сўзлар бирлик маъносида ўқилиб, уларга **-лар//лэр** кўшимчаси қўшилган: *Йолда ажāйыблар хөрдилэр* (Рафғ.). *Бурунгы шуарā ва акāбирлар зайлыда мазкур болгайлар* (Нав. МН).

Эғалик категорияси. Предмет ва предметлик тушунчасининг нутқдаги уч шахсдан бирига тааллуқли

эканлигини билдирувчи кўшимчалар жами эгалик категориясини ташкил этади. Эгалик кўшимчалари негизнинг тил олди ва тил орқа хусусиятига ҳамда негизда лабланган унлиларнинг қатнашишига қараб, турли фонетик кўринишларда қўлланган:

-**м** кўшимчаси унли билан тугаган ҳар қандай негизга кўшила олади: *атам, эжам*.

-**ым** кўшимчаси ундош билан тугаган тил орқа унлилари мавжуд негизларга кўшилади: *Фурқатыңдын заъфаран үрө төкәрмен лалалар//Лалалар ермәски бағрымдын ерүр паргалалар* (Нав.).

-**им** кўшимчаси ундош билан тугаган тил олди унлилари мавжуд негизларга кўшилади: *Меҳрим отын ҳушу сабру ақлу ҳис йашурмады//Меҳри ламъи төрт бурқаъ кейнидин пынҳан емәс* (Нав.).

-**ум** кўшимчаси ундош билан тугаган ва тил олди унлилари қатнашган негизларга кўшилади: *Ул лаби унабгун көңлүмөв еккән тухмы меҳр// Көңлүм ичрө йашурун дурданадек унаб ард* (Нав.).

-**ум** кўшимчаси ундош билан тугаган тил орқа лабланган унлилар қатнашган негизларга кўшилади: *Болмадым умрумда бир дам хатыры хуррам билә//Гар иликдин келсө бир дамни кечүрмаң гам билә* (Бобир).

I шахс кўплиги, II шахс бирлик ва кўплигида ҳам юқоридаги қоида ўз кучини сақлайди. I шахс кўплигида эгалик кўшимчалари *-мыз/миз, -ымыз/имиз, -умыз/үмиз* ва *-умуз/үмүз тарзида*; II шахс кўплигида *-ңыз/ңиз, -ыңыз/иңиз, -уңыз/үңиз, -уңуз/үңіз* тарзида; III шахс бирлик ва кўплигида *-сы/си* (унлилардан сўнг), *-ы/и* (ундошлардан сўнг) кўшимчалари кўшилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Тарихий морфологиянинг асосий хусусиятларни нималардан иборат?
2. Кўплик маъносини ифодаловчи морфологик шаклларни сананг. Арабча кўплик шаклидаги сўзлар луғатини тузинг.
3. Эгалик кўшимчаларининг ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган вариантларига манбалардан мисоллар келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Сўз туркуми – сўзларнинг лексик-грамматик хусусияти бўлиб, сўз маъноси, морфологик категорияларга эгаллиги, синтактик вазифаси жиҳатдан гуруҳланишидир.

Грамматик категория – бир тизимдаги шакл (форма)лар жами, у одатда шаклланмаган ва шаклланган сўз шаклларининг шаклланишидан (оппозициясидан) ҳосил бўлади.

Келишик категорияси

Режа:

1. *Келишиклар тараққиёти.*
2. *Эски ўзбек тилида бош, қаратқич, тушум келишиклари.*
3. *Эски ўзбек тилида жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.*

Келишиклар гапда отнинг ёки отлашган сўзнинг феълга, билан бошқа сўз туркумига муносабатини ифодалайдиган формалардир. Эски ўзбек тилида ҳозирги ўзбек тилидагидек б та келишик шакли сақланган. Туркий тиллар тараққиётининг кадимги давлари учун характерли бўлган восита келишиги шакли XIII-XIV асрларга оид ёзма ёдгорликлар тилида ҳам маълум даражада қўлланган. XV аср ва ундан кейинги даврларда восита келишигининг қўлланиши анча чегараланган бўлиб, унинг грамматик хусусиятини йўқотган ва келишик категорияси сифатида истеъмолдан чиққан. Шу даврдан бошлаб восита келишиги шаклида қўлланган сўзлар равиш категориясига ўтган ёки ўтиш жараёнида бўлиб, пайт, ҳолат каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади: *Аҳ уруб, фарйād стар-мен сенсизин*//*Бу вужудымдын қалыбтур йалгуз ўн* (Луғф.). Болса жаннатда *Атайи сенсизин, қылгай фыған* (Атоий).

Бош келишик. Одатдагидек, бу келишик махсус кўрсаткичга эга бўлмайди. Унинг асосий синтактик функцияси эга вазифасида келишидир: *Саккайий ул ай манзылына худ пета билмас* (Сакк.). Анда *көп уламйлар давра алыб шатурубтурлар* (Фурқ.). Шу билан бирга, бош келишикдаги сўз келиши ва иккинчи даражали бўлак вазифасида ҳам келади.

Қаратқич келишиги. Бу келишик кўшимчаси кўп вариантлидир. Негизнинг фонетик хусусиятига қараб, аффикснинг махсус вариантлари кўшила берган:

-ның/ниң. Мазкур кўшимча ҳар қандай негизларга кўшила беради: *қойчының ити* (Таф.). *Елчиңиң шахдлық тауры ишишәси...* (Нав.СС). Бу кўшимча XV асргача бўлган ёдномаларда таркибида лабланмаган унлилар бўлмаган негизларга кўшилган.

-нуң/нүң. Қаратқич келишигининг бу варианты охири бўғинда лабланган унлилар қатнашган негизларга кўшилади: *Расулнуң сөзи* (Таф.). *Харуннуң ақлы* (Раф.). *Көзүңүң аллыда наргис келиб қатыг көзлүг...* (Нав.СС). Бу кўшимчанин юқоридаги негизларга кўшилиши XV-XVI асрларгача давом этган. Шунингдек, бу қонуниятдан чекиниш ҳоллари ҳам учрайди: *Көзниң нийәти* (Атойи), *халқнуң ранжы* (Таф.).

-ын/ин/үң. Қадимги туркий тилда ундош билан тугаган негизларга кўшиладиган бу кўшимчалар эски ўзбек тилида ҳам учрайди. Лекин унинг қўлланиши айрим сўз шаклларигагина хосдир. Бу давр ёдномаларидан мазкур кўшимча фақат «Тафсир»да анча кенг қўллангандир: *ул елиң евләри, анларын евләри.*

-рүң кўшимчаси. Бу кўшимча *ким* олмоши билангина қўлланган: *Сен кимүң оғлы-сен?*

Қаратқич келишиги кўшимчасининг бундай вариантлари сингармонизмли туркий тилларда ва сингармонизмли ўзбек шеваларида ҳам учрайди.

Бу келишикнинг белгисиз қўлланиши эски ўзбек адабий тили учун ҳам характерли бўлган: *Мүлк икки бағы икки алам//Султәнлыг ерүр саңа мусаллам* (Нав.СС).

Тушум келишиги. Эски ўзбек адабий тилида тушум келишиги **-ны/н/ы/и** вариантларига эга бўлган.

-ны/ни. Бу аффикс ўзбек тили тараққиётининг барча даврларида қўлланиб келган: *Йолны беркитәйин, қамунны қутқарайын* (Раф.). Бу *сөзни кизләдиләр* (Таф.). Бу кўшимча «Бобирнома» асарида қаратқич маъносини билдирган: *Бир қыргавулны үскүнәсини төрт киши йеб тугата алмайдур* (БН).

-н. Бу аффикс варианты эски ўзбек тилида анча фаол қўлланган. Лекин у III шахс эгалик кўшимчасидан кейин кўшилган: *Қылыч бирлә башын кести* (ЎН). *Исмәилның өсин*

турды (Рафг.). Тушум келишигининг бу кўшимчаси шеърий асарларда кенг қўлланган.

-ди. Бу кўшимча I ва II шахс эгалик кўшимчаларидан кейин кўшилган: *Ади қулагы-ла эшит халымы* (Мук.). *Ақлымы* тилим ады түгмди гирибаниң (Фурк.).

Тушум келишигининг белгисиз қўлланиши ҳам эски ўзбек тили учун характерлидир: *Қоймағумдур етәгиң* (Бобир). *Көңүл шөвр бикин азың көрүп* (Сакк.).

Тушум келишигининг қадимги туркий тилга хос бўлган *-г/г,* *-и/и/и/у/у* вариантлари эски ўзбек тилида учрамайди.

Жуналиш келишиги. Бу келишик кўшимчаси эски ўзбек тилида *-ка/га/кә/гә,* *-а/-ә ва -на/нә* каби вариантларга эга. Шу билан бирга, қадимги туркий тилга хос бўлган *-ару/ғору/қару/кәру,-ра/рә/ру/рұ* кўшимчалари ҳам айрим асарларда учрайди.

-а/гә варианты унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга кўшилади, *-қа* кўшимчаси жарангсиз ундошлар ва *г,х* ундошлари билан тугаган негизларга кўшилади: *Ейким бары шөвр ақлыға сен хән йаңлығ//Шеъриң бары шеърләргә султән пәлиғ* (Бобир). *Ләла қадаҳына ташқа урдуң//Жәла гүҳәрини ташқа урдуң* (Нав. ФШ).

XIII-XIV аср ёдгорликларида бу тартиб бузилган, яъни, *-га* ундош *-қа* кўшимчаси ёки аксинча қўлланаверган: *Ибраҳимга /Ибраҳимқа, авга/авқа, отга/отқа* (Рафг.).

-ка/гә. Тил олди унлилари қатнашган негизларга кўшилади. Эски ўзбек тилида қай ҳолларда *-кә*, қайси ҳолларда *-гә* кўшимчасининг кўшилишини аниқлаш бирмунча қийин, чунки арб сўзида бу икки вариант ҳам (*коф*) ҳарфи билан ёзилган. Шунга қарамадан, жарангли ва сонор ундошлар ва унлилардан сўнг *-гә*, жарангсиз ундошлардан сўнг *-кә* кўшимчасининг қўлланишини фаҳм қилиш мумкин: *Көңүлүмгә дәрә келәди...* (БН). *Еликкә мениң йашым йети* (Ш.турк.).

-а/а. Бу аффикслар ундош билан тугаган сўзларга кўшилади. Лекин унинг қўлланиши жанрлар бўйича чегараланган. Бу форма XIII-XIV асрлар шеърий асарлари ҳамда прозаик асарларда қўллангани ҳолда, XV аср ва ундан кейинги даврларда асосан шеърий асарларда учрайди: *Билларини қашыма йеткүрүңүз* (ШН). *Кел, тақы йуртуңа егә буз* (Ш.тар.). *Не учун аввал өзүңә айни қылдың мени* (Атойи).

Йа рабб, не ажаб йари жафйкйра йолуктум//Кози-йу қани жаду-ву маккйра йолуктум (Лутф.).

Қадимги туркий тилга оид бўлган *-гару/гэрү/қару/кэрү/ру/рү* аффикслари эски ўзбек тилида ўзининг келишиқ функциясини йўқотган. Улар кейинчалиқ эски ўзбек тилида ҳам равиш ясовчиларга дйлланиб кетган.

Қадимги туркий тилга оид бўлган *-ра/рә* аффиксин «Тафсир»да учрайди: *Йа Муҳаммад, таира чық*. Бироқ бу аффикс ҳам кейинчалиқ равиш ясовчига ўтиб кетган: *ичра (ичкари), асра (пастки, қуи)*.

Жўналиш келишигининг белгисиз кўлланиши ҳам эски ўзбек тили учун характерли бўлган. Мисоллар: *Сенки ул йди азимёт еткүңдүр* (Нав.СС). *Бир инисин йибәрүр болды Хиср* (ШН).

Ўрин-пайт келишиги. Бу келишиқни ҳосил қиладиган қуйидаги аффикс вариантлари учрайди:

-да/дә жарангли ундош ва унли билан тугаган сўзларга кўшилади: *Қайғуда заьиф болды* (Рабғ.). *Йўзүңдә нурч тажаллы, лабыңда жавҳари руҳ* (Лутф.).

-та/тә жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга кўшилиши: *Бу иштә ихтййарым йоқ турур* (Атойй). *Танымақта мдгәр йаңылмыш-сен* (Нав.СС).

Ўрин-пайт келишигининг *-та/тә* аффиксин «Бобирнома»да ва айрим бошқа асарларда учраса ҳам, одатда, жарангли ундошлардан кейин ҳам *-да/дә* аффиксин кўшила берган.

Чиқиш келишиги. Бу келишиқни ҳосил қилувчи қуйидаги аффикслар мавжуд:

-дын/дин унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга кўшилади: *Чарх қасрыдын қуйаш ҳар күн түшәр қламард* (Нав.СС). *Андыжанның нәшбәтисидин йахшырақ нәшбәти болмас* (БН).

-тын/тин жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга кўшилади: *Сен баштын айақ жән-сен* (МН). Лекин жарангли ундошлар билан тугаган сўз негизларига ҳам *-дын/дин* аффиксин кўшила беради. Аксинча жарангли ундош билан тугаган сўзларга ҳам *-тин/тын* аффиксининг кўшилиши қайд қилинади: *Хожандтын Ахсыга келүр* (БН).

-дан/дән//тан/тән. Бу аффикс XV асрдан олдинги ёдгорликларда учрайди ва улар факультатив характердадир: *Уч кундин сөң зиндандан чықардылар* (Рабғ.).

Чикиш келишигининг қадимги туркий тилга оид *дундун/тун/тун* аффикслари сўзнинг охириги бўгинлари лаб динлари билан келган негизларга қўшилади. Эски ўзбек тилида бу аффикслар фақат «Ўғузнома»да учрайди: *Қырк кундун соң, он тоқушадун соң, ануң көзү көктүн көкрәк ерди.*

Тил тарихи фактлари шуни кўрсатадики, чикиш келишиги формаси кейинги даврларда шаклланган бўлиб, унинг ўрнини маълум даврларда ўрин-пайт келишиги бажарган. Гарчанд, бу сўзнинг қадимги туркий тилга хос бўлса ҳам, эски ўзбек тилида чикиш келишиги маъносида ўрин-пайт келишиги формаси қўлланган: *Башыны уч йердә йардылар* (Тафсир). *Бу ишларда бирини қылсаңыз* (Рабғ.).

Восита келишиги. Юқорида таъкидланганидек, бу келишник қадимги туркий тилга оид бўлган ҳодисадир. Лекин у XIII-XIV аср ёдгорликларининг айримларида учраб туради: *Ишун тилин жаваб берди* (Таф.). *Аны кишиләр көзин көргән бир-му?* (Таф.).

Восита келишиги XV асрга оид манбаларда, масалан, Луғбий, Атоий асарларида ҳам учрайди. Лекин бу даврда восита келишигининг истеъмол доираси чегараланган бўлиб, маълум ҳам торайган. Мисоллар: *Фарийад етәрәм түшкәли мен паллазун андын//Хеч олды таным, қалды ҳамин йалгуз ўн андын* (Луғб.). *Керәкмәс сепсизин, ваалләх, маңа жән миннаты* (Атоий).

Восита келишиги формасидаги сўзларнинг бир қисми равиш категориясига ўтган. Равиш категориясига ўтиш, асосан, пайт билдирувчи сўзлар доирасида бўлган: *қышын, йазын, гүштән, кечин, тунун* каби. Бу сўзлар таркибидаги *-ын,-ин,-ун,* *-и,-и* восита келишиги аффикси бўлиб, кейинчалик сўзнинг таркибий қисмига айланган ва бундай сўзлар равиш сифатида шаклланган.

Савол ва топшириқлар:

1. Қараткич келишиги қўшимчаларини сананг.
2. Жуналиш келишигининг қадимги туркий тилга хос бўлган қандай қўшимчалари мавжуд?
3. Келишник қўшимчаларининг ҳар бирига ёдномалардан мисоллар ёзинг.
4. Восита келишиги қандай ҳосил қилинган?

Таянч тушунчалар:

Келишик категорияси – аслида отнинг феъига тобелигини таъминлайдиган сўз формалари жами.

Сўз формаси (шакли) – лексик маъно, грамматик маъно ва уни ифодалаш усуллари йигиндиси.

Келишик қўшимчаларининг белгилли-белгисиз қўлланиши – келишикнинг қўшимчага эга бўлганлигини (аслида 20-йилларда «белги» термини «қўшимча» маъносини англатган) ёки эга бўлмаганлигини билдиради.

Сифат

Режа:

1. Сифат сўз туркумининг тарихий тараққиёти.
2. Сифат ясалиши.
3. Сифат даражалари ва унинг интенсив формалари.

XV—XIX асрларга мансуб манбалар тилида келтирилган сифатлар, умуман, туркий тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги сифатларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, булардан асосийлари қуйидагилар:

• нарсa-предмет ва ҳодисаларнинг белгисини билдириш сифатнинг семантик асосидир. Белги билдириш хусусияти ва табиати жиҳатидан туб (аслий) ва нисбий сифатлар бир-биридан қисман фарқланувчи ўзгачаликларга эгадир;

• туб сифат ифодалайдиган белги тушунчаси шу сифатнинг тўғридан-тўғри маъносидан англашиладиган ранг, тус, тур, таъм, маза, ҳажм, вазн, меъёр, сатҳ, миқдор каби доимий сифат белгилари билан боғлиқ бўлади, бу доимий сифатий белгилар конкрет ва абстракт характерда бўлиши мумкин: *ақ алма, ақ көңул, аччиқ дәнәк, аччиқ дард* каби;

• нисбий сифатда эса белги тушунчаси шу ясама сифатга асос бўлган сўздан англашиладиган нарсa-предмет ёки ҳодиса маъноси билан боғлиқ бўлиб, унинг белги хусусияти бошқа турдаги нарсa-предмет ёки ҳодисага турли даражада нисбат берилиши орқали ифодаланади.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сифат туркий махсус морфологик кўрсаткичга эга бўлмаган. Мустақил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаган, у сўнрок туркумдан ўсиб чиққан ва шаклланиб ривожланган.

Э. В. Севортянининг таъкидлашича, сифатнинг отдан дифференциацияланиш жараёни анча илгариги даврларда бошланган, V—VIII асрларга келиб бу жараён анча кенг тус олган. Сифатнинг жамланиши ва кристаллашиши аста-секинлик билан турли даврларда пайдо бўлган турли формалар ҳисобига юз берган. Бу формаларнинг айримлари калмак ва кавказлик каммаҳсул бўлган, айримлари эса ўз сармаҳсулликни ҳозирги кунларгача сақлаб қолган ва ҳатто энди кенгайтирган. Айрим формалар от ва сифат учун муштарак бўлган, айримлари фақат сифатгагина тегишли бўлган, лекин кейинги даврларда тараққий қилмаган.

Туркий тиллар тараққиёт босқичининг қадим даврларидан бошланган сифатнинг отдан ажралиб чиқиши узлуксиз ҳодиса бўлиб, бу жараён ҳануз давом этмоқда. Бундан ҳамма сифат ҳам отдан ажралиб чиққан, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки сифат мустақил категория сифатида ажралиб чиққандан кейин бу туркум таркибига янгидан кўшилган белги инфодаловчи бир қатор туб ва ясама сўзлар, ясовчи аффикслар мавжудки, уларнинг келиб чиқиши ва табиати ҳозирча аниқланган эмас.

Сифат туркумига оид сўзларнинг катта қисмини ясама сифатлар ташкил қилади. Ясама сифатлар икки хил йўл билан: *морфологик* (аффиксация) ва *синтактик* (композиция) усули билан ҳосил қилинади.

Морфологик усул билан сифат ясалиши. Морфологик усул билан сифат ясалиши узоқ тарихга эга бўлган асосий усуллар. Сифат ясалишига асос бўлган ўзак морфема исм ёки феъл туркумига оид бўлишига қараб ясовчи морфемалар ҳам номлардан ёки феъллардан сифат ясовчи тарзида иккига бўлинади.

Сифат ясовчи аффикслар тарихан кўп бўлмаган, улар ҳозир ҳам унчалик кўп эмас. Текширилаётган давр тилида улар қўланиши даражасига кўра бир хил эмас: баъзилари нумун, баъзилари эса унумсиздир.

Отлардан сифат ясовчи аффикслар. Отлар туркумига оид сўзлардан сифат яашда куйидаги аффикслар қўлланган:

-лыг/лиг,-луқ/луг,-лж/лж. Ушбу аффикс вариантларининг ишлатилишидаги фонетик шароит куйидагича:

Таркибида лабланмаган унлилардан бири бўлган бир бўғинли, шунингдек, барча ёки сўнги бўғинида шу унлилардан бири бўлган кўп бўғинли қаттиқ негизларга аффикснинг асосан лабланмаган орқа қатор вариантлари, юмшоқ негизларга эса олд қатор вариантлари қўшилади: **ағызлық, йазлық, бағлыг, татлық, йашлық, қанлық, билиглиг, қорганлық, атлық, йарағлыг, евлик, йамағлық, кечәлик.**

Лабланган унлили бир бўғинли, шунингдек, барча ёки сўнги бўғинида лабланган унлиси бўлган қаттиқ негизларга аффикснинг лабланган орқа қатор вариантлари, юмшоқ негизларга олд қатор вариантлари қўшилади: **бойлуқ, қайгулуқ, отлуқ, андухлуқ, қўлж, йўлж, олтурушулуқ, көрклж, тўрлж, қутлуқ, отлуг отлуқ, йамгурлуқ, тўклж, ўйлж, йосунлуқ, сўтлж, қўлғўлж, қўлж, сўйўклж.**

Баъзан бу умумий қонуниятнинг бузилиши кузатилади: лабланмаган унлили негизларга аффикснинг лабланган вариантлари, шунингдек, орқа қатор вариантлари юмшоқ ўзакларга ва, аксинча, олд қатор вариантлари қаттиқ негизларга қўшилиб келади. Бу ҳодиса, айниқса, XVII—XIX асрларда кўпроқ кузатилади.

-лы/ли,-лу/лж. Бу аффикс вариантларининг ишлатилишида ҳам асосан сингармонизм қонуниятига амал қилинган: олд қатор вариантлари юмшоқ негизларга, орқа қатор вариантлари қаттиқ негизларга қўшилган: **кендли,отлы, йағлы,татлы,меңзли,жерәкли,билигли,йаралы,йақалыг** каби. Лабланган **-лу/-лж** вариантларининг қўлланишида бошқачароқ манзара кузатилади; сингармонизм қонунига биноан таркибида лаб унлиларидан бири бўлган бир бўғинли ёки сўнги бўғинида шу унлилардан бири бўлган икки ёки кўп бўғинли қаттиқ негизларга аффикснинг орқа қатор вариантлари, юмшоқ негизларга олд қатор вариантлари қўшилади: **отлу,туглу,көзлж,йўзлу,көржлж.** Лекин бундай шакллар сийрак учрайди. Кўп ҳолларда лабланган унлиси бўлмаган сўзларга ҳам аффикснинг лабланган вариантлари,

Ташқи, лабланган ушили сўзларга аффикснинг лабланмаган ўринлари кўшилиш ҳоллари мавжуд: *гамлу, намлу, баглу, йаллу, қойлу, туғлу, коклу, көзлу* каби.

-ли/-ы, -қы/-ки аффикси қадимдан маҳсулдор сарфислардан бўлиб, Ўрхун-Енисей, қадимги уйгур ёзуви ёзилари, XI—XIV асрларга мансуб ёдгорликлар тилида ҳам кўп қат қўлланган: *Байақы йолга тегдилөр* (Рабғ.). *Жавҳар ёлданга тушса, бурунғы бикин нафис турур* (Нав.СС). *Атшандақы атақларына қара қушларны бағлады* (Рабғ.). *Бу атшандақы нарсалар не турур?* (Наҳж.фар.).

-лы/-енз. Бу аффикс асосан отларга кўшилиб ўзакдан шаклланиган нарсага, ҳолатга, хусусиятга эга эмаслик сифатини ифодаловчи сифат ясайди: *Васл ноши дунйада олмас, Атайи нишсиз* (Атойи). *Қапугын ешики йарагсыз* (Рабғ.).

Ўкин ўзбек тилида форс-тожик тилидан ўзлашган кўпсанги аффикслар ҳам фаол қўлланган:

-ий. Адабиётларда «ёйи нисбат» деб юритилади ва шайбый сифат ясайди:

Шах қылыб хыльатыны райхāний,
Рāст андақ ки сарви бостāний.

(Нав.СС).

-ийк. Отдан муайян белгига эга бўлган сифат ясайди: ... *Тўқил атшандк* (Нав.МК), ... *көңлүм гамыдын ул гамнāк* (Нав.МК).

-гир. Ранг билдирувчи сифат ясайди:

Субҳыдам ким сипехри минāгүн
Йерни байзāдын этти байзāгүн.

(Нав.СС).

-ваш. Уқшатиш маъносидаги сифат ясайди: ... *шахзāдайи нариванш...* (Нав.МК), ... *мāхваш сāқий...* (Нав.МК).

-вāр. Уқшатиш маъносидаги сифат ясайди: *бузургвāр,* *ғандвāр...* *дурри шāхвāр үзүлүт йергә түшти* (Нав.МК.).

Бу аффикслардан ташқари, *-ин,-фāм,-āний* сифат ясовчи аффикслари ҳам қўлланган. Фейлдан сифат ясовчи аффикслар, Фейлдан сифат ясовчи аффикслар миқдори кўп сан. Улардан фақат биргина аффикс сармаҳсул бўлиб, қолганлари кўпмаҳсул аффикслардир. Улар қуйидагилар:

-тк,-қ/к(ы/иг,-ық/ик,-уз/ў,-уқ/ўк). Аффикс вариантларнинг кўпчилиги сингармонизм қонуни амалда бўлганлигидан

далолат беради. Бироқ юмшоқлик-қаттиқлик ва лаб гармонияси қоидасининг бир қадар бузилиши кузатилади, жарангли ва жарангсиз ундошли вариантлар ишлатилишида муайян қонуният ва фонетик шароитни белгилаш қийин, чунки айрим манбаларда асосан жарангсиз ундошли вариантлари ишлатилса, уларнинг кўпчилигида (ҳатто бир сўз доирасида ҳам) ҳар иккала варианты баравар қўлланаверади, лекин жарангсиз ундошли вариантларнинг қўлланиш доираси кенгроқдир.

Феъдан сифат ясашда энг сермаҳсул бўлган бу аффикс ёрдамида ясалган сифатларда ўзақдан англашилган маъно билан боғлиқ белги-хусусиятга эгалик тушунчаси ифодаланади: *Демасун қорқақ* (ШН). *Бу руд қуруқ руддур, мунда ҳаргиз сув болмас* (БН).

-н(-ын/ин,-ун/ун,-ан/эн). Қадиман восита келишигининг аффикси бўлган ва ўзининг биргалик маъноси асосида кейинчалик сўз яаш функциясини ҳам бажарган. У негиздан англашилган белгига эгалик маъносини ифодаловчи сифат ясаган: *Недин толун ай йузуң илэ ҳусн талашур* (Атоий). *Қийәмат азабындын йақынму турур* (Таф.).

-л(-ыл/ил). Бу аффикс айрим феъллардан ўзақдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат белгисига эгалик маъносини ифодаловчи сифат ясади: *Дунйаның тугал малыны берсаң* (Наҳж.фар.).

Шу билан бирга, *-ыр/ур* (*Бу ағыр ишкә оғрадымыз* (Рабғ.)), *-ри/ры* (*Қуйы эғрилиги чындур* (Лутф.)) кўшимчалари билан ҳам сифат ясалган.

Синтактик (композиция) усул билан ясалган сифатлар сифат туркумига мансуб лексик birlikларнинг катта қисмини ташкил қилган. Улар сифат ва бошқа туркумларга мансуб сўзларнинг бир-бири билан турли комбинацион воситалар ёрдамида бирикуви, жуфтлашуви, тақрорлануви ва тизилуви орқали ҳосил бўлган. Улар таркибий қисмларининг бирикув тарзига кўра қўшма ва мураккаб сифат ясалади.

Синтактик усул билан ясалган сифатлар тургун бўлмади ва у кўпроқ услубий вазифа бажаради: *қара йўзлук башы* (Нав.МН), *қара тамгалық ай* (Лутф.).

Сифат даражалари. Сифат даражаларининг туркий тилларга хос ҳар учала тури ва ҳар бир турнинг ифодаланиш усуллари бу давр тилида ҳам мавжуд.

Ҳозирги ва ўтмиш лингвистик адабиётларда сифатнинг оддий, қиёсий ва ортгирма даражалари ҳақида фикр юритиб келинган ва унда рус тили қолипидан келиб чиқилган. Ўзбек тилидаги сифатлар эса бу қолипга тушмайди, балки оддий даража, белгининг камлиги даражаси ва белгининг ортиқлиги-кучайтирув даражасини фарқлаш имкониятини беради.

Оддий даража. Бошқа даражаларнинг ҳосил бўлиши учун негиз вазифасини бажаради ва белги нейтрал даражада бўлади. Бу шакл “ноль” шакл бўлиб, унда аффикс қатнашмайди.

Белгининг камлиги эса бир неча аффикслар орқали ҳосил қилинади:

-рақ/рәк.

Кимки улуғрақ, аңа хыдмат керәк

Улки кичикрәк, аңа шафқат керәк.

(Нав.МК).

-мтул. Қызымтул, қарамтул, йашымтул (Маб.луг.).

Белгининг камлиги даражасида сифатга хос бўлган асосий белгининг камлигини билдирмайди, балки бошқа белгида сифат ифода қилаётган белгидан қисман мавжудлигини англатади.

Белгининг ортиқлиги даражаси. Бу даража сифатларни тўлиқ ва тўлиқсиз такрорлаш ҳамда сифат олдидан равишларни келтириш орқали ҳосил қилинади.

Тўла такрор: *Меңизләри гүл-гүл, қабағлары кең-кең* (Нав.МЛ). Баъзан бундай сифатларнинг биринчи қисмида чиқиш келишиги аффикси ҳам қатнашади ва маънонинг янада кучайтирилишига хизмат қилади: *Зәхирим авқаты йамандын-йаман* (Нав.МЛ).

Тўлиқсиз такрор. Бунда биринчи бўғин *п,м* ундошлари иштирокида такрорланади: *ап-ачыг, ап-ақ, йуп-йумалақ, чуп-чуқур, йәм-йәшил* (Нав.МЛ.).

Сифат олдидан равишлари келтирилади: *Бағайат бийик киши* (Нав.МН), *асру кең* (БН).

Таъкидлаш зарурки, **-рақ/-рәк** аффиксли шаклларда қиёс маъноси эмас, балки белгининг камлиги маъноси бош маънодир.

Савол ва топшириқлар:

1. Сифат ясовчи эски ўзбек тилига хос бўлган қўшимчаларни сананг.
2. Эски ўзбек тилида орттирма даражадаги сифатлар қандай ҳосил қилинади?
3. Белгининг ортиқлиги формалари қандай ҳосил қилинади?
4. Сифат даражалари шаклланишининг ҳозирги ўзбек тилидан фарқли томонларини изоҳлаб беринг.

Таянч тушунчалар:

Сифат даражалари – сифатларда белги миқдорининг ифодаланишини билдирувчи грамматик шакллар жами.

Оддий даража – белгининг камлиги ва ортиқлигини ҳосил қилиш учун негиз вазифасини бажарувчи шакл, белги нейтрал акс этади.

Белгининг камлиги – сифат лексемасига хос бўлган асосий белгини эмас, балки бошқа сифатдаги белгининг қисман акс этишини билдиради.

Белгининг ортиқлиги – белгининг одатдаги меъёридан ортиқ эканлигини ёки кучайтириб берилишини ифодаловчи шакл.

Сон

Режа:

1. *Сон ҳақида умумий тушунча.*
2. *Соннинг маъно турлари ва уларнинг ҳосил қилиниши.*
3. *Эски ўзбек тилида сонларга хос бўлган фонетик хусусиятлар.*
4. *Соннинг тузилиши жиҳатдан турлари.*
5. *Нумератив сўзлар.*

Саноқ сонлар. Эски ўзбек тилида саноқ сонлар киши, нарса ҳамда ҳодисаларнинг саноғини билдирган, саноқ сонларнинг бирлик, ўнлик, юзлик, минглик ва бошқа формалари қўлланган. Саноқ сонлар содда ва мураккаб

формалар орқали ифодаланган, араб, форс-тожик, ҳинд тилларидан ўзлашган санок сонлар ҳам учрайди.

Эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдагига нисбатан сонлар жиддий ўзгаришга учраган эмас, лекин ўзига хос тизим ҳосил қилган. Айниқса, мураккаб сонлар ҳозирги нормаларга яқинлашган. Бу давр тилида *тўрт йигирми (14), алты елиг (46), отуз артуқы уч (33)* каби мураккаб сонлар қўлланишдан чиққан.

Содда санок сонлар эски ўзбек тилида танглай гармонияси талабига кўра қаттиқ ва юмшоқ вариантларда қўлланган. Содда санок сонлар қуйидагича кўринишга эга: *бир сони*, асосан, юмшоқ талаффуз қилинган: *бир биригэ қатыла бердилэр (Ш.тар.)*. *Бир биригэ бақмай (БН)*.

XVIII—XIX аср ёзма манбаларида *бир* сонини қаттиқ талаффуз қилиш ҳолатлари ҳам учрайди: *Быр-бырыга нāмахрам ет (Увайсий)*.

Икки сони олдидаги унли *-е* ёки *-и* товушлари орқали: *еки*, *-икки* тарзида талаффуз қилинган. Шу билан бирга, *ики* сони таркибидаги *-к* ундоши баъзан ташдид орқали ифодаланган: *еки*, *екки*, *ики*, *икки* каби. Бундай хилма-хиллик шеъриятда арузнинг талаби билан юз берган бўлса, кейинчалик урғунинг кейинги бўғинга кўчиши муносабати билан иккиланган вариантда қўлланиши стабиллашган.

XIX асрга оид айрим ёзма манбаларда *алты сони алта*, *йетти сони йетте* формасида учрайди.

«Бобирнома»да, Гулханий, Мунис асарларида *бир тоққуз, тоққуз-тоққуз* ибораси қўлланган, ҳар нарсанинг тўққизталиқ сонга эга маъносини аниқлатган: *Бир тоқуз ет ва бир тоқуз парча келтүрәди (БН)*. *Маңа гамдын тоқуз-тоқуз тухфа (Мунис)*.

Йигирмэ сони уч хил фонетик вариантда истифода этилган: *йигирмэ (БН)*; *йигирми (Нав. МН)*; *игирми (Ш. тар.)*.

Елик сони таркибидаги *-л* ундоши дастлаб иккиланмаган, кейинчалик геминацияга учраб, ташдид орқали ифодаланган: *Елик (Нав. МН)*, *еллик (БН)*.

XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларга араб, форс-тожик ҳамда ҳинд тилларидан баъзи санок сонлар ўзлашган, ўзлашган санок сонлар ўз формаларида қўлланган. Форс-тожикча: *садҳазәр (Лутф.)*; *ду бāра (Мук.)*.

Ҳиндча *лэк* сони XVI—XIX асрларга оид ёзма манбаларда қўлланган: *Йуз мыңны лэк дерләр* (БН); *мың лэк сомны* (Мук.).

«Бобирнома»да ҳиндча *көрүр* — (ўн миллион), *арб* (бир миллиард), *көрб* (юз миллиард), *найл* (ўн триллион), *падам* (милли-триллион), *саң* (энг юқори санок сон) санок сонлари қўлланган.

Дона сонлар. XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларда дона сонлар ифодаловчи формалар кам ривожланган, дона сонлар вазифасини соннинг турли формалари бажарган. Алишер Навоийнинг «Маҳбубул кулуб», «Сабъан сайёр», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарларида бир, икки санок сонига *-тә* аффикси қўшилиб дона сон ҳосил бўлган: *бир тә йармаг икки бөлүб* (Нав. МК); *бир тә өтмәкни икки бөлүб* (Нав.МК).

XV—XIX асрларга оид ёзма манбаларда санок сонлар дона сонлар маъносида қўлланган: *Йети агзы аның отлар сачыб* (Нав.ФШ). *Йуз мың байты бар ва бир қасида айтыбдур* (Нав. МН).

Нумератив сўзлар. Нумератив сўзлар XV—XIX аср ёзма манбалари тилида ҳам деярли санок сонлар билан қўлланган, бу давр ёзма манбалари тилида нумератив сўзларни қўллаш қадимги туркий ҳамда XI—XIV аср ёзма манбалари тилига нисбатан кенгайган. Эски ўзбек тилида ҳам нумератив сўзлар характериға кўра турлича маъноларни англатган. Нумератив сўзлар санок сон билан аниқланаётган сўзлар орасида қўлланиб, аниқланмиш сўзга нисбатан қўшимча аниқлик даражасини оширган. Шунингдек, нумератив сўзлар улуш, миқдор, ҳажм, восита бирлиги, масофа, тўда, ўлчов бирлиги, гуруҳ, дона каби қатор маъноларни англатган. Мисоллар: *Келмиш кишиләр икки гуруҳ ердиләр* (Ғаф.). *Бир сурӯж қой* (Рабғ.). *Икки жәм май* (Нав.ФШ). *Бир тегирман сув* (БН). *Бир пәра кабәб* (БН). *Йуз мың евлүж киши* (ШН). *Бир айақ сув* (Ш.тар.).

Тартиб сонлар. XV—XIX асрларга оид ёзма манбалар тилида тартиб сонлар асосан санок сонларга аффикслар қўшилиши орқали ҳосил қилинган. Араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сонлар лексик-семантик усул билан ҳам тартиб сон маъносини англатган, баъзан ўзлашган тартиб сонлар формаси ҳам қўлланган.

-*ынчы/инчи/унчы/унчи/нчы/нчи* аффикси вариантлари асосида тартиб сонлар ҳосил қилиш кенг қўлланган. *-ынчы/инчи/унчы/унчи* аффикси ундош товушлар билан тугаган санок сонларга, унли товуш билан тугаган санок сонларга *-нчи/нчы* аффикси варианты қўшилган: *иккинчи, йетинчи, ўчүнчи, төртүнчи, алтынчы, онунчи*.

Тартиб соннинг биринчи формаси составли тартиб сонлар таркибида учрайди: *йигирми биринчи* фасл (Нав.МК); *биринчи мақолат* (Нав.ҲА).

-ланчы(ла-/нчы), -ләнчи(лэ-/нчи) аффикси санок сонларнинг қаттиқ, юмшоқлигига кўра қўшилиб, тартиб сонлар ҳосил қилган, бу аффикс билан тартиб сон ҳосил қилиш Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарида учрайди, XVII асрдан бошлаб *-ланчы, -ләнчи* аффикси орқали тартиб сон ҳосил қилиш кенгайган: *алтыланчы* фасл (Нав.МК), *секизләнчи* фасл (Нав.МК), *йетиләнчи* арқада (Ш. тар.), *бешләнчи* оглы (Ш. тар).

Аввал сўзи *биринчи* тартиб сони маъносида қўлланган: *Ул аввал* қылды Гул васфыны ағъз (Лутф.), *Аввал* айагыга түшүб пәст бол (Хўждандий).

Қадимги туркий ёзма манбаларида тартиб сонлар *-нч/ынч/инч//унч/үнч* ҳамда *-нты/нти//нди/нди* аффикси вариантлари орқали ифодаланган; *-нти/нди* формаси *икки* сонига қўшилган. *Биринчи* тартиб сони ўрнида *илк, илки* сўзи ҳам қўлланган.

«Девону луғотит турк» ёзма обидасида тартиб сонлар асосан *-нч/ынч/инч//унч/үнч* ҳамда *-нди* аффикслари билан ифодаланган.

Жамловчи сонлар. Жамловчи сонлар ўзига хос хусусиятларга эга, шунингдек, жамловчи сонларда умумтуркий тилларга хос белгилар ҳам мавжуд. Жамловчи сонлар санок сонларга *-ав/эв//ла/лэ//ала/элэ//авла/эвлэ//авлан/эвлән,* баъзан *-лай/лэй, -агу/эгү* аффикслари қўшилиши орқали ифодаланган.

-агу/эгү аффикси орқали жамловчи сонлар ҳосил қилиш XIV аср ёдгорликларида фаолроқдир: *Улар йетегү, мен йалгуз* (Рабғ.), *...үчегүси түн сарыга бардылар* (ЎН).

-ав/эв аффикси орқали жамловчи сонлар ясалиши XV—XIX асрлар ёзма обидаларида характерли бўлган: *икэв*

(Нав.СС); *учэв* (Нав.ФШ); *черикдэ бир ик эв* (ШН); *Харут илэ Марут ик эв* (Фурк.).

-*лэй*(-*лэгү/лайу/лэй*) аффикси «Сабъан сайёр», «Бобир-нома» асарларида айрим ўринларда *ики* сонига кўшилиб, жамловчи сонлар ясаган: *Берибан ул нуқудны ик элэй* (Нав.СС); *Ик элэй қорган йавыгыга* (БН).

-*элэ* аффикси Навоий, Бобур асарларида санок сонларга кўшилиб жамловчи сонлар ясаган: *...т өрт эл эси* (Нав.МН), *... бу учэлэси* (БН).

-(*э*)*влэн* (*эгүлэн/эвлэн*) аффикси баъзи санок сонларга кўшилиб жамловчи сонлар ясаган: *Икэвлэн қачтылар* (Лутф.).

Чама сонлар. XV— XIX асрларда битилган ёзма манбаларда чама сонлар аналитик, синтактик усуллар билан ҳосил қилинган.

-*ча/чэ* аффикси санок сонларга кўшилиб, чама сонлар ҳосил қилган: *... йуз ики йузчэ киши* (Нав.ХА); *... йана беш мыңча киши* (ШН).

Санок сонларнинг жуфт ҳолда қўлланиши орқали ҳам чама сонлар ҳосил бўлган; кичик сонлар олдин, катта сонлар кейин қўлланган: *Йуз-йуз елик өзбөкни кишиси билэн* (БН); *Төрт-беш мың киши бирлэ* (ШН).

Санок сонлардан кейин *чаглык, чаглы, чақлык* сўзлари қўлланиб, чама сон маъносини англатган: *Он йыгач чаглык масъфат* (Навоий, ФШ); *йигирмэ чаглык кишилэри өлди* (Ш. тар.).

Санок сонлар *айча, йылча, йавуқ, йақын, артуқ, артуқрак, зий āда, көпрэж, азрақ* каби сўзлар билан келиб, чама сон маъносини ифодалаган: *Отуз йылча йақын бар* (Нав.МН). *Ики йүздин көпрэж уч йүздин азрақ болгай еди* (БН).

Тақсим сонлар. Эски ўзбек тилида тақсим сонлар, асосан, *-рар/рэр//ар/эр* аффикслари билан ҳосил қилинган: *Айларда бирэр-бирэр көрүнүр* (Атоий), *Фусулны төртэр ай табын қылыбтурлар* (БН). *Йүзэр мисқал кумуш* (БН).

Нодира, Гулханий асарларида *бир* сони такрор қўлланиб, кейинги *бир* сонига *-дэн/дин* аффикси кўшилиб, тақсим сонлар маъносини англатган: *Икки гул баргини бир бирдэн*

ади гуфтара ач (Нодира). *Бир чардевәр кәм болса, өтүз тишини бир бирдин сындырур* (Гулх.).

Бир ва *икки* санок сонлари грамматик кўрсаткичларсиз кетма-кет такрорланган ҳолда таксим сонлар маъносини англатган: *Неки көргүздиләр саңа бир-бир* (Нав.СС). *Агар чун икки-икки қол тутуб* (Мук.).

Каср сонлар. Эски ўзбек тилида каср сонлар синтактик усул билан ифодаланган, махраж ҳамда сурат сонлар асосида ҳосил бўлган, махраж сон санок сонларга чиқиш ҳамда ўрин-пайт келишиклари аффикслари кўшилиши орқали ифодаланган, сурат сонлар санок сонлардан иборат бўлган, шунингдек, сурат сонлар грамматик кўрсаткичларни ҳам қабул қилган: *Йўздин бирики маъракага йетиб* (Нав.МК). *Йурт малының ондын бирини алур* (Ш.турк.). *Берүрмән болса йүз жәнйму мыңдын бир ҳисаб әйләб* (Мунис).

Каср сон ҳосил қилинишида баъзан махраж ва сурат сон орасида айрим боғловчилар қўлланган, грамматик кўрсаткичлар махраж сон ёки сурат сонга қўшилган, баъзан махраж ва сурат сонлар дистант ҳолатларда учрайди: *йўздин гар бирисигә йетсә* (Нав.СС).

Йарым сўзи ҳам каср сон маъносини англатган. Шунингдек, келишик ҳамда эғалик қўшимчаларини ҳам қабул қилган: *Йарым кечә йетиб түшитиләр* (Нав.МН). *Бир йарым қары қазса, сув чықар* (БН).

XVI-XIX асрларга оид баъзи ёзма манбаларда форс-тожик тилидан ўзлашган *ним*, *ду ним*, *чаҳрйәк*, *чәрйәк* сўзлари каср сонлар маъносида қўлланган: *таъриф қылғанның йарымы балки чәрйекичә ашлық* (БН). *Оғланларны ним қыйат тедиләр* (Ш. турк.).

Савол ва топшириқлар:

1. Соннинг эски ўзбек тилидаги ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
2. Соннинг маъно турлари, тузилишига кўра турлари қандай ҳосил қилинади?
3. Эски ўзбек тилидаги сонларнинг қўлланишига манбалардан мисоллар топинг.

Таянч тушунчалар:

Соннинг маъно турлари – санок, тартиб, дона, чама, жамловчи, тақсим сонлар.

Соннинг тузилишига кўра турлари – содда, мураккаб, каср сонлар.

Олмош

Режа:

1. Олмошнинг таърифи ва унинг эски ўзбек тилида қўлланиш хусусиятлари.
2. Олмошнинг маъно турлари, турланиши, фонетик вариантлари.

Олмош от, сифат, сон ва баъзан бошқа сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, предмет ва унга хос бўлган белгининг мавжудлигини кўрсатади. Олмош предметликни ёки унинг белгисини доимий эмас, балки муайян ўринларда ифода қилади. Шу жиҳатдан олмош мустақил сўз туркуми ҳисобланса-да, конкрет маънога эга бўлмайди.

Эски ўзбек тилидаги олмошлар маъно хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: *кишилик олмошлари*, *ўзлик олмошлари*, *кўрсатиш олмошлари*, *сўроқ олмошлари*, *биргалик олмошлари*, *белгилаш олмошлари*, *гумон олмошлари*, *бўлишсизлик олмошлари*.

Кишилик олмошлари. Кишилик олмошлари лексик-семантик жиҳатдан маълум сўз категориясидир ҳамда грамматик хусусиятларга кўра, турли аффикслар билан ифодаланган, кишилик олмошларининг баъзи фонетик вариантларини ҳисобга олмаганда, ҳозирги ўзбек тилида, деярли, айнан қўлланмоқда.

Кишилик олмошларининг I шахс бирлиги: *мен*.

Аксарият ёзма манбаларда *мен* олмоши *миму йо-ю нун* орқали ёзилган, XVII—XIX асрларга оид баъзи ёзма обидаларда *мим-у нун* билан ифодаланган. *Мен* олмошининг ҳар икки ёзув формаси таркибида олд қатор, ўрта кенг е товуши қўлланган:

XIX асрга оид айрим ёзма манбаларда баъзан тарихий-диалектал ҳодиса сифатида *мен* олмошининг *бен* формаси истифода этилган.

Ёдгорликларда *мен* олмоши функциясини бошқа сўзлар ҳам бажарган. *Банда* ва *бу банда* формалари Алишер Навоий, Муқимий, Яқиний, Махмур асарларида қўлланилиб, камтарлик маъносига фойдаланилган: *Банда шафақ-тек қан йыглабки...* (Яқиний). *Банда ул вақтда Бухарāда едим* (ШН). *Банда байāн гәр қылсам* (Махмур).

Фақыр ва *бу фақыр* сўзлари Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳий, Муқимий асарларида қўлланган: *Фақыр алар сары барурга муваффақ болдум* (Нав.МН). *Фақыр тараф тутуб йалган айтган болгай-мен* (Ш.турк).

XV асрдан бошлаб *мен* олмоши ўрнида *фақыри ҳақыр*, *фақыр ҳақыр* сўзлари бирикмаси ҳам қўллана бошланган, баъзан *бу* олмошини *фақыри ҳақыр* сўзлардан олдин қўллаш Навоий ҳамда Огаҳий асарларида учрайди: *Фақыри ҳақыр йāд туттумким...* (Нав.МН). *Бу фақыри ҳақыр ҳамким бу улуг хāнадāнның, қадимий бандасы ва бу баланд астāнның самимий сарафкэндәсидўр-мен* (Огаҳий).

XVIII — XIX асрларга оид ёзма манбаларда *фақыри ҳақыр кәминә*, *кәминә*, *бу кәминә*, *мен кәминә* бирикмалари ҳам *мен* олмоши ўрнида истеъмом қилинган: *Фақыри ҳақыр кәминә тағаңыз Муҳаммад Аминхожа Муқимий* (Мук.). *Кәминә ҳам өз көзўм билән көрдўм* (Фурк.).

II шахс бирлиги: *сен*. Кишилик олмошининг *сен* формаси *сину ё нун* билан ёзилган, *сен* олмоши таркибидаги *йо* асосан олд қатор лабланмаган, ўрта кенг *е* унлисининг белгисини ифодалайди.

XV—XVI асрлар ёзма манбаларида *сен* олмоши келишик аффикслари билан турланганда, *йо* ҳарфи ёзилмаган: *...сениңдек* (Лутф.); *...сениң* (Амирий).

Сен олмоши *сину нун йо* орқали ҳамда *йо* белгисини тушириб ёзилса ҳам, эски ўзбек тили ёзма манбаларида *сән* эмас, *сен* шаклида транскрипция қилиш тўғри бўлади.

III шахс бирлиги: *ул*, баъзан *у,ан* шакллари қўлланган. XV-XIX аср ёзма манбаларида асосан *ул* варианты қўлланган. *Ул* олмоши таркибидаги *-л* ундошининг тушиб қолиши орқали баъзан *у* шакли вужудга келган. *У* кишилик

олмоши «Бобирнома» ҳамда Хувайдо асарларида баъзи ўринларда учрайди: *Хар ким неким уның йеригә олтурды* (БН). *Уны ким сақлады халләқ* (Хувайдо).

III шахс кишилиқ олмоши бирлигининг *ан* варианты (*ул>ал>ан*) баъзан Фурқат асарларида учрайди: *Ан ҳама бегәналарга айнәлиқ шунчалар*.

I шахс кўплиги: *биз*.

Биз олмоши XV—XIX аср ёзма манбалари учун умумий характерга эга, юмшоқ талаффуз этилган, кўплик, бирлик маъноларида қўлланган.

Биз олмоши кўплик маъносида қўлланган: *Биз ҳам киши йибәрдүк* (БН). *Биз* икки бөләк елмиз (Ш.турк.). *Биз* иккимизгә мусулмән бол теди (Ш.тар.).

Биз олмоши бирлик маъносида ҳам қўлланган: *Бизиң билә болган бегләрини ҳам фарахорларига йараша бериб шафқат қылдым* (БН). *Бизни расвәи жаҳән етти йәд әйләмәдиң* (Нодира).

Кўплик ифодалаш хусусиятини янада ошириш учун *биз* олмошига *-ләр* аффикси қўшилган: *Мавләнә Кабулий бизләрни тиләб васийат қылдыким, бу кечә аламдын барур-мен* (Нав.МН). *Гул гунчасидур гойә бизләргә ачылмайдур* (Бобир).

II шахс кўплиги: *сиз*.

Сиз олмоши кўплик маъносида қўлланган: *Биз сизиң учун саврулдуққ* (ШН). *Биз бу сарыдын йеткәч, сиз ичкәридин чықыб еликиңиздин келурини тақсир қылмаңлар* (БН).

Сиз олмошининг кўплик маъносини кучайтириш учун *-ләр* аффикси қўшилган: *Сизләр ким қарындашлар турур-сиз бизиң бирлә иттифәқ қылың* (Ш.тар). *Шәдмән сизләрдин у өлгүнчә миннатдәр-мен* (Фурк.).

III шахс кўплиги: *алар, улар, анлар*, баъзан *унлар* шаклидан фойдаланилган.

Алар олмоши XV—XIX асрларда ёзилган кўпчилик ёзма манбаларда кенг қўлланган: *Аларның икисин өлтүрүб* (Нав.МК). *Алар айдыларки, өзбәкни бир масалы бардур* (Гулх.).

Улар варианты Лутфий, Бобур, Абулғози Баҳодирхон асарларида учрайди: *Улар мендин йашуруб* (БН). *Уларның көңли* (Ш.тар.).

Анлар олмоши Лутфий, «Нусратнома», Абулғози Баходирхон, Гулханий, Фурқат асарларида муомалада бўлган: **анлар ашйāны; Анлардын** **өтўб** **ҳавузга шарбатлар** **тоқулдр.** **Анлар** **көп йылларгача** **бу айтылган нимәрсәләрни** **берүрләр** (Ш.тар.).

III шахс кўплиги тарихий тараққиётида куйидагилар кўзга ташланади: XIII-XIV асрларда **улар, анлар** варианты кенг қўлланган бўлса, XV асрдан бошлаб **алар** варианты фаоллашади. XIX аср охирларида яна **улар, анлар** варианты фаоллаша бошлайди ҳамда кейинчалик **улар** варианты III шахс кўплигида ягона бўлиб қолади.

Кишилик олмошларининг турланишида эски ўзбек тилида ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади:

Кишилик олмошларининг турланиши:

Келишиклар	Турланиши
Бош келишик	<i>Мен, сен, ул, биз, сиз, улар, анлар, алар</i>
Қаратқич келишиги	<i>Мениң, сениң, аның, бизниң /бизниң, сизниң/ сизниң, уларның /уларың, анларның/ анларың, анларның, бизим, сизим</i>
Тушум келишиги	<i>Мени, сени, аны, бизни, сизни, уларны, анларны, аларны</i>
Жўналиш келишиги	<i>Маңа (маңар), саңа (саңар), аңа, бизгә, сизгә, уларга(қа), анларга(қа), аларга (манқа, санқа), бизә, сизә</i>
Ўрин-пайт келишиги	<i>Мендә, сендә, анда, биздә, сиздә, уларда, анларда, аларда</i>
Чикиш келишиги	<i>Мендиң, сендин, андын, биздин, улардын, анлардын, алардын.</i>

XIII-XIV асрларда, XIX асрдан кейинги ёдгорликларда ҳам чиқиш келишигининг **-дән/дан, баъзан -дүн/дун** варианты қўлланган.

Ўзлик олмоши. Эски ўзбек тилида **өз** олмоши фаол қўлланган. **Өз** олмоши дастлаб от туркумига оид сўз бўлган ва ўзлик, вужуд, жон, руҳ каби маъноларни билдирган. Эски

ўзбек тилида ҳам **өз** олмошининг бу маънолари айрим ўринларда сақланиб қолган: **Өзүмдин ҳайат бариш** (Нав.Мнш.). **Ей санам, өзни (вужуд) бизгә набшна тәкөи** (Увайсий). **Өз** сўзи эски ўзбек тилида олмошга ўтиш жараёни тугалланган, шахсга тааллуқлилигини, хослигини, унинг таркибий қисми эканлиги маъноларини англатган: **Өзиниң шәкли бирлә** (Нав.ХА). **Мени өз ҳузурьга талаб қылды** (Фурк.). **Өз қылычын бойнума йеткүрсә** (Нав.ЛТ).

Өз олмоши тақрор қўлланиши мумкин. Бунда иш-ҳаракат субъектга қайтганликни, яъни иш-ҳаракат субъектнинг ўзи учун тегишли эканлиги маъноси англашилади: **Толганмагы өз өзинә гирдәб** (Нав.ФШ), **Қылуз өзигә өзи иштибәх** (Мук.).

Өз олмоши эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилади. Бунда дастлаб эгалик аффикси, сўнг келишик аффикси қўлланади: **Өзүмниң икки йахшы кишимни чақырдым** (Ш. тар.). **Өзидә хушы бар адам ешитсүн** (Фурк.).

Тушум, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги аффикслари **өз** олмошига тўғридан-тўғри қўшилган: **Өдә йоқ ердим** (Нав.МК). **Өзни нечә күн нәкәм тут** (Нодира). **Өздин тавба айса** (Нав.МК). Бундай қўлланишда унинг олмошлик функцияси кўпроқ намоён бўлади.

Қадимги туркий ёзма манбаларда ва эски ўзбек тилининг дастлабки даврларида **кентү(кентү)** олмоши қўлланган ҳамда бу олмош **өз** олмошига эквивалент бўлган: **Керәк болсам аңа мен, кендү келсүн** (Хиср.Шир.).

Кендү олмоши **өз** олмоши билан ҳам қўлланади: **Өзи кендү йекрәк (ёмонроқ) билүр ерди** (Таф.).

Кендү олмоши эски ўзбек тилидаёқ истеъмолдан чиққан ва бу олмош **кәнди (кәнди)** шаклида ҳозирги турк тилида сақланиб қолган.

Эски ўзбек тилида **өз** олмоши билан бирга, форс тилидан ўзлашган **худ** олмоши ҳам истеъмолда бўлган: **Теңри таәлә худ кәрәм билә гунаҳыңыздын өтти** (Нав.Мнш). **Мирзәхән худ шәхбегимниң туққан набираси** (БН).

Кўрсатиш олмошлари. Эски ўзбек тили ёзма манбаларида **бу, бул, ул, ошал, ошул, шул, ушбу, ҳамул,** баъзан **у, уш, шу, шубу, ҳамун, ҳамин** каби кўрсатиш олмошлари қўлланганки, улар тузилиши жиҳатидан содда ҳамда мураккаб формалардан

ташкил топган. Бу, ул(у), уш содда кўрсатиш олмошлари, бул, шул, (шу), ушбу, шубу, ошал, ошул, ошу, ҳамул сўзлари кўрсатиш олмошларининг мураккаб формаларидир. Ҳамул, ҳамин, ҳамийн кўрсатиш олмошлари форс тилларидан ўзлашган. Кўрсатилган даврларга оид ёзма манбаларда ҳар қайси кўрсатиш олмошининг қўлланиш доираси, лексик-семантик ҳамда грамматик хусусиятлари турлича бўлган.

Бу кўрсатиш олмоши кенг қўламда қўлланган, нутқ пайтида мавжуд бўлган яқин масофадаги киши, нарса, ҳодисаларни кўрсатади: ...бу бенавā (Лутф.), ... б у расадны (БН).

Олмошлар уч хил семантик вазифа бажарган:

1. Дейктик вазифа, яъни соф кўрсатиш маъносини аниқлаган: Бу байтны оқубдур (Нав.МН).

2. Анафорик вазифа, яъни олдин тилга олинган шахс, предметни кўрсатади: Бу ҳам йахши барды (БН).

3. Препратив вазифа, яъни кейин тилга олинадиган предмет ва шахсларни кўрсатади: Мени танымайдур, сөрүптүрким, булар қайсы султандур (БН).

Бу кўрсатиш олмоши келишиклар билан турланганда ва кўплик аффиксини олганда, унинг тузилишида турли фонетик ўзгаришлар юз беради. Бош келишикдан бошқа келишиклар билан турланганда, сўз бошидаги б ундоши м га ўтади: бунь-мунь, бунуң-мунуң ва х.к. Шунингдек, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклариде негиз ва келишик ҳамда кўплик аффикси ўртасида интеркаляр «н» ундоши орттирилиши мумкин. Келишиклар билан турланганда «н» ундошининг орттирилиши доимий (статик) бўлса, кўплик шаклида у доимий эмас. Мисоллар: Булар дагы Саййидга кирмиш (ШН). Огланларның атлары мунар турур (Ш.тар.). Мундын артуқ қылма зār (Лутф.).

Сўз бошида «б»нинг «м»га ўтиши ҳам доимий эмас: Барча халқ буны ешитиб... (Ш.тар.).

Бу олмоши XVIII-XIX асрларда бул вариантыда ҳам қўлланган. Унинг тафсилоти қуйироқда берилади.

Ул олмоши сўзловчига масофа жиҳатдан узоқроқ бўлган предмет ва унинг белгисини кўрсатиш учун қўлланган ва мазкур маъноси орқали бу олмоши билан оппозицияни ҳосил қила олади: Ғамза бирлә төкти қāным ул санам (Лутф.).

Ул олмошининг у варианты ҳам қўлланишда бўлган: Маҳшарда гāлыбāким, у күн көрмәгәй азāб (Лутф.).

Илмий адабиётларда *ул* (*у*) олмошининг *ан* варианты ҳақида фикр юритилади, аслида *ан* олмоши форс тилидан ўзлашган бўлиб, фонетик жиҳатдан *ул* олмошига алоқаси йўқ.

Ул олмошининг келишиклар билан турланиш хусусиятлари *ул* кишилиқ олмоши билан айнандир.

Уш сўзи ҳақида. Илмий адабиётларда бу сўз олмошлар таркибига киритилади, лекин унинг матндаги қўлланиш хусусиятлари кўрсати олмошларига қўйиладиган морфологик талабларга жавоб бермайди, яъни у келишиқ ва кўплиқ аффиксларини қабул қилмайди, лекин кўрсатиш олмоши семантикасига мос кела олади, демак, у грамматиканинг асосий талаби, яъни категориал белгиларни қабул қилмас экан, уни олмошлар таркибидаги масалада мунозарага ўрин бор.

Уш сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги *мана*¹ сўзига эквивалентдир. Маълум бўладики, *мана* сўзи олмош деб эътироф этилмаётган экан, *уш* сўзини ҳам олмош деб қараш мумкин эмас, лекин бу сўз XIII-XIV аср ёдгорликларда фаол қўлланган: *Қадаҳ еврўлди уш бостан ичиндә* (МН). *Зулфуң дагы ул кәфур уш иман аладур-ла* (Лутф.). Лекин бу сўз *ушбу*, *ошул*, *ошал*, *шул* олмошларининг ҳосил бўлишида қатнашган.

Ушбу (*уш+бу*) олмоши нутқ моментидаги предмет ва белгини кўрсатади: *Ушбу дам ерўр жанның футуҳи* (МН). Лекин бу сўзда ўзгаришлар юз берган, ортгирма *-н* пайдо бўлган, *б* товуш *-м* сонорига ўтган: ... *мунда* (Лутф.). ... *мунуң-дек* (Яқиний).

Ошул (*уш/ош+ул*) кўрсатиш олмоши XV—XIX асрлар ёзма манбаларида истеъмолда бўлган, тингловчига олдиндан маълум шахс, нарса ҳодисаларни кўрсатади: *Фарийадым ошул йергә йетибтур* (Лутф.). *Ошул йердә йаттуқ* (Ш. тар.).

Ошал (*уш/ош+ул/ал*) олмоши *ошул* олмошининг вариантдир: *Ошал кунким мени йаздән(оллоҳ) йаратты* (МН). *Ошал сувларның араларында олтурурлар ерди* (Ш.тар.).

Оша, *ошу* олмошлари *ушбу*, *ошул*, *ошал* олмошларининг қисқарган шаклидир: *Ошу сөз бирлә* (ШН). *Оша үстүндә тоң бирлә муз бар турур* (ЎН).

¹ *Мана*, *ана* сўзлари ҳозирги кунда кўрсатув уидовлари деб юритилмоқда.

Шул(уш/ош/ш+ул) олмоши **бу, у, ошул, ошал** олмошларининг фонетик ўзгарган ва қисқарган шаклидир: **Шул ерўр айбим Муқимий, мардуми Фарғана-мен** (Мук.). **Шул замāнким алур Ургәнчни ол//салур, албатта, Хурāsан сары йол** (ШН).

Шул олмоши **бу** олмошининг **бул** шаклида шаклланишига ҳам сабаб бўлган, чунки **шул-бул** аналогияси ва оппозицияси учун у қулайлик туғдирган. Аксинча, **бу** олмоши **шул** олмошига оппозицияда туриб, унинг таъсирида **шу** вариантыни юзага келтирган.

Әнә, мәнә, муна сўзлари ҳам семантик жиҳатдан олмош функциясига яқин туради, лекин улар аслида кўрсатув ундовларидир. **Әнә қадду, әнә хусну, әнә ҳулқ** (Фурк.). **Муна сөзиниң жәвабы теди** (Ш.турк.).

Эски ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган ва улардан ярим калька қилинган олмошлар ҳам қўлланган. Улар куйидагилар:

Ҳамин олмоши. **У ҳам (таъкид юкламаси)+ин (бу)** таркибидан иборат бўлган ва **ушбу** олмоши маъносига эквивалент бўлган: **Бале, йалғуз ҳамин āламда сен-сен** (Лутф.). **Мениң ҳақымда қылу-сен ҳамин жафā ҳавāsын** (Атойй).

Ҳамāн олмоши ҳам **ҳам+āн(у)** сўзларидан таркиб топган ва эски ўзбек тилида **ҳамин** олмоши каби **ушбу** олмошига эквивалент бўлган, айни замонда, унинг **ҳамун** варианты ҳам қўлланган: **Таг ҳамāн аллыда ҳамун-ҳамун** (Нав.ФШ). Лекин кейинчалик **ҳамун** варианты истеъмолдан чиқиб кетди, **ҳамāн** сўзи эса семантик ўзгаришга учраб, равиш сўз туркумига ўтган.

Форс тилидан ўзлашган юқоридаги олмошлар эски ўзбек тилида ярим калькаланиб, **ҳамул** вариантыда (**ҳам+ул**) ҳам қўлланган: **Қойар ерди ҳамул вāдий сары йўз//Қылыб қатъ аллыда таг олса, гар тўз** (Нав.ФШ).

Бу олмошлар ҳам кейинчалик истеъмолдан чиқиб кетди.

Сўроқ олмошлари. Эски ўзбек тилида **ким, не, қай** сўроқ олмошлари мустақил қўлланган, бошқа сўроқ олмошлари **не** ва **қай** олмошларига тарихан юклама, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи кўшимчалар қўшилган шаклларда қўлланган, лекин бундай сўз ва кўшимчалар ўзининг морфематик маъноларини йўқотган ҳамда

сўроқ, олмошларининг турли модал шаклларини ҳосил қилган холос, аслида олмош яшаш учун хизмат қилган эмас.

Ким сўроқ олмоши кишиларга нисбатан қўлланган: *Үлүш алган ким ва ул үлүшни тоғраган ким* (Ш. тар.).

Ким сўроқ олмоши отлар каби кўплик аффиксининг *-лар* вариантини қабул қилган: *Арз қылалы ким ләр вақеъдур* (Нав. МК). *Ким ләр билән базм әйләб* (Муқ.).

Не олмоши эски ўзбек тилида кенг қўлланган ва унинг семантик қирралари ҳам кўп бўлган:

• белгининг миқдорини аниқлаш маъносида қўлланган: *Не имкәнким қарар олғай көңлүмә* (Нав.СС). *Ул шәх башыда не балә фитна бар ерди* (Лутф.).

• соф белгини билдиради: *Хән деди: бу не ҳикәйат болғай//Не ҳикәйат, не ривәйят болғай?* (ШН).

• риторик сўроқ гапларда сўз маъносини кучайтиради: *Бу не көздүр, бу не кирпүж, бу не қаш//Ки чықты дин ва имәндын халәйық* (Атой).

• сабаб-сўроқ маъни билдиради: *Көзүң не балә қарә болубтур* (Нав.МК). *Билмән не жарима билә Хирийдин ихрәж қылды* (БН).

Не олмоши кўплик аффиксини, тушум, чиқиш келишиги аффиксларини олган ва уларда келишиқ аффикслари функционал бўлган, жўналиш келишиги аффикси эса олмош таркибида қотиб қолган. Қаратқич ва ўрин-пайт келишигида қўлланиши масаласи очиқ қолади.

Не олмоши негизида шаклланган сўроқ олмошлари:

Немә. Бу сўз таркибидаги *мә* сўзи қадимги туркий тилга оид юкламадир, лекин уни Э.Фозилов боғловчи деб қарайди. (Қаранг: Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.,1965,146-бет). Эски ўзбек тилида бу сўз *нарса* сўзи маъносида қўлланган, яъни ҳали олмош туркумига тўла ўтмаган: *Дагдага болдыким, бир нимә баглағай-мен* (БН). Бу сўз *нима* вариантда XIX асрнинг 2-ярмидан сўроқ олмоши сифатида мустақил қўлланган.

Нечүн/невчүн. *Үчүн* кўмакчиси иштирокида шаклланган сабаб маъноли сўроқ олмошидир: *Мирзә сорубтурки, нечүн өлтүрдүң* (Нав.ФШ). *Сен нечүн өзүңни бу рийәзат ва ранжга салдың* (Нав.ФШ).

Нечүк. Бу олмош қадимги туркий тилда бир неча тараққиёт давларини бошидан кечирган: *не+чә→не+чә+кә→не+чә+к→нечүк*. Иккинчи тахмин (версия): *не+чаг//не+чақ//не+чәк→нечүк*.

Нечүк олмоши ҳам сабаб маъносини ифодалайди: **Нечүк** болгай азмы-миз (Нав.ФШ). Бу олмошнинг баъзан **нүчүк** фонетик варианты ҳам қўлланган: *Мен нүчүк мажнун кәби расвәи алам болмайын* (Увайсий).

Нелүк. -лик аффиксининг -лүк варианты орқали шаклланган ва у ҳам сабаб маънолидир: **Нелүк** башымга тупрақ қоймагайым (Хиср. Шир.).

Нетәк.-дек аффиксининг -тәк варианты орқали шаклланган ва бу олмош белги маънолидир: *Қанлары йергә нетәк төкүлмүш* (ШН).

Нечә. Бу олмош *не+чаг* сўзларидан содалашган. Микдорни сўраш учун қўлланади: *Нечә йыл ранжу меҳнат сендин артуқ* (Нав.ФШ). Бу олмош III шахс эгалик аффиксини ва барча келишик аффиксларини қабул қилган.

Негә. Жўналиш келишиги аффикси орқали шаклланган ва сабаб маъносига эга: *Бир киши жәны үчүн йүз мың жән негә азорда қылу* (ШН).

Бу олмошнинг *нейә, нәгү, нагу* вариантлари ҳам қўлланган: *емди биз кеңәш қылалым, нәгү савәб келүр, көрәлим* (Таф.). *Нагу барур-сен* (Лутф.).

Нечә олмошининг *нетә* варианты ҳам қўлланган: *Нетә махрам айладың* (Мук.).

Қа(й) олмоши (қадимги туркий тилда *қан*) мустақил қўлланган ва белги маъносига эга бўлган: *Қай бириким бар ерди* (Нав.ФШ).

Қа(й) олмоши негизда куйидаги сўроқ олмошларининг модал маънолари ҳосил қилинади:

Қайу. Бу олмош таркибидаги -у форманти -и/-ы эгалик аффиксининг вариантдир: *Қайу хушдил, қайу маҳзун болды //Қайу Лайлә, қайу Мажнун болды* (ШН).

Қайсы. -сы форманти III шахс эгалик аффиксидир: *Қайсы нәмурад елкиң сабр етәгигә урдиким мурәд тапмай* (Нав.МК). Бу олмош кўплик, эгалик аффиксларини қабул қилган.

Қайу,қайсы олмошлари белгини ажратиб, таъкидлаб сўраш маъносини англатади.

Қайда (қанда), қайдын, қайан, қаны. Бу олмошлар ўрин билан боғлиқ бўлган сўроқни билдирган. **Қайда, қайдын** таркибидаги келишик аффикслари негизда кристаллашган. **Қайан** сўзидаги **йан** ўрин оти, **қаны** сўзидаги **-ы** эса эгалик аффиксидир: *Десәңким, қайда-сен, айә Атәий* (Атоий). *Мен дедимким, сизләр қайдын келә-сиз* (БН). *Йана даругадын қайан қачыб барганым киши билмәс* (БН).

Қанча. Бу олмош **қай(н)+ча(чаг,ча)** қисмлардан иборат бўлиб, дастлаб пайт маъносини ифодалаб, кейинчалик микдор маъносига кўчган: *Қанча сәксән шунча йылқым...*(Мук.). Бу сўроқ олмоши ўрнида **чанд, чандән** сўзлари ҳам қўлланган.

Қачан. Бу сўроқ олмоши **қай+чаг+тын** (*қай вақт билан*) сўзидан соддалашган ва пайт маъносига эга: *Қачан болгайки тапқай-мен хабар йәр-у дийәримдын* (Фурк.). **Қанча, қачан** олмошлари баъзан келишиклар билан турланган.

Белгилаш олмошлари. Аксарият адабиётларда бундай олмошлар биргалик, биргалик-белгилаш олмошлари деб юритилган.

Эски ўзбек тилида икки гуруҳ белгилаш олмошлари қўлланган:

1. **Яккаликни кўрсатувчи белгилаш олмошлари.**

2. **Тўдани, гуруҳни кўрсатувчи белгилаш олмошлари.**

Яккаликни ажратиб кўрсатувчи белгилаш олмошларига ҳар ва унинг иштирокида ҳосил қилинган олмошлар тааллуқлидир, шунингдек, эски ўзбек тилининг дастлабки даврида фаол қўлланиб, XV асрдан кейин пассив қатламга ўтиб кетган **текмә** олмоши ҳам яккаликни ажратиш учун қўлланган.

Тўдани, жамликни билдирувчи белгилаш олмошларига архаик **қамуқ//қамуг**, туркий қатламга хос бўлган **барча, бары, барлық**, форс ва араб тилларига хос бўлган **баъзы, ҳама (ҳамма), тамәм, жумла, жамъ, мажмуъ** олмошлари тааллуқлидир.

Ҳар олмоши форс тилидан ўзлашган ва эски туркий тилда XI-XII асрлардан бошлаб қўллана бошлаган ҳамда эски ўзбек тилида унинг кенг қўлланиши бошланган: *Ҳар йыл аны хазәна қылгайлар* (Нав.МК). Сўроқ олмошлари билан бирга келиб мураккаб белгилаш олмошларини ҳосил қилган: **ҳар ким, ҳар қайан, ҳар нимә, ҳар қайсы, ҳар нечә, ҳар нечүк, ҳар қачан, ҳар қайда, ҳар не.**

Ҳар не эски ўзбек тилида олмошлик хусусиятини сақлаб қолган: *Мениң ҳар не ҳāлымны билмиш едиң* (Мунис). *Ҳар не десом қабул қылгайму-сен* (Нав.МК).

Ҳар не олмоши ҳозирги ўзбек тилида *ҳарна* вариантыда семантик ўзгаришга учраган ва модал сўзлар туркумига ўтган.

Текмә асл туркий белгилаш олмошидир. Бу олмош ҳам XIV аср бошларига қадар мустақил қўллана олган: *Чыққай ҳаләр ҳалқа көңүл текмә сачтың* (Лутф.). Бу олмош келишик кўшимчаларини ҳам олган: *Сучулмыш текмәләргә тан либāсын* (Хиср. Шир.). *Текмә* олмоши ҳозирги турк тилида ҳамон қўлланмоқда.

Тўдани билдирувчи олмошлар.

Барча (бар+ча) биргалик олмоши киши, нарса ва ҳодисаларнинг мавжуд йиғиндиси маъносини аңлатган: *Барча тапылур бизгә вале йār тапылмас* (Лутф.). *Тўғенди барча сөз* (Навойи, ФШ). *Барча бир йолы урушқа кирди* (ШН).

Бари (бар+ы) олмоши *барча*, *ҳамма* сўзлари каби биргалик маъносини аңлатган: *Бары āламга тāj* (Нав.). *Бары пари мисāлы* (ШН).

Қамуқ/қамуг олмоши эски ўзбек тилининг XV асрларга оид ёзма манбаларида истеъмолда бўлган. Шунингдек, XVII — XIX асрларда битилган айрим ёзма манбаларда учрайди ва *барча* олмоши маъносига синоним бўлган: *Қамуқ елгә бериб* (Лутф.). *Бизгә болды қамуг елиң орны* (Ш. тар.).

Ҳама (ҳамма) биргалик олмоши XV асрдан кейин ёзилган ёзма манбаларда қўлланган: *Ҳама атвāры ҳикматга мувāфық* (ШН). *Ҳама айтур Ҳувайдā нечүн йығлар-сен.*

Ҳама олмоши айрим адабиётларда *қамуқ* олмошининг фонетик ўзгариши деб изоҳланади. Бу фикр янглиш бўлиб, аслида араб тилидаги *ҳум* (улар) ва форс тилидаги *ҳама* (*барча*) олмошларининг ўзбек тилига ўзлашиши деб қараш ўринли бўлади.

Жумла биргалик олмоши араб тилидан ўзлашган, *барча*, *ҳамма* олмошларига эквивалентдир: *Жумла āламга иши қаҳр олуб* (Нав.ҲА). *Жумла жаҳāн аҳлыга рāҳат йеткүрүб* (Нодира).

Баъзы олмоши араб тилидан ўзлашган, гуруҳ, тўда маъносини ифодалайди, келишик, эгалик, кўплик аффиксларини ҳам қабул қилган: *Баъзыдың гāҳы бирәр*

йахшы байт вақеъ болур (Нав.МК). *Баъзыны муңа келтүргөндүр* (Нав.МН). *Баъзыларга орун берди* (Ш. тар.).

Тамām (*тамāmий, тамāmат*) олмоши араб тилидан ўзлашган, *барча, ҳамма* олмошлари маъносида қўлланган: *Стунлары тамāmий таштын* (БН). *Тамām могул ва татар елини лўшкәрини жамъ қылыб* (Ш. тар.).

Жамъ, жамъи олмоши араб тилидан ўзлашган: *Ҳиндустанның жамъи рудларының бу хәсийаты бар* (Бобурнома). *Жамъ вилāйатларны мусаххар қылыб...* (Ш.турк).

Мажмуъ олмоши ҳам араб тилидан ўзлашган: *Мажмуъын аның қашыга қойды* (Нав.МК). *Қылды йағмā көзләриң мажмуъи Туркистанни* (Сакк.).

Гумон олмошлари. Эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларда *кимсә* (>*ким+ерсә*), *немәрсә* (>*не+мәтер+сә*), *неерсә* (>*не+ерсә*), *бирәв* (>*бирәв*), *фалāн* гумон олмошлари қўлланган, баъзан айрим ўринларда *бирәв* (*бир+әв*), *бирәвлән* (*бир+әв+лән*) формалари ҳам учрайди. Улар киши, нарса ва ҳодисаларнинг тахминлаш, тусмол қилиш каби маъноларини билдирган.

Кимсә, кимәрсә, фалāн, бирәв, бирәв гумон олмошлари тусмол қилинган кишиларга нисбатан қўлланган. *Немәрсә* ва *неерсә* олмошлари предмет ва ҳодисаларга нисбатан ишлатилган.

Кимсә гумон олмоши эски ўзбек тилининг барча даврларида кенг қўлланган: *Кимсә тазаллум етмөгәй* (Лутф.). *Кимсә ким әйләмәс ашукмағны хайāl* (Нав.МК).

Кимәрсә гумон олмоши эски ўзбек тилининг илк даврларида қўлланган, кейинги даврларда кам қўлланган: *Кимәрсә ким саңа егри көңүл тутар бу қадар* (Сакк.).

Немәрсә гумон олмоши *нимә* сўроқ олмошига *ерсә* сўзининг қўшилиши билан ҳосил бўлган: *Уч-төрт немәрсә асылыб ерди* (БН). *Көп немәрсә бергән турур* (Ш.турк).

Бирәв гумон олмоши *кимса* олмоши маъносида қўлланган: *Бирәв көз бирлә болгай қатлың* (Нав.ЛТ). *Бирәв ишқ ичрә қылды қумры* (Огаҳий).

Фалāн гумон олмоши араб тилидан ўзлашган: *Фалāн кишигә, йаъны фақыр қашыга елтиб* (Нав.МН). *Фалāн вақтда фалāн мәлиқиңиз мундағ хийāнат қылды* (Ш. тар.).

Бўлишсизлик олмошлари. Эски ўзбек тилида ҳам бўлишсизлик олмошини форс тилидан ўзлашган **ҳеч** сўзи ифода қилган. **Ҳеч** бўлишсизлик олмоши киши, нарса, ҳодисаларга нисбатан қўлланган.

Бўлишсизлик олмошининг мураккаб формаси эса **ҳеч** олмошининг бошқа олмош турлари билан ёнма-ён келиши орқали ҳосил қилинган: **ҳеч ким, ҳеч кимсә, ҳеч кимәрсә** шахсга нисбатан; **ҳеч не, ҳеч немә, ҳеч немәрсә, ҳеч қайда** олмошлари нарса ва ҳодисаларга нисбатан қўлланган. **Ҳеч қайсы, ҳеч қайусы** киши ва нарсалар учун аралаш истифода қилинган.

Ҳеч олмоши мутлақ инкор маъносини ифодалаган: *Қалмаса ҳеч нāму нишāным* (Лутф.). *Ки биз кәрдүк, аммā билмәдүк ҳеч* (Нав.ФШ). *Ҳеч парвāйи қылмадылар* (БН).

Ҳеч ким бўлишсизлик олмоши шахсга нисбатан қўлланган: *Үсрүкләр ичрә көзүңә ҳеч ким ҳариф йоқ* (Лутф.). *Ҳеч ким өз көңлигә гам тиләмәс* (Нав.МК). *Ҳеч ким билмәс аларның ишини* (ШН). *Ҳеч ким ешиткән ва көргән йоқ турур* (Ш.тар.).

Ҳеч кимсә (ҳеч кимәрсә) олмоши ҳам **ҳеч ким** олмошига эквивалент бўлган: *Түшмәсүн гул мавсумы ҳеч кимсә жанāндын* (Лутф.). *Қылмас аның тәкәллүмини ҳеч кимсә рад* (Нодира).

Ҳеч кимәрсә бўлишсизлик олмоши сийрак қўлланган, маъно жихатидан **ҳеч ким, ҳеч кимсә** олмошларига ўхшайди: *Ҳеч ким әрсә келмәгәй* (Лутф.). *Ҳеч ким әрсә қол йапмасунлар* (Ш. тар.).

Ҳеч немә (ҳеч+не+мә) бўлишсизлик олмоши: *Мени тегән кишигә ҳеч немә йоқ* (Ш.тар.). *Аңа ҳеч не м ә марҳам йерин тутмас* (Нав.МК).

Ҳеч немәрсә олмоши кам учрайди: *Ҳеч немәрсә аңа мажхул ерди* (Нав.МН). *Ҳеч не м әрс ә оқуган емәс* (БН).

Ҳеч қайсы бўлишсизлик олмоши бўлишсиз атрибутив ҳолат маъносини англатган: *Ҳеч қайсы матлаъны айта алмадылар* (Нав.МН). *Ҳеч қайсы турк тили билә тәкәллүм қыла алмаслар* (Нав.МЛ).

Савол ва топшириқлар:

1. Эски ўзбек тилидаги кишилик олмошларининг турланишига манбалардан мисол тўпланг.

2. Эски ўзбек тилидаги гумон олмошларининг маъноларини санаб кўрсатинг.

3. Олмошнинг ҳар бир маъно турига манбалардан мисол тўпланг.

Таянч тушунчалар:

Олмош – от, сифат, сон ва бошқа сўзларнинг мавжудлигини бевосита ифодаламай, уларнинг мавжудлигини кўрсатувчи мустақил сўз туркуми.

Кишилик олмошлари – шахсларни кўрсатади.

Кўрсатиш олмоши – предмет, белги, миқдор, вақт ва маконга нисбатан ишора қилади.

Ўзлик олмоши – предмет, белги ва миқдорни таъкидлаб кўрсатади, тегишлиликни ифодалайди.

Сўроқ олмоши – сўраш маъносини ифодалайди.

Белгилаш олмоши – тўданинг қисмини ёки тўдани, жамликни билдиради.

Гумон олмоши – ноаниқ шахс, белги, миқдорни билдиради.

Бўлишсизлик олмоши – шахс, белги ва миқдорни инкор этади.

Олмошнинг маъно турлари – олмош ифодалайдиган модал маънолар.

Феъл

Режа:

1. *Феълнинг семантик ва грамматик белгилари.*
2. *Феъл нисбатлари.*
3. *Феъл ясалиши.*

Феъл барча тилларда ҳам фаол бўлган сўз туркумларидан биридир.

Феъл семантик доираси кенг, лекин, асосан, иш-ҳаракат ҳамда иш-ҳаракат тасаввурини берадиган ҳолатни англатади, яъни *бармақ*, *келмэк* каби феъллар иш-ҳаракатни, *көрмэк*,

ешишмөк, ойламақ феъллари эса ҳолатни билдиради. Эски ўзбек тилида феълнинг ҳозирги ўзбек тилида қайд қилинадиган аксарият семантик гуруҳлари: *иш-ҳаракат, фаолият, нутқ, тафаккур* феъллари қўлланишда бўлган.

Феъл туркумига қуйидаги морфологик категориялар хосдир: майл ва замон, функционал формалар, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, тусланиш.

Феъл аспектлари. Айрим адабиётларда феъл аспектларига мумкинлик ва номумкинлик шакллари ҳам киритадилар. Аслида мумкинлик-номумкинликни ҳосил қиладиган грамматик шакллар (формалар) йўқ, балки бундай семантика кўшма феъллар орқали ҳосил қилинади. Масалан, *тарта алар – тарта алмас.*

Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари феъл аспектлари категориясини ҳосил қилади, чунки бўлишсизлик *-мал/-мә* аффикси орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксни олмаган сўз билан оппозицияга киришади: *барма, келтүрмә* ва бошқалар.

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар ҳақида. Ўзбек тилида унинг тарихий тараққиётдан қатъи назар, бундай морфологик категория мавжуд бўлмаган, балки феълнинг тушум келишигидаги сўз билан боғлана олиши қобилияти унинг семантик хусусиятидир. Демак, ўтимлилик ва ўтимсизлик феъл шаклига эмас, балки феълнинг семантик хусусиятига дахлдордир.

Феъл нисбатлари. Эски ўзбек тилида ҳам феъл нисбатларининг қуйидаги турлари мавжуд: *аниқлик, ўзлик, мажҳул, биргалик, орттирма нисбатлар.*

Аниқлик нисбати учун эски ўзбек тилида ҳам махсус аффикслар қўшилмайди.

Ўзлик нисбат –*н* (ундошдан кейин: *-ын/ин//ун/үн*) аффикси билан ҳосил қилинган: *Куйди, ортәнди гам отында ичим ташым мениң* (Атоий). *Оғуз ханга бақынмады* (Ш.тар.).

Ўзлик нисбат маъноси баъзан мажҳул нисбат аффикси *-л* (*-ыл/ил//ул/ўл*) билан ҳам ифодаланади: *Бу васила билә хайāl қылылды ким,..* (Нав.МН).

Мажҳул нисбат *-л(-ыл/ил//ул/ўл)* аффикси билан ҳосил қилинган: *Куллуқ арзадәшит йекманба куни битилди* (Нав.МН).

Биргалик нисбат *-ш* (ундошдан кейин: *-ыш/иш//уш/ўш*) аффикси билан ҳосил қилинган: *Икки қайшы бәш бир қылыб, билмән, не сөз сөзләшитиләр* (Лутф.). *Бир-икки қатла ул тараф бу тарафдын қылыч алыштылар* (БН).

Орттирма нисбат куйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-т(-ыт/ит//ут/ўт): *Охшатты қаматыңа санаббарны бағбан* (Нав.МН).

-р(-ур/ўр//ар/эр): *Кечўргэй ушбу дарийдың мени* (Атоий). *Шайдәлыққа баш чықарур* (Нав.МК).

-тур/тўр//дур/дўр: *Ҳажр оты бу кун ичимни кўйдўрўр* (Сакк.). *Алтун уйны тиктўрди* (Ш.тар.).

-гур/гўр//қур/кўр//қар/кэр: *Не мунча йазгурадур шайхи парса бизни* (Атоий). *Инсафсыз адувны йаманлықдын өткэрўр* (Нав.МК).

-гуз/гўз//қаз/кэз: *Аллыда бир нечәни тургузды* (ШН). *Мени откэзиңизлэр, теб,..*(Ш.тар.).

-ыз/из: *тамызды, ақызды* (Санг.).

-сэт: *Кемәни нечўк йасарын көрсэтти* (Ш.тар.).

Феълларнинг ясалиши. Феълдан бошқа туркумлардан сўз ясовчи аффикслар орқали феъл ясалиши мумкин:

-ла/лэ аффикси. Бу аффикс барча даврларда ҳам фаол қўлланган. От, сифат, сон, равиш, баъзан олмош туркумларидан феъл ясаган. Туркий ва туркий бўлмаган сўзларга ҳам қўшилган: *Төш-төштин пычақлаб, чапқулаб пәраладылар* (БН). *Бир күн намәзи пешинни гузәрлады...*(Нав.МН).

-да/дэ аффикси. Бу аффикс **-ла/лэ** аффиксининг фонетик вариантыдир. Эски ўзбек тилида сонор ундошлардан сўнг қўлланган: *Пәдшāх бу гулāmны индәди* (Таф.). *Йолдаса бу йолда Низāmий йолум//Қолдаса Хусрав билә Жāmий қолум* (Нав.ФШ).

-а/ә аффикси. От туркумидаги сўзлардан феъл ясаган: *Тунәди ләшкәр анда* (ШН). *Аиларыни ашаб ва йаиларыны йашаб, аталары кейнидин кетди* (Ш.тар.).

-й/ай аффикси. Сифатдан феъл ясаган: *Ул фақыр қашыда улгайыбдур* (Нав.МН). *Барча сагайтланыб атландылар* (ШН).

-р/ар/эр аффикси. Сифатдан феъл ясаган: *Бу навъ қара күн ичрә қарыб//Йаъники қара күнүм ақарыб* (Нав.ФШ). *Көкэргән йыгачларның барчасы* (Ш.тар.).

-қар/кэр аффикси. Отдан феъл ясаган: *Таг тузны тун-у күн башқарыб//Хайālны йол ақбасыдын өткэриб* (Нав.ФШ).

-қ/к,-ық/ик,-уқ/ук аффикси. От ва бошқа туркумлардан феъл ясаган: *Либасы рәңин билмән, йолуқса, хайраттын* (Лутф.). *Ким йағықса шайх Шайбанийга* (ШН).

-са аффикси. Отдан феъл ясаган: *Дилраба, аби хайат ерниң учун жан сусады* (Лутф.).

-сын аффикси. От ва сифатдан феъл ясаган: *Йығламсынур-у козиғә келмәс йаш* (Нав.МН).

Таянч тушунчалар:

Феъл – иш-ҳаракат ва ҳолат билдирувчи сўзлар туркумини ифодалайди.

Феъл аспекти – бўлишли ва бўлишсизликни англатади.

Феъл ясалиши – бошқа туркумлардан сўз ясовчи аффикслар ёки сўзларни қўшиш орқали феъл ясалиши жараёни.

Феъл нисбатлари – иш-ҳаракатнинг субъекти ва объекти муносабатларини билдиради.

Феълнинг функционал формалари

Режа:

1. Эски ўзбек тилида ҳаракат номи формалари.
2. Равишдош.
3. Сифатдош.

Феълнинг нутқда қўлланишга хосланган шакллари унинг функционал (амалий) формаларидир. Феълнинг айрим формалари келишик, эгалик аффиксларини ҳам қабул қилади, гапда от ва бошқа сўз туркумлари вазифасини бажариб, эга, аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасида ҳам кела олади. Шунга кўра, бундай формалар феълнинг грамматик-функционал формалари ҳисобланади. Феълнинг грамматик-функционал формаларини соф феъл, ҳаракат номлари, сифатдош ва равишдош формалари ташкил этади.

Феълнинг грамматик-функционал формаларида, бир томондан, феълга хос белгилар мавжуд бўлса, иккинчи томондан, морфологик хусусиятлари ва синтактик вазифалари бўйича бу формалар бошқа сўз туркумларига ҳам яқин туради. Бу

жиҳатдан соф феъллар фақат феълларга, ҳаракат номлари отга, сифатдош формалари сифатга, равишдош формалари равишга акин туради.

Ҳаракат номи формалари. Улар иш-ҳаракат ва ҳолатнинг атамасидир. Эски ўзбек тилида ҳаракат номининг куйидаги формалари амалда бўлган:

-мақ/мәк аффиксли форма. Бу форма ҳаракат номининг асосий кўрсаткичи сифатида кенг қўлланган. Бундай феълларга жўналиш келишигининг *-а/ә* аффикси қўшилганда, *-мақ/мәк* аффиксининг охиридаги [қ], [к] ундошлари икки унли ўртасида жаранглилашиб, [ғ], [г] ундошларига ўтади: *Қачмага йўз еврди* (Рабғ.), *Бақмага имкән йоқ* (МН). Бу формага эгалик аффикси қўшилганда ҳам *-мақ/мәк* аффикси таркибидаги жарангсиз [қ], [к] ундошлари жарангли (ғ), [г] ундошларига ўтиши мумкин: *Бу йазуқдан қутулмағым муҳал есә...* (Нав.СС). *Бир нафас с а б р е т м ә г и йоқ* (Нав.СС).

-мақ/мәк аффиксли ҳаракат номининг бўлишсизлик маъноси икки хил йўл билан ифодаланган:

а) *-мақ/-мәк* аффиксининг *-ма/-мә* аффиксли бўлишсиз формадаги феълга қўшилиши билан: *Тил әнмәм әккә давлатындан маҳрум дурурлар* (Нав.СС).

б) сифатдошнинг *-мас/мәс* аффиксли бўлишсиз формасига *-лық/-лик* аффикси қўшилиши билан (*-мас+лық// -маз+лық*): *Меним сөзим ешитмәзлик учун* (Таф.). *Оглан билмәсликиндин қылу* (Рабғ.).

Ҳаракат номининг *-мақ/мәк* аффиксли формаси от туркумидаги сўзлар каби эгалик ва кўшлик қўшимчаларини қабул қилади, келишиклар билан турланади, кўмакчилар билан қўлланади:

1. *-мақ/-мәк* аффиксли ҳаракат номи эгалик аффикслари билан қўлланганда, феъл негиздан англашилган иш-ҳаракатнинг қайси шахсга қарашли эканлиги ифодаланади: *Меним қуртулмағым анда турур* (Таф.). *Сен әсрүк келмәкиң мунда хатә ул* (Хиср.Шир.).

2. *-мақ/мәк* аффиксли ҳаракат номига қўшилган *-лар/ләр* аффикси одатдаги кўплик маъносини эмас, балки феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракат субъектининг кўшлик шаклида эканлигини кўрсатишга хизмат қилади: *Йусуфны өлтүрмәкләри иккидин хәли ермәс ерди* (Рабғ.). *Нетәкким йигламақларыны ешиттим...* (Наҳж.фар.).

3. От ўрнида қўлланган бош келишиқдаги **-мақ/мэк** аффиксли ҳаракат номи, асосан, эга, баъзан кесим ёки аниқловчи вазифасида келади. Эгаси **-мақ/мэк** аффиксли ҳаракат номи билан ифодаланган гапларнинг кесими асосан от ёки от туркумидаги сўзлар билан ифодаланади: *Ибраҳымга қонуқ тил эм эк фариза ерди* (Рабғ.). *Ғийбат қылмақ улук ыгуқлардын турур* (Нахж.фар.).

-мақ/мэк аффиксли ҳаракат номи келишиқ аффикслари билан қўлланганда ҳар бир келишиқ формасининг характериға мувофиқ равишда турли синтактик вазифаларни бажаради: *Азынлар айбыны көрмэкни қойгылы* (Хиср.Шир.). *Илм өгрәнмэккә келдим* (Рабғ.). *Андын йаранлары қаттық сөзләмәкдин йыгдылар* (Таф.).

-иш(-ыш/иш,-уш/үш) аффиксли форма эски ўзбек тилида кам истемолда бўлиб, айрим ёдгорликларда учрайди: *Йүгүрүшдә забунрақдур* (БН). *...буларның алышы ва бериши* (БН).

-в/ув/үв аффикли форма кам қўлланган: *Ондын икки киши болды сақлас* (ШН).

Сифатдош формалари. Туркий тилларда сифатдош предметнинг белгиси бўлган иш-ҳаракат ва ҳолатни ҳамда бевосита иш-ҳаракат ва ҳолатни англатади. Сифатдош формаларида белги-ҳаракат маъноси билан бирга, грамматик замон маъноси ҳам мавжуд бўлади. Бу ҳол сифатдош формаларининг ҳаракат номи формаларидан фарқловчи асосий белгисини ташкил этади. Сифатдош формаларини замон нуқтаи назардан қуйидаги икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ўтган замонни ифодаловчи сифатдош формалари. Бу гуруҳга **-мыш/миш,-дуқ/дуқ/туқ/түқ,-ган/гән/қан/кән,-ан/ән** аффикслари билан ҳосил бўлувчи формалар киради; 2) ҳозирги-келаси замонни ифодаловчи сифатдош формалари. Бу гуруҳни **-р(-ар/әр,-ур/ўр,-ыр/ир,-йур/йўр),-маз/мәз/мас/мәс,-гу/гү/қу/қү,-гучи/гүчи/қучи/күчи,-дачы/дәчи/тачы/тәчи,глы/гли,-асы/әси** ва бошқа аффикслар билан ҳосил бўлувчи формалар ташкил этади.

Ўтган замон сифатдошлари. **-ган/гән (-қан/кән)** аффиксли сифатдош эски ўзбек тилининг барча даврлари учун характерли бўлган ва фаол қўлланган.

Қўлланиши, маъно ва вазифалари:

1. Атрибутив позицияда қўлланиб, аниқловчини ифодалайди. Аниқловчи вазифасида келган **-ган/гән** аффиксли сифатдош

ўрам (оборот)ни ташкил этади ва улар гап трансформациясидан бўлиши мумкин:

а) эга+кесим қолипида бўлади: *Черик тушкэн йердө келдиләр* (Рабғ.). *Жумламыз рāзимиз бу икки улугымыз сөзлэгән сөзгө* (Наҳж.фар.).

б) сўз бирикмаси қолипида бўлади: *Рāст сөзлэгән хатунлар бурч қылсалар...*(Рабғ.). *Вафā қылган кишиләргө вафā қыл* (МН);

2. *-ган/гән* аффиксли сифатдош отлашади ва от бажарадиган синтактик вазифаларда қўлланади: *Бу йаратылган сизләрдө болса...*(Рабғ.). *Мени йаманлаган ҳалāк болды* (Наҳж.фар.). *Сени көргән өзиндин йат болур* (МН).

Отлашган *-ган/-гән* аффиксли сифатдош отга хос грамматик белгиларга эга бўлади:

а) *-лар/ләр* кўплик аффиксини олади: *Аның бирлө болганлар... бутга табынурларды* (Таф.). *Қамуг тугғанлар өлди* (Рабғ.). *Йана ермән тегәнләр зār болгай* (Хиср.Шир.).

б) эгалик аффиксини олади: *Мен тамām āлым болдум, ҳеч билмэгән им қалмады* (Наҳж.фар.). *Бу сизниң келтүргән иңиз бизгө йарамас* (Рабғ.);

в) келишик аффиксларини олади: *Ул сорғаныңны кетәргил* (Наҳж.фар.). *Йықылғанларга андын дастгирлик йеткәй* (Нав.МК).

3. *-ган/гән* аффиксли сифатдош *учун, соң(соңра), бирлө, кәби, берү* каби кўмакчилар билан қўлланади: *Суз тартқан учун ижрāsын берәйин* (Рабғ.). *Бу бир қорғанны алған билә не иш ачылгай* (БН).

4. *-ган/гән* аффиксли сифатдош *-тек* кўшимчасини қабул қилади: *Тиләб Шавур айытган-тек нийсаньн//Сорар шаҳзādаның турган макāньн* (Хиср.Шир.). *Муганний мусиқий āғаз қылды//Атасы торбасында йыглаган-тек* (Нав.СС).

-мыш/миш аффиксли сифатдош эски ўзбек тилининг барча даврларида фаол қўлланган бўлиб, унинг грамматик маъно ва вазифаларининг тараққиёт даврлари икки босқичга бўлинади: биринчи босқич XV асрдан олдинги даврларни, иккинчи босқич XV аср ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади.

1. Ўзбек тилининг биринчи босқичида *-мыш/миш* аффиксли сифатдош формасининг қадимги грамматик маънолари ва вазифалари сақланган, яъни:

а) предметнинг ҳаракат белгисини кўрсатиб, аниқловчи вазифасида келади: *Келмиш йолларына йандылар* (Таф.). Бу қилмыш иш бирлэ биз зāлимлардын болур-миз (Рабғ.);

б) эгалик аффиксларини қабул қилади: *Агар бу аймышың сөз рәст ерсә,..*(Таф.).

в) келишик аффикслари билан қўлланиб, гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ифодалайди: *Ешиткил бу газалда ишлөридин//Муҳаммад хожа бег аймышларыдын* (МН). *Шамъун булардын қачмышда сувсамыш ерди* (Рабғ.).

2. Ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги тараққиёт даврларида *-мыш/миш* аффиксли сифатдошнинг грамматик маънолари ва вазифалари чегараланган бўлиб, унинг асосан ўтган замон феъли сифатида қўлланиши давом этган.

Ўтган замон сифатдошини ясовчи *-дуқ/дўқ* аффикси қадимги ёдгорликлар тилида *-туқ/тўқ* кўринишида ҳам қўлланган. Грамматик маънолари ва вазифалари жиҳатидан *-мыш/миш* аффиксли сифатдошга ўхшайди: *Макка ачылдуқ кун болды* (Таф.). *Йусуфга йыгладуқум көзүмни ақарды* (Рабғ.).

Ҳозирги - келаси замон сифатдош формалари.

-р аффиксли форма. Бу аффикс *-р,-ар/эр, -ур/ўр,-ыр/ур, -йур/йўр* вариантларда қўлланган бўлиб, булардан қайси бирининг ишлатилиши шу аффиксни қабул қилувчи феъл негизининг характерига, унинг қандай товуш билан тугаган бўлишига боғлиқ.

Ундош билан тугаган бир бўғинли феълларнинг бир гуруҳига *-ар/эр, бошқаларига -ур/ўр* вариантлари (*қач+ар, кет+эр, бар+ур, бил+ўр*), ундош билан тугаган икки ва ундан ортиқ бўғинли феълларга *-ур/ўр* вариантлари қўшилади (*қайтар+ур, ешит+ўр, уруш+ур, келтўр+ўр, қайтарыл+ур, көрсәтил+ўр* каби). Баъзи манбаларда ундош билан тугаган айрим феълларга *-ыр/ур* формасида қўшилиши ҳам учрайди.

Унли билан тугаган феълларга *-р* ёки *-йур/йўр* вариантлари қўшилади (*башла+р* ёки *башла +йур, ишлэ+р* ёки *ишлэ+йўр*).

Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида унли билан тугаган феълларга *-йур/йўр* вариантлари қўшилиши характерли бўлган. Масалан, Ўрхун-Енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида бундай феълларга асосан *-йур/йўр* вариантлари қўшилган, XI- XII асрларга оид «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» ва бошқа манбаларда ҳам кўпинча шу вариантлари

кўшилган. Унли билан тугаган феълларга **-р** ёки **-йур/йўр** кўшилиши ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам маълумот берган. Унинг кўрсатишича, бундай феълларга **-р** ўрнида **-йур/йўр** кўшилиши XI асрда арғулар тили учун хос бўлган.

-р аффиксли сифатдошнинг бўлишсиз формаси **-маз/мэз//мас/мэс** аффикси ёрдамида ҳосил бўлади. Бу аффикснинг жарангли **-маз/мэз** вариантлари ўғуз группасидаги туркий тиллар учун хос бўлиб, кипчок ва қарлуқ группасидаги туркий тилларда асосан жарангсиз **-мас/мэс** вариантлари қўлланган. Ўрхун-Енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам фақат жарангли **маз/мэз** вариантлари қўлланган бўлиб, «Қутадғу билиг»да **-маз/мэз** ва **-мас/мэс** вариантлари параллел истеъмолда бўлган.

-р аффиксли сифатдош аниқланмиш вазифасида келади: *Бу ақар арыгим, саңа бердим...*(Таф.). *Көрә билмэз киши багрын тилиңиз* (Хиср.Шир.). *Көңүл бермә көңүл бермәс кишигә* (Нав.СС);

-р аффиксли сифатдош от ўрнида қўлланганда отга хос грамматик белгиларга эга бўлади ва шунга мувофиқ ҳар хил синтактик вазифаларни бажаради:

а) эгалик аффикслари билан қўлланади: *Лек мумкин дурур давā қылурум//Саъй етиб хāжатың равā қылурум* (Нав.СС). *Жахāнда сендин өзгә йоқ тил әрим* (Хиср.Шир.);

б) келишик аффикслари билан қўлланади: *Сениң ишқыңда сайрарга Хāразмий...* (МН). *Бизниң келүримизни эшитиб, қачыб бу айтылган уч йуртга бардылар* (Ш.тар.).

-р аффиксли сифатдош кўмакчилар билан қўлланади: *Олтурур үчүн қабыл йер ерди* (БН). *Өлмәсдин бурун ачыб көзүмни.* (Нав.ФШ).

-гу/гү(-қу/кү) аффиксли сифатдош. Қўлланиши, маъно ва вазифалари:

1. Атрибутив позицияда келади ва аниқловчини ифодалайди. Бунда **-гу/гү** аффиксли сифатдош ўрам (оборот)ни ҳосил қилади: *Меним илкимдин келмәгү иш билгүрди* (Таф.). *Тузуб йеттиләр ав авлагу йергә* (Хиср.Шир.);

2. **-гу/гү** аффиксли сифатдош от ўрнида қўлланганда отга хос грамматик белгиларга эга бўлади ва шунга мувофиқ ҳар хил синтактик вазифаларни бажаради: *Қайда баргусыны билмәгәйләр* (Таф.). *На қылгусы билмәс болды* (Наҳж.фар.).

-гучы/гүчи(-кучы/күчи) аффиксли форма *-гу/гү* аффиксли сифатдошга шахс отини ясовчи *-чы/чи* аффикси кўшилиши билан ҳосил бўлган. Шунинг учун ҳам бу формада феъллик хусусияти кучсизланиб, от туркумига яқин туради: *К у ч қылгучы элим ерди* (Таф.). *Куйашның есиз көзни Кайтаргучы қудрати бар* (Рафғ.). *Ошул тағ қазгучы Фархадны көрсүн* (Хиср.Шир.);

-дачы/дәчи(-тачы/тәчи) аффикси билан ясалган сифатдош ҳам қадимги ёдгорликлар тилида фаол қўлланган бўлиб, ўзбек тилида XV асрга қадар қўлланиб келган: *Мен сениң төрүттәчиң, йараттачың-мен* (Таф.). *Биз йерни көкни төрүттәчи тәңригә табынур-миз* (Таф.).

-алы/гли аффиксли сифатдош ҳам эски ўзбек тилининг илк даврларида кенг қўлланган бўлиб, маъно ва вазифалари бўйича *-дачы/-дәчи* аффиксли сифатдошларга ўхшайди: *Кимәрсә маңа раҳм қылмағлы йоқ* (Рафғ.). *Тушиндә көрди ким, кели гли келди* (Наҳж.фар.).

-адурган/әдүргән аффиксли сифатдош. Бундай сифатдошлар XV асрдан кейин қўлланган: *Мени шайдә қыладурган бу көңүлдүр, бу көңүл, хәр-у расвә қыладурган бу көңүлдүр, бу көңүл* (Лутғ.). *Кәбулдын күч келәдүргән жыҳатыдын султәнға қошула алмайдулар* (БН).

Равишдош формалари. Эски ўзбек тилида қуйидаги аффикслар билан равишдош ҳосил қилинган:

-б(-ыб/иб,-уб/үб) аффиксли равишдош. Қўлланиши, маъно ва вазифалари қуйидагича:

1. Шахсли феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатиб, равиш ҳолини ифодалайди. Бунда равишдош ифодалаган иш-ҳаракат билан шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат ўртасидаги вақт муносабати қуйидагича икки хил бўлади:

а) равишдош ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан олдин бажарилади. Бундай ҳолларда равиш-дош асосан ҳаракат маъносини ифодаловчи феъллардан иборат бўлади: *Буйурдыларким, хужрасын бузуб, туфрәгын хәнақәҳдын ташқару ташласунлар* (Нав.МН). *Бухәрәдын қавун келтүрүб, бир мажлисда кестүрдүм* (БН).

б) равишдош ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат билан бир вақтда бажарилади. Бунда ҳар иккала иш-ҳаракат ҳам одатда такрорланувчи, давомли

бўлади: *Чықтылар қорғаныга чапқыллашыб* (ШН). *Қайда көрсәм наъл нақшыны өпәр-мен йуз сүрүб* (Фурк.).

2. Шахсли феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиб, пайт ҳолини ифодалайди ёки пайт эргаш гап-нинг кесими вазифасида келади: *Йахудā бир сөзни ешитиб, уру қобди* (Рабғ.). *Ахшам намазы қылиб евингә кирди* (Наҳж.фар.).

3. Шахсли феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага келишидаги сабабни кўрсатиб, сабаб ҳолини ифодалайди ёки сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Андын қорқуб башым ақарды* (Рабғ.). *Агар айсам башымдын кечмишин мен// Танырқаб бармагын тишлөгәй-сен* (Хиср.Шир.).

4. -б аффиксли равишдош ифодалаган иш-ҳаракат кейинги феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг аксини кўрсатади, яъни равишдош ифодалаган иш-ҳаракат билан кейинги феълдан англашилган иш-ҳаракат бажарилиши нуқтаи назардан бири иккинчисига зид бўлади. Шунинг учун бундай ҳолларда кейинги феъл кўпинча бўлишсиз формада қўлланади: *Сиз келиб, ани келтүрмәсәңиз, сизгә дақы бугдай бермәз-мен* (Рабғ.). *Бу бугдай көргәзиб, арпа сатар ул* (Хиср.Шир.).

5. Равишдошнинг -б аффиксли формаси боғловчилик вазифасини ҳам бажаради, яъни гапда уюшиб келган феълларнинг олдингиси (ёки олдингилари) шу равишдош формасида келиб, уюшиқ бўлақлар ўртасидаги боғланишни кўрсатади: *Бу йалганчилар менй тутуб, агзымга қан суртуб, саңа келтурдиләр* (Рабғ.). *Аны тахт үзә кечириб, башына таж қойуб, мамлакатни аңа таслим қылыңыз* (Нав.СС).

-а/ә(й) аффикси билан ясалган равишдош куйидаги хусусиятларга эга:

1. Якка ҳолда қўлланади. Бунда шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради: *Бир кун Исмаил авқа бармыш ерди, Ибрәҳымны көрә келди* (Рабғ.). *Йүзүңдин емди аңа ашна тиләй келдим* (Лутф.).

2. Кўшма феълнинг компоненти бўлиб келади: *Йол башында тура қалды Мирза* (ШН). *Иттифақ қыла алмай, паришан барыб...*(БН).

3. Кўпинча такрор қўлланади. Бунда ҳам шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати кўрсатилади: *Фырәқ отына йана-йана келдим* (Лутф.). *Тамший-тамший аны қылай нош* (Нав.МЛ).

-у/ў(унлидан кейин **-йу/йў**) аффикси билан ясалган равишдош қадимги ёдгорликларда кенг қўлланган бўлиб, эски ўзбек тилида XV асрга қадар анча актив истеъмомда бўлган, маъноси, функцияси бўйича **-а/ә(й)** аффиксли равишдошга яқин туради.

Мисоллар: *Көз йашы йыглайу, түшәйин дер айақына* (Сакк.). *Аңа қаршу туру билмәди* (Рабғ.). *Қарындашлары аны авга алу бардылар* (Рабғ.). *Кишиләр Мусә йалавачқа кәлү башладылар* (Таф.).

Равишдош ясовчи **-бан/бән** (ундошдан кейин: **-ыбан/ибән/-убан/убән**) аффикси **-б(-ыб/иб/уб/ўб)** аффиксига **-ан/ән** кўшилиши билан ҳосил бўлган. Афтидан, **-ан/ән** кўплик ифодаловчи аффикснинг кучайтириш маъноси бу мураккаб аффикснинг юзага келишига сабаб бўлган (Қиёсланг: *қучубан йыгладым – қучублар йыгладым*). Эски ўзбек тилида шеърий асарларда ишлатилган бўлиб, вазифаси ҳам чегараланган. Бу равишдош шакли шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, сабабини кўрсатади. Мисоллар: *Чықты ул мыңча киши атланыбан//Иш қылулга барысы қатланыбан* (ШН). *Кучубан йыгладым атам айагын* (Фурк.). *Ул анда қолдыса азиз қадашым//Хам биргә келибән болуб йолдашым* (Хиср.Шир.).

-ғалы/ғәли//қалы/кәли аффикси билан ясалган равишдош ҳам туркий тилларда қадимдан кенг қўлланиб келган бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам актив истеъмомда бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффикс **-гани(-қани/кани)** кўринишида ишлатилади.

Бу равишдош шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни билдиради. Мисоллар: *Ул хәнақәҳга ойнағалы кирдиләр* (Нав. МН). *Малик анларны өлдүргәли қасд қылды* (Таф.). *Йусуфны көргәли зиндәнга келүр ердиләр* (Рабғ.).

-ғач/ғәч/қач/кәч билан ясалган равишдош қадимги ёдномаларда учрамайди. Эски ўзбек тилида, асосан, XV асрлардан бошлаб қузатилади.

Бу равишдош пайт маъносини билдиради, яъни бу равишдош ифодалаган иш-ҳаракат тугаши билан шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат бошланади. Мисоллар: *Йана шәм олғач, олдылар бары маст* (Нав.СС). *Ачылғач келиб ертәси хужрасы//Қылур жаң-у жанжал ҳар ертәси* (Мук.).

-гунча/гунчә/қунча/қунчә аффикси билан ясалган равишдош эски ўзбек тилида анча кенг истеъмолда бўлиб, қадимги ёдгорликларда кам қўлланган.

Бу равишдош ҳам пайт маъносини билдиради, яъни равишдош ифодалаган иш-ҳаракат бошлангунга қадар шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат юзага чиққан бўлади ёки давом этган бўлади. Мисоллар: *Хан йеткунчә аны қувладылар* (ШН). *Лутфий мискиндин өлгунчә дуа болсун саңа* (Лутф.).

Савол ва топшириқлар:

1. Эски ўзбек тилида ҳаракат номи қандай қўшимчалар билан ҳосил қилинган?
2. Сифатдош шакли ҳосил қилувчи қўшимчаларни сананг.
3. Равишдошнинг ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган қандай шакллари мавжуд?

Таянч тушунчалар:

Феълнинг функционал формалари – феълнинг нутқда қўлланиш шакли.

Ҳаракат номи – иш-ҳаракатнинг атамаси бўлиб, отга хос сўз ўзгариш хусусиятига эга бўлган ва гапда от бажарган вазифаларни бажаришга мос бўлган феъл шакли.

Сифатдош – предметнинг белгиси бўлган ҳаракатни, баъзан иш-ҳаракатни тўғридан-тўғри англатадиган феъл шакли.

Равишдош – ҳаракатни иккинчи бир иш-ҳаракат белгиси сифатида англатадиган, гапда ҳол ва эргаш гап кесими бўлиб келишга мослашган феъл шакли.

Соф феъл – буйруқ-истак, шарт ва баъзан аниқлик майллари ҳамда уларнинг замонлари маъноларини ифодалаб, ҳар доим тусланиш тизими элементи (унсури) сифатида қўлланадиган, гапда фақат кесим вазифасида келишига мос феъл шакли.

Эски ўзбек тилида майл ва замон формалари

Режа:

1. *Майл ва замон формалари ҳақида тушунча.*
2. *Эски ўзбек тилидаги тусловчи аффикслар.*
3. *Буйруқ-истак майли формалари.*
4. *Шарт-истак майли формалари.*

Ўзбек тилида, шу жумладан, туркий тиллардаги майл ва замон формалари муносабати мунозарали масалалардан ҳисобланади. Туркий тиллардаги майл ва замон формалари учун махсус аффиксларнинг йўқлиги бундай мунозарага сабаб бўлмоқда.

Маълумки, майл иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалаб, феъдан ангишилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш хусусиятини, имкониятини, яъни, реал воқеликка, шароитга боғланганлигини билдиради. Масалан, *борди* феъли иш-ҳаракатнинг реал бажарилганлигини, *ишла* феъли иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳақидаги буйруқни ифодалайди.

Грамматик замон эса иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабатини ифодалайди. Демак, майл категорияси замон категориясига нисбатан кенгдир. Лекин ҳамма майл формаларида ҳам грамматик замон маъноси бир хилда мавжуд бўла бермайди. Масалан, аниқлик майлида ҳар учала замон, буйруқ-истак ва шарт майлида эса фақат келаси замон формалари мавжуд бўлади.

Ўзбек тилидаги майл ва замон формалари ҳақида тусланиш тушунчасисиз фикр юритиб бўлмайди. Шу муносабат билан тусланиш тарихи ва унинг хусусиятига тўхталамиз.

Эски ўзбек тилида майл формалари куйидаги уч туркумга бўлинади: *буйруқ-истак, шарт-истак, аниқлик.*

Туркий тилларда феъл тусланиши тарихан сифатдош (кейинчалик равишдош) формалари асосида, яъни майл ва замон формалари сифатдош формалари асосида шаклланган (буйруқ-истак майли бундан мустасно). Кейинчалик бундай формалар таркибидаги сифатдош аффиксларининг айримлари сезилмас даражага келиб қолган. Масалан, *-дуқ/дўқ//-туқ/тўқ* сифатдош аффикслари *-ди/ди//-ти/ты* аффиксига айланган, айримлари эса ҳозирги ўзбек тилида жуда каммаҳсул аффикс саналади.

Эски ўзбек тилида тусловчи аффиксларнинг уч типи қўлланишда бўлган. Булар куйидагилар:

1. I тип тусловчилар ёки тўла тусловчилар:

	Бирлик	Кўплик
I шахс	-мен	-биз, -миз

II шахс -сен -сиз

III шахс -

2. II тип тусловчилар ёки қисқарган тусловчилар:

I шахс -м -қ/-к

II шахс -ң -ңыз/-ңыз/-қуз/-қуз/

III шахс -(сы/си) -(сы/си)

3. III тип тусловчилар феълнинг буйруқ-истак майлида қўлланади.

Тўла тусловчилар сифатдош ва равишдош формаларига ҳамда *-гай/гэй/қай/кэй, -мақда/мэкдэ* аффиксли формаларга қўшилади. Қисқарган тусловчилар *-ди/ды//ти/ты* аффиксли, шарт формадаги феълларга ва *-гу/гү//қу/қү* аффиксли формаларга қўшилади.

Шуни айтиш лозимки, тўла тусловчилар қадимги туркий ёдгорликларда *-ди/ды//ти/ты* аффиксли формадан кейин ҳам қўлланган. Масалан, *басдымыз, буздымыз* (Рафғ.). Бу ҳолат эски ўзбек тилининг дастлабки ёдгорликларида ҳам қўлланган: *Эшиттимиз тақы билдимиз тедилэр* (Рафғ.).

Шахс-сон аффикслари тарихан кишилик олмошларининг ривожланишидан пайдо бўлган. Буни М.Кошғарийнинг маълумотидан ҳам билса бўлади. Унинг маълумот беришича, XI асрада ўғузлар, кипчоқларнинг айримлари ўтган замон маъносини ифодалаш учун *-дуқ/дүк/туқ/түк* аффиксини ишлатиб, улар олдидан кишилик олмошларини қўллаш уларнинг қайси шахсда эканлигини билдирган: *Мен йа қурдуқ (мен ёй қурдум), биз йа қурдуқ, ол келдүк (у келди), олар евгэ кирдүк (улар уйга кирдилар)*.

Кейинчалик кишилик олмошлари феълдан кейин ҳам келтириладиган бўлган: *мен бардуқ мен (мен бордим), сен бардуқ сен (сен бординг)* каби. Бунда шахс-сон маъносини ифодалаш учун кишилик олмошларини икки марта келтиришга зарурат бўлмай қолган. Шунинг учун феъл олдидан келган кишилик олмошлари кўпинча тушириб қолдириладиган бўлиб, кейингиси сақланган ва шахс-сон кўрсаткичи сифатида тасаввур қилинган.

Буйруқ-истак майли формалари. Буйруқ-истак майли формаларида ҳам буйруқ, ҳам истик маънолари мавжуд, яъни, I шахс формаларида истик, II шахс формаларида буйруқ, III шахс формаларида эса ҳам истик, ҳам буйруқ маънолари мавжуд.

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майли кўп формали бўлиб, улар куйидагича ҳосил бўлади:

І шахс бирлик формалари:

-*(а)йын/э)йин*. Бу форма барча даврларда кенг қўлланган: *Кўчўм йетмишчэ көп хидмат қылайын* (МН). *Кимгэ изхәр әйләйин* (Мунис).

-*(а)й/(э)й*. XIV асрдан кейинги ёдгорликларда қўлланади: *Гүл келди йүзүң давридаким, ҳусн сатай деб* (Лутф.). *Мен қашың меҳрәбына елтәй дуәдын ийдлық* (Атоий).

-*гайын/гәйин//гайым/гәйим*. XV асрдан олдинги ёдгорликларда учрайди: *Кимгә дегәйим нечўк қылайым, билмән, мен буйла йырақда, ул йақынақ жәндын* (Сайфи Саройи). *Карам қылыб, қулақ тутсаң, жавәб айгайым* (Сайфи Саройи).

-*(а)йым/(э)йим*. XV асрдан олдинги даврларда қўлланган бўлиб, кейинги даврларда эса айрим ёдгорликларда баъзан учраб қолади: *Мен қарындашларым бирлә кеңәшәйим* (Рабғ.). *Сениң үчүн шаҳарда бир йахшы имәрат қылайым* (Сайфи Саройи).

Юқоридагилардан ташқари, «Қиссаси Рабғузий», «Тафсир», «Хисрав ва Ширин» асарларида *-гам/гәм* аффикси ҳам І шахс буйруқ-истак майли формасини ҳосил қилган: *Фазл қылгам ва аңа артуқ бергәм* (Таф.). *Бирини қурбан қылгам* (Рабғ.).

І шахс кўплик формалари. Буйруқ-истак майлининг І шахс кўплиги куйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-*галым/гәлим,-галын/гәлиң,-(й)алым/(й)әлим*. Бу аффикслар XV асрдан олдинги давр ёдномаларида учрайди: *Ей рабб, бизгә фармән бергил, көккә аггалым* (Таф.). *Сиз он қой келтүрүң, бишүрүң, етини йегәлиң* (Рабғ.). *Хәлымыз езгү болмаз, нетәк қылалым* (Рабғ.).

Бу аффикс баъзан лаб унлиси билан *-алум/әлүм* формасида ҳам келади: *Бу ер улуг сөз сөзләйү турур, кетәлүм тедиләр* (Рабғ.).

-*галы/гәли*. XVI-XVII аср ёдномаларида учрайди: *Ҳеч йаманлық аңа йәвутмагалы//Сени телмуртуб аны тутмагалы* (ШН). *Биз сени тутуб бермәгәли тедиләр* (Ш.тар.).

-*(а)лын/(э)лиң*. XVIII асргача бўлган ёдномаларда учрайди: *Асбәб уруңлар, Еран шаҳрына баралың* (Таф.). *Не болса*

болсун, уш башдын кечәлиң//Бу сурат рāзыдын парда ачалың (Хиср.Шир.).

-(а)лы/(ә)ли аффиксли форма XV-XVII асрлар учун характерли бўлиб, бу давр ёдгорликларида буйруқ-истак майли I шахс кўплик маъносини ифодаловчи асосий форма сифатида кенг қўлланган: *Емди сөзниң аслыга шуруь қылалы* (Нав.МК). *Андижанга чекәли бизләр лашкар//Түзәли ул сары āхаңы сафар* (ШН).

-(а)лық/(ә)лик. XIV асрдан бошлаб қўлланади: *Хасмлық қылса, қылалық фани* (ШН). *Өзимизни аҳвāлымызны алайық* (Ш.турк).

-(а)йлық/(ә)йлик. XIX асрдан бошлаб кенг қўллана бошлаган: *Берәйлик иккимиз ҳам аңа ләшкәр//Болуб жәң әйләсүн сардәри әскәр* (Фурк.). *Ей йахшылар, келәйлик, бир жайга йыгылышайлық, ойнайлық, күләйлик, амән болайлық* (Мук.).

II шахс бирлик формалари. Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик маъноси эски ўзбек тилида асосан -гыл/гил//қыл/кил аффикси билан ҳосил қилинган форма орқали ифодаланган: *Ешиткил емди ҳам бир хуш ҳикāйат* (МН). *Барыб ул хāнны салāмат тутқыл* (МН).

Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси эски ўзбек тилида -гин/гин//қын/кин аффикси билан ҳам ҳосил қилинган. Бу аффикс -гыл/гил//қыл/кил аффиксининг фонетик варианты бўлиб, нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган: *Келгинки, фирақың отыда қалмады хāлым* (Лутф.). *Мен дедим ким, раст айтқын* (БН). *Баққын, екін пишәр-му, тā āфтаб көрмәй* (Мук.).

Маълумки, ҳозирги ўзбек тили ва бошқа туркий тилларда буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги кўпинча аффиксиз қўлланади, яъни формал жиҳатдан феъл ўзагига тўғри келади. Бу ҳолат эски ўзбек тилида ҳам кенг кузатилади: *Тақы йуз мың алтун келтүр* (Рабғ.). *Қарақчы көзләриңдин бир қыйа бақ* (Атоий). *Адл қулагы-ла ешит хāлымы* (Мук.).

Шеърый асарларда буйруқ-истак майли II шахс бирлиги баъзан -у/-ў аффикси билан қўлланади. Бу ҳол Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро шеърларида учрайди: *Ей сабā, аввāра көңлүм истәйў ҳар йан бару//Вади-йу тағ-у бийāбāнларны бир-бир ахтару.* *Ахтарурда тапсаң ул көңлүмки, мажнун шивадур//Хар нечүк болса әдәм саҳрāсы сары башқару.*

Мисоллардаги *бару, ахтару, башқару* феъллари *боргин, ахтаргин, бошқаргин* маъносини ифодалайди.

Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формалари.

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги учун қуйидаги формалар қўлланган:

-*ң* (ундошдан кейин: *-ың/иң//уң/ўң*). Эски ўзбек тилининг барча даврларида кенг қўлланган: *Ей пари рухсърлар, бизгә нигәҳ әйләб отуң//Бир назар бирлә гадәны пәдшәҳ әйләб отуң* (Лутф.). *Өзгә қылмаң бу дегән сөзүмни* (ШН).

-*ңыз/ңиз* (ундошдан кейин: *ыңыз/иңиз//уңыз/уңиз//уңуз/ўңуз*). Бу форма эски ўзбек тилида нисбатан кам қўлланган: *Аҳбәб, йигитликни ганимат тутуңуз//Өзни қарылық меҳнатыдын қорқутуңуз* (Нав.МК). Бу кишигә ул чақлы нимәрсә *бериңиз* (Ш.тар.)

-*ңлар/ңләр* (ундошдан кейин: *-ыңлар/иңләр//уңлар/ўңләр*) аффикси билан ясалган форма эски ўзбек тилида кам қўлланган: *Анда барыб, отав суқуб келиңләр* (Ш.тар.). *Хизматымы йахшы қылыңлар билиб* (Мук.).

-*ңызлар/ңизләр* (ундошдан кейин: *-ыңызлар/иңизләр*) аффикси билан ясалган форма ҳам эски ўзбек тилида кам қўлланган: *Атәйи ҳақын анда истәңизләр* (Атоий). *Фарйәд қылыб айтыб туруп: мени өткәзиңизләр теб* (Ш.тар.).

III шахс формалари. Буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формаси эски ўзбек тилида *-сун/сўн* аффикси билан ҳосил қилинган (*барсун, келсўн*), кўплик формаси эса бирлик формасига *-лар/ләр* аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади (*барсунлар, келсўнләр*). Бу аффикснинг *-сын/син* формаси ўтмишда ўғуз ва қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, ўзбек тилида асоан XIX асрдан бошлаб учрайди.

Алишер Навоий асарларида буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик маъноси феъл негизига *-дик* қўшилиши билан ҳам ифодаланган. Бу аффикс фақат юмшоқ вариантда бўлиб, сингармонизм қонунига бўйсунмайди: *Чекибтўр саъй етиб бисйәр-бисйәр//Йудик баштын аяқ зинҳәр-зинҳәр. Йугандын соң суйуб айвандын алдик//Ҳаририн сувга йәҳуд отга салдик* (Нав.ФШ).

Келтирилган мисоллардаги *йудик, алдик, салдик* феъллари *ювсин, олсин, солсин* маъносини ифодалайди.

Шарт майли. Шарт майли формасининг ҳосил қилинишида эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарқ йўқ.

Шарт майли аффикси эски ўзбек тилида *-са/сә* аффикси билан шаклланган: *барса, келсә* каби. Бу аффикс қадимги туркий тилда *-сар/сәр* вариантыда қўлланган: *барсар, келсәр* каби.

Шарт майли формасига шахс-сон кўшимчаларининг кўшилиши қуйидагича бўлган:

1. Шарт майли аффикси *-сар/сәр* аффикси билан қўлланганда, тўла тусловчилар кўшилган: *барсар-мен, келсәр-сен, барсар-биз* каби.

2. *-са/сә* аффиксли шарт майли феълига шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари кўшилган: *барсам, келсам, барсалар* каби. XI-XIV асрлардаги айрим ёдорликларда тўла тусловчилар ҳам кўшилган: *барса-мен, келсә-сен* каби.

Шарт феълининг аналитик формалари:

-са/сә ерди: *Тапсам ердиким, недур андын мурад* (Нав. ЛТ). *Кашки Йусуфны көрмәсә ердим* (Рабғ.).

-ди/ды/ти/ты ерсә: *Қойдум ерсә бу машаққат жәньюма* (Нав.ЛТ). *Идрис шәғирди бирлә муңа тапынды ерсә, биз ҳам тапынур-биз* (Рабғ.).

-мыш/миш ерсә. *Кел, мениң бағрымны көр, йуз пәра ҳар бир дагыда//Көрмиш ерсәң бағ арә гар ләлаи садбарг кам* (Мунис).

Савол ва топшириқлар:

1. Майл деб нимага айтилади?
2. Замон тушунчасига изох беринг.
3. Эски ўзбек тилидаги тусловчиларнинг гуруҳлари ва хусусиятларини айтиб беринг.
4. Буйруқ-истак майлида қайси аффикслар иштирок этади?
5. Шарт майли формаларига манбалардан мисол келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Майл – иш-ҳаракат (ҳолат)нинг реал воқеликка муносабатини билдиради.

Замон – иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабатини билдиради.

Тусланиш – феълнинг шахс-сон аффикслари билан ўзгариши ва парадигма ҳосил қилиши.

Буйруқ-истак майли – бир парадигма ҳосил қилувчи ва буйруқ семаси етакчи бўлган феъл майли тури.

Шарт майли – бир парадигма ҳосил қилувчи шарт семали феъл майли тури.

Эски ўзбек тилида майл ва замон формалари(давоми)

Режа:

1. Аниқлик майли. Ўтган замон феъллари.
2. Ҳозирги ва келаси замон феъллари.

Аниқлик майлида ҳар учала грамматик замон мавжуд: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон. Аниқлик майлидаги ҳар бир замон бир неча формани ўз ичига олади ва бу формалар шу замон чегарасида турли маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади.

Ўтган замон феъллари. Ўтган замон феъли тузилиши жиҳатидан даставвал қуйидаги икки гуруҳга бўлинади: 1) **ўтган замон феълнинг содда (синтетик) формалари**; 2) **ўтган замон феълнинг аналитик формалари**. Шунини айтиш лозимки, ўтган замон феъллари **-ди/ды/ти/ты** аффиксли феъл формалари ва феълнинг сифатдош, равишдош шаклларига тусловчи аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Ўтган замон феълнинг содда (синтетик) формалари эски ўзбек тилида қуйидагича ҳосил қилинади:

-ды/ди//ты/ти аффиксли форма. Бу форма эски ўзбек тилининг барча даврларида кенг қўлланган ва у ушбу аффиксга қисқарган тусловчиларни қўшиш билан ҳосил қилинган: **Елчи бу сөзләрнің барчасын айтды** (Ш.тар.). **Видāлашыб мурāжиат марāсымыны адā қылдуқ** (Фурқ). Тусланиш парадигмаси: **бардым, бардың, барды//бардуқ, бардыңыз, барды(лар)**.

-мыш/миш аффиксли форма ҳам туркий тилларда қадимдан фаол қўлланган бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам анча кенг истемолда бўлган: *Аруқны ул таиш ўсқундә йолда унутмыш-мен* (Рабғ.). *Фурқатыңдын болмышам зāру заиф* (Лутф.).

-дуқ/дўқ аффиксли форма. Ўтган замон сифатдошининг **-дуқ/дўқ** аффиксли формаси қадимги ёдгорликлар тилида кенг истемолда бўлиб, ўтган замон феъли вазифасида ҳам қўлланган. Бу сифатдош ўтган замон феъли вазифасида XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсири»да ҳам қўлланган бўлиб, унга кўпинча *турур* ҳолат феъли кўшилиб келган: *Мунда айтур қылдым теб, валекин қылмадуқ турур. Ҳеч көз андаг көрмәдўқ турурлар, ҳеч көңүл аның-дек санмадуқ болур.*

-ган/гән/қан/кән аффиксли ўтган замон сифатдошининг ўтган замон маъносида қўлланиши асосан XIII-XIV асрлардан бошлаб кузатилади: *Тақы ҳақиқатда мен қорқутган-мен* (Таф.). *Ақл-у жән āламыга ишқ отыны салган-сен* (Лутф.).

-б(ыб/иб/уб/ўб) аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли. Бу феъл шакли эски ўзбек тилида қуйидагича уч хил қолипда қўлланган:

а) **барыб турур-мен.** Бу форма асосан XV асргача қўлланган бўлиб, баъзан XV асрга оид ёдгорликларда ҳам учрайди: *Ибрāҳим тевадин инмәккә ант ичиб турур-мен, меди* (Рабғ.). *Қачан көрсәләр аныким, ваъда қылыб турурлар* (Таф.);

б) **барыбтур-мен/барыбдур-мен.** Унинг қўлланиши XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади: *Болубтур-мен бу кун беганāлар-дек* (Атоий). *Учгалы пар чықарыбтур көңлүм* (Мунис).

в) **барыб-мен** типидagi форма XV асрдан бошлаб кенг қўлланган: *Бағāйат көңлүмизни шāд етиб-сен* (Нав. ФШ). *Сиз ҳам туна кун урушуб бастуруб-сиз* (БН).

Ўтган замон феъленинг аналитик формалари.

Эски ўзбек тилида ўтган замон феъли аналитик формаларининг қуйидаги турлари қўлланган:

-мыш/миш ерди. Бу форма эски ўзбек тилида XV асрга қадар кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда кам учрайди: *Мениң ҳар не ҳāлымны билмиш ердиң* (Мунис). *Бир кун Исмаил авқа бармыш ерди, Ибрāҳимны көрә келди* (Рабғ.).

-ган/гән//қан/кән ерди. Бу форма XIV асрдан бошлаб кузатилади: *Кыйнаган ердүк* анларны, *куфр келтүрдиләр* (Таф.). *Астрāбāдда айтқан икки матлаи түгәнмәй қалган ерди* (Нав.МН).

-ды/ди//ты/ти ерди. Бу форма қадимги ёдгорликлар тилида кенг қўлланган, эски ўзбек тилида XV асрга қадар кенг истемолда бўлган: *Йусуфны отагда қойдуқ ерди, биз келгинчә Йусуфны бөри йемиш* (Рабғ.). *Анлар қачтылар ерди, малик Дақйунус йāрын билди қачмышларыны* (Таф.).

-дук/дук ерди. Бу форма XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да анча кенг қўлланган: *Мен бутларны көрмәдүк ердим, турдум, Маккагә бардым, көрдүм.*

-б турур ерди формаси XIII-XIV асрларда кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда учрамайди: *Сизгә назāра қылыб турур ердим* (Рабғ.). *Тақы анда ким, сиз кизләниб турур ердиңиз* (Таф.).

-а/ә(ў)турур ерди,-а/ә(ў)дур ерди. Бу формалар бир фонеманинг икки хил варианты билан фарқланади, холос.

-а/ә(ў) турур ерди формаси XIII-XIV аср ёдгорликларида қўлланган: *Ләшкәрниң соңыда келә турур ердим* (Ш.тар.).

XIII-XIV аср ёдгорликларида бу формада **-а/ә(ў)** аффикси билан бирга, **-у/ү,-йу/йү,-йа/йә** аффикси ҳам иштирок этган: *Бир оглан билә келү турур ердим* (Рабғ.). *...йықылар күтәйә турур ерди* (ЎН).

-а/ә(ў)дур ерди формасининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади: *Умрумызда мунча фарāгат қылмайдур едүк* (БН). *Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қыладур едим* (БН).

-р(ар/әр/ур/ўр) ерди. Бу форма **-р(ар/әр/ур/ўр)** аффиксли ҳозирги-келаси замон феълига **ерди** тўлиқсиз феъли кўшилиши билан ҳосил бўлган: *Башларын қуйы салыб келўрләр ерди* (БН). *Йана төрт йуз кул бирлә сатыг қылурулар ерди* (Рабғ.).

-гай/гәй//қай/кәй ерди формаси ҳам эски ўзбек тилида кенг қўлланган: *Бизниң күчүмиз йетсә, бу тевәни өлтүргәй ердук* (Рабғ.). *Агар бурунрақ айтылмыш болса ерди, фақыр ҳаргез өз матлаимни айтмагай ердим* (Нав.МН).

Ҳозирги замон феъли. Ҳозирги замон маъносини ифодаловчи формалар ва уларнинг ясалиш усуллари бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида маълум ўзгачаликлар мавжуд. Ҳозирги ўзбек тилидаги **-яп,-ётир,-ётиб**

аффикслари эски ўзбек тилида қўлланмаган. **-моқда** аффикси айрим ёдгорликларда учрайди.

Эски ўзбек тилида ҳозирги замон феъли маъноси асосан **-а/ә(ў)** аффиксли равишдош асосида ҳосил қилинган формалар билан ифодаланган.

Бара турур мен қолипидаги форма XIII-XIV асрларда кенг қўлланган бўлиб, баъзан XV асрга оид ёдгорликларда ҳам учрайди: *Сорды: бу не ўн турур? Айттылар: Омайиа қулы Биләлга азәб қыла турур* (Таф.). *Ул вақтдын тә бу кунгәчә барча туркмәнләр ул китәбның масалаларыга амал қыла турурлар* (Ш.тар.).

Барадур-мен қолипидаги форма эски ўзбек тилида кенг қўлланган бўлиб, XIV асрлардан бошлаб кузатилади: *Бу йуртта хабар келдиким, Мансурның қызы Йусуф зайның мәлы билә келәдур* (БН).

Бара-мен формаси асосан XV асрдан бошлаб кузатилади: *Муңа не учун рухсат берә-сиз? Бизни аз көрүб, қызылбашига қошулмаққа бара турур* (Ш.турк.).

-мақда/мәкдә аффиксли форма ёзма ёдгорликларнинг айримларида учрайди: *Айни инәйатыңдын хәлымга қыл назәра//Өлмәкдә-мен гамыңдын, дардымга әйлә чәра* (Мунис).

Ҳозирги-келаси замон феъли. Ҳозирги-келаси замон феъли эски ўзбек тилида **-р** (ундошдан кейин: **-ар/әр//ур/ўр**) аффикси билан ҳосил қилинган. Шахс-сон аффиксларининг тўла варианты қўшилган: **барур-мен, келур-сен** каби. Лекин I шахс формаларини ҳосил қилишда шахс-сон аффиксларининг ўғуз тилларига хос вариантлари ҳам қўшилган: *Қашы учун жән берурәм достлар//Таг қопарыңыз йасаганда мәзәр* (Лутф.).

Унли билан тугаган феъллардан ҳозирги-келаси замон феъли **-йур/ўр** аффикси орқали ҳосил қилинган: *Сен-му бизгә бу сөзни сөзләйур-сен?* (Рабғ.).

Келаси замон феъллари. Эски ўзбек тилида келаси замон феълнинг қуйидаги формалари қўлланган:

-гу/ғу//ку/кү. Эски ўзбек тилида келаси замон феълни ҳосил қилувчи асосий форма ҳисобланган: *Бу китәбны оқугучы ва тыңлагучы, албатта, түрк болгусы турур* (Ш.тар.). *Омар билди ким, Расулга барыб, андын шикәйат қылгусы турур* (Рабғ.).

-асы/әси. XIII-XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда учрайди: *Бу шаҳарга бир пайгамбар ҳижрат қыласы турур, йаъны келәси турур* (Таф.).

-гай/гэй//қай/кэй. Бу форма XI аср ёдгорликлари ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам кенг қўлланган: *Муқаррар болдыким, таңласы болган нокар-у сардар, мǎлу жиҳаты билән чықыб, қорғанны тапшургай* (БН).

Савол ва топшириқлар:

1. Ўтган замон феълининг содда формалари қандай ҳосил қилинган?
2. Ўтган замон феълининг аналитик формаларига мисоллар келтиринг.
3. Ҳозирги замон феълларининг ифодаланиши жиҳатидан ҳозирги ўзбек тили билан эски ўзбек тили ўртасида қандай тафовутлар бор?
4. Келаси замон феъл формаларига мисол келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Ўтган замон феъллари – нутқ моментига нисбатан олдин юз берган (юз бермаган) иш-ҳаракатни англатади.

Ҳозирги замон феъллари – нутқ моментида юз берган (юз бермаган) иш-ҳаракатни билдиради.

Ҳозирги-келаси замон феъллари – нутқ моментида юз берган ва ундан кейин амалга ошириладиган иш-ҳаракатни англатади.

Келаси замон феъллари – нутқ моментидан кейин амалга ошириладиган иш-ҳаракатни англатади.

Равиш

Режа:

1. *Равиш ҳақида умумий маълумот.*
2. *Равиш ясалиши.*
3. *Равишнинг маъно турлари.*

Эски ўзбек тилида ҳам равиш категорияси сўз ўзгартирувчи аффикслар қабул қилмаслиги билан характерланади. Бу ҳол

равиш туркумининг бошқа мустақил сўз туркумларидан фарқловчи ўзига хос белгисини ташкил этади. Гапда равишлар бошқа сўзлар билан битишув йўли билан боғланади. Айрим равишларнинг таркибидаги келишик аффикслари эса ўзининг грамматик хусусиятини йўқотган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган равишларнинг ва равиш маъносида қўлланувчи сўзларнинг маълум қисми бошқа системадаги тиллардан ўзлаштирилган. Бундай сўзларнинг кўпчилиги эрон тилларига, айримлари араб тилига мансуб: *Аҳиста айтдуқумизны ҳам ешитўр* (Таф.). *Мен ҳаргиз алмышым йоқ* (Рафғ.). *Ҳарэди нāгāх рақиб* (Лутф.). *Дāимā масту беҳабар көрўнўр* (Атоий).

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган равишларнинг асосий қисми ясама сўзлардан иборат бўлиб, улар морфологик ва синтактик усуллар билан ҳосил бўлган.

Асли ўзбекча туб равишлар жуда кам сонни ташкил этади. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *Бизниң аталарымыз ким, ашну өлдилар.* (Таф.). *Бат бол, башың ал, қач* (Атоий). Эски ўзбек тилида туб сўз сифатида тасаввур қилинган айрим равишлар аслида ясама равиш бўлган. Масалан, *нару* (нари), *беру* (бери) равишлари узокликни англатувчи *не* ва яқинликни англатувчи *бе* сўзларига қадимги жўналиш келишиги аффикси *-ру* қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Эски ўзбек тилида қуйидаги аффикслар билан турли сўз туркумларидан равиш ясалган:

-ча/чө аффикси билан ясалган равиш иш-ҳаракатнинг ҳолати, миқдори, даражаси каби маъноларни ифодалайди ёки бирор ҳаракат белгисининг бошқа ҳаракат белгисига ўхшашлигини кўрсатади. Бу аффикс турли сўзларга қўшилиб равиш ясайди:

1. Отга қўшилади: *Алар ҳам тўркчө айтурлар* (Нав.МЛ).

2. Кишилик ва кўрсатиш олмошларига қўшилади: *Дунйāда бар-му екөн менчө йамāн* (ШН). *Ҳеч кимгө сенчө бермөди, аййār, қаш-у көз* (Лутф.).

3. Сифатга қўшилади: *Пāдшāхзāдаларның улугына улугча ва кичигинө кичикчө берди* (Ш.тар.).

-гача/гәчә/қача/кәчө аффикси жўналиш келишигига *-ча/чө* аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган қўшма аффикс бўлиб, от, сифат, олмош, равиш туркумидаги сўзлардан равиш ясайди: *Тўнгәчө урмақ еди көксигө таш* (Нав.МК). *Ушбу ҳафтагача йоқ ерди хабар* (ШН).

-тек/дек аффикси ўхшатиш, қиёслаш каби маъноларни ифодаловчи равиш ясади: *Саккакий көз йашын йаз йамгуры-тек йагдурур* (Сакк.). *Көрмэгән бир сен-дек аҳли розгәр* (Нав.МК).

-ла/лә аффикси пайт маъносидаги отларга, асосан, *таң, тун* сўзларига кўшилиб пайт равиши ясади: *Тўнлә-оқ йетти ошул қорганга* (ШН). *Емди таңла бу сөз Абид ханга йетәр* (Ш.турк.).

-ана аффикси отга кўшилиб, ўхшатиш, қиёслаш маъносидаги равиш ясади. Ўзбек тилига бу форма эрон тилларидан ўзлаштирилган: *Сени мен өлтүрүр-мен, теб айтты туркәна* (Сакк.). *Хейли мардәна йигит еди* (БН).

-ан аффикси эски ўзбек тилида кам истемолда бўлган: *Улуглығы тахминан он қары болгай* (БН).

Синтактик усул билан равиш ясаши бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарқ йўқ. Қўшма равишлар куйидаги сўзлар иштирокида ҳосил бўлади:

1. **Бир** сўзига пайт, макон ва шунга ўхшаш маъноларни билдирувчи сўзларни кўшиш билан: *Бир лаҳза сенсиз сабр йоқ* (Лутф.). *Мени бир йердә муқим еткүсидүр* (ШН).

2. **Ҳар** белгилан олмошига пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: *Ҳар кун саләмга барур ердим* (Таф.). *Ҳар йердә барсаңыз қуллугда болур-сиз* (БН).

3. **Ул, бу, ошал** каби олмошларга пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: *Көңлүм ул йән тартадур* (Лутф.). *Бу қыш қар бисийәр улуг түшүб ерди* (БН).

4. **Ҳеч, қай** олмошларига пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: *Ҳеч заманда ҳеч ким ешиткән ва көргән йоқтур* (Ш.тар.).

Эски ўзбек тилидаги равишларни ҳам маъно жиҳатдан куйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. **Ҳолат равишлари:** *аҳиста, равән, асән, ағәҳ, түркчә, айшықәна.*

2. **Пайт равишлари:** *тўнлә, ҳаргиз, нәгәҳ, ҳамиша, дамдам, дамбадам, ҳар дам, ҳар лаҳза, аввал, ҳәлә.*

3. **Ўрин равишлари:** *ҳар сары, бу йер, бунда, анда.*

4. **Даража-миқдор равишлари:** *аз, көп, бүргүтчә, менчә, улугча, гәйат, багәйат.*

5. Чегаралов равишлари: *ҳафтагача, көккәчә, Ғазныгача, ахшаймгача, хусусан, батахсис.*

6. Ҷишатиш равишлари: *ләладек, бурунғыдек, ынангудек, йегүтек, паритек.*

Жуфт равишлар. Эски ўзбек тилидаги жуфт равишларнинг кўпчилиги қисми от туркумидаги сўзларнинг равишга кўчишидан ҳосил бўлган: *Йана тун-кун бардылар* (Таф.). *Қазар ерди арығны кеча-кундуз* (Нав.ФШ).

Савол ва топшириқлар:

1. Эроний тиллардан ўзлашган равишларга мисол ёзинг.
2. Араб тилидан ўзлашган равишларга мисол ёзинг.
3. Равиш ясовчи қўшимчаларни сананг.
4. Равишнинг маъно турларини санаб беринг ва манбалардан мисоллар келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Равиш – ҳаракатнинг (ҳолатнинг) белгисини ифодаловчи сўз туркуми.

Ясама равишлар – бошқа сўз туркумларидан турли воситалар ёрдамида равиш ясалишидир.

Равишнинг маъно турлари – равишнинг ҳолат, пайт, ўрин, даража-микдор, чегаралов, ўхшатиш маъноларини ифодалашидир.

Ёрдамчи сўз туркумлари

Режа:

1. Эски ўзбек тилида кўмакчилар.
2. Богловчилар.
3. Юкламалар.

Кўмакчилар. Эски ўзбек тилида қўлланишда бўлган кўмакчилар худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, икки гуруҳга бўлинади: а) *соф кўмакчилар*; б) *функционал кўмакчилар*.

Соф кўмакчилар. Эски ўзбек тилида куйидаги соф кўмакчилар истеъмолда бўлган:

Ҳўн. Бу кўмакчи бош келишиқдаги сўзлар билан қўлланган. Қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) аталганликни билдиради: *Бу ҳикāйат ел Ҳўндўр бары*//*Бу ривайат ел Ҳўндўр бары* (ШН);

б) сабабни билдиради: *Ҳиндустандын өзгә йердә болмас Ҳўн муны тақрыб билә зикр қылдым* (БН);

в) мақсадни билдиради: *Илм таҳсили Ҳўн шаҳрга келибтўр* (Нав.МН).

Бирлә(бирлән//билә//билән). Бу кўмакчи дастлаб *бирлә* формасида қўлланган бўлиб, қолган формалари кейинчалик вужудга келган. Қуйидаги маъноларни билдиради:

а) биргалик маъносини: *Беш йўз ер бирлә атланур болды* (Рабғ.).

б) восита маъносини: *Бутларына найзаның учи бирлән санчдылар* (Ш.тар.)

в) ҳолат, сабаб маъносини: *Йетмиш йыл болды неъмат бирлә умр кечўрдўм* (Рабғ.).

г) пайт маъносини: *Бир манзилгә тунлә бирлә йеттиләр* (Таф.).

Кибн/кәби. Бу кўмакчи ўхшатиш, қиёслаш маъноларини ифодалайди: *Қылай Мажнун кибн кәңлўмни хāли* (Нав.ФШ). *Өзгә хāнлар кибн мажлис қўрмас* (ШН).

Бикин. Бу кўмакчи XIV-XV асрларга оид ёдгорликларда учрайди. Юқоридаги кўмакчи каби ўхшатиш, қиёслаш маъноларини ифодалайди: *Төкўлгәй āхири андын қан йер ўзрә сув бикин қāным* (Лутф.).

Йаңлыг .(йаңлық). Бу кўмакчи ҳам ўхшатиш, қиёслаш маъноларин ифодалайди: *Ҳунча йаңлыг чāк болмаган гирибāн қалмады* (Сакк.).

Ўзрә (ўзә). Асосан шеърий асарларда қўлланган. Иш-ҳаракатнинг бирор нарса-предмет устида, юзасида бўлишини кўрсатади: *Сунбул гул ўзә сайа салыбдур-му йāхуд*//*Ҳар йан ачылыбдур-му йўзўң ўзә кулāла?* (Мунис).

Ичрә кўмакчиси иш-ҳаракатнинг бирор нарса-предмет ичида содир бўлишини кўрсатади: *Чāра будур ки, кәҳисār ичрә*//*Ватан еткәй қарангу гār ичрә* (Нав.СС).

Сары кўмакчисининг ёзма манбаларда акс этиши XIII-XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг

йўналишини кўрсатади: *Аның-дек урди йўз шаҳзāда сары//Ки сарсар савсаны āzāда сары* (Нав.ФШ).

Таба, табару. Бу кўмакчи XV асргача истемолда бўлган, иш-ҳаракатнинг йўналишини билдиради: *Фаластин таба барур болдылар ерсə, йолда ажāйибāтлар кəрдилəр* (Рабғ.).

Теги кўмакчиси XV асргача бўлган ёдгорликларда учрайди, иш-ҳаракатнинг пайт ёки ўринга нисбатан чегарасини билдиради: *Қыйаматқа теги āрāм қылгай* (Хиср.Шир.).

Тегрў (дегрў) кўмакчиси ҳам иш-ҳаракатнинг пайтга ёки ўринга нисбатан чегарасини билдиради: *Уч йылга тегрў таҳсил қылдым* (Фурк.).

Сайы//сайын кўмакчиси иш-ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатади: *Сени кəргəн сайын аллāх дер-мен* (Лутф.).

Функционал кўмакчилар. Функционал кўмакчилар ҳам худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, уч гуруҳга бўлинади: а) *от-кўмакчилар*; б) *равиш-кўмакчилар*; в) *феъл-кўмакчилар*.

Эски ўзбек тилида қуйидаги от-кўмакчилар истемолда бўлган:

Алд: *Тəшни аның алдында қойдылар* (Ш.тар.).

Йан: *Йана Самарқандның қуйы йаныда Баги Шамāl ва Баги Беҳишттур* (БН).

Қат: *Чықыбан беглəр аның қатыдын//Йеттилəр Қара кəлгə илгāр* (ШН).

Қаш: *Чун бу сəз хан қашыда айтылды* (ШН).

Оң: *Фатима тақы текмəлəри оңында бирəр етмəк қойды* (Хиср. Шир.).

Ич: *Шāх Малик ел ичигə келди* (Ш.тар.).

Орта: *Балық анда тирилди, сув ортасына кирди* (Таф.).

Арā: *Йаман кāтиб манзили қаламданы-дек чāх арā болсун* (Нав. МК).

Уст: *Андын соң Кашмир устигə йўрди* (Ш.тар.).

Баш: *Чāх башыда қойды бир кишини* (Нав.СС).

Аст: *Меним қудратым астында қалгай-сиз* (Таф.).

Туб: *Бирəгў ул там тўбиндə кечəрдə ул қавушдын тонына сув тамды* (Рабғ.).

Бāбыда: *Самарқанддын қачыб келгəн киши бāбыда сəзлəр битилиб ерди* (Нав.Мнш).

Шу билан бирга, эски ўзбек тилида *ҳақида, тараф, тегра, тогры, арт, кет, йўз, барасыда, хусусыда, васфыда, жыҳатыдын, хизмат* каби от туркумига оид сўзлар функционал кўмакчи

инифасини бажарган. Айниқса, *хизмат* сўзининг семантикаси ўзига хос бўлган, яъни ўзбек тилидаги *олд* кўмакчиси ифодалаган маънони ифода қилган: *Бу байтны Абдурахман Жамий хизматыда оқубдур* (БН).

Равиш-кўмакчилар асосан чиқиш келишигидаги сўзлар билан қўлланиб, пайт маъносини ифодалайди. Эски ўзбек тилида қуйидаги равиш-кўмакчилар истеъмолда бўлган:

Бурун: Аны көргөч, фығаны жандын бурун чыққай (Нав.МН).

Илгәри/илгәрү: Бу китабны айтқандын он йетти йыл илгәри бизгә йағы болуб ерди (Ш.тар.).

Ашну,оң.Илгәрү,илгәри кўмакчисига синонимдир: *Адамны йаратмазда ашну йер йүзингә халифа йаратур-мен* (Рабғ.). *Фатима атаңга бу күндин оң емгәк тегмәгәй* (Нахж.фар.).

Кейин: Ұч-төрт күндин кейин захм билә-оқ барды (БН).

Соң: Зулайхә Йусуфны зиндәнга салмыштан соң зиндән қапугына барур ерди (Рабғ.).

Соңра: Йана бир нечә қадам баргандын соңра шайх муридга йана айтты (Нав.МК).

Бери: Андын бери бу бәдийаны «Хадарвеш» дерләр (БН).

Нары/нару: Ул вақтда тўркмәндин нары тарафында отурган елләр көп ерди (Ш.тар.).

Отру: Бу маъныдын отру алайхиссаламқа Мустафә ат берилди (Нахж. фар.).

Ташқары: Шәхруҳийадын ташқары Хайдар бег салган багда ханга мулāзамат қылдым (БН).

Шунингдек, эски ўзбек тилида *башқа, өзгә, гайры* равиш кўмакчилари, XIII-XIV асрдаги манбаларда *азын* кўмакчиси ҳам қўлланган.

Айру: Сендин айру не керәк бизгә (ШН).

Феъл-кўмакчилар. Эски ўзбек тилида *-а/ә* аффиксли равишдош формасидаги феъллар қўлланиш ўрнига қараб кўмакчи функциясини ҳам бажарган. Улар қуйидагилар:

Көрә: Ва аның қыйматы жавҳарыга көрә зәҳир болур (Нав.МК).

Йараша: Мәскәнигә йараша тушти нур//Химматыга йараша тапты ҳузур (ШН).

Бақа: Ул дāманадын көчүб, гарбқа бақа йүрүб, сувсыз көлдә тушулди (БН).

Боғловчилар. Эски ўзбек тилида ҳам боғловчилар вазифасига кўра икки гуруҳга бўлинади: а) *тенг боғловчилар*; б) *эргаштирувчи боғловчилар*.

Тенг боғловчилар маъно ва вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади: а) *бириктирув боғловчилари*; б) *зидлов боғловчилари*; в) *айирув боғловчилари*; г) *инкор боғловчилари*.

Қуйидаги бириктирув боғловчилари истемолда бўлган:

-у (-йу,-ву) боғловчиси форс тилига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида кенг қўлланган: *Жаҳанда тапмагай ҳаргиз киши нāму нишāным* (Сакк.). *Тинмәдиләр сув ичиндә туну кун* (ШН).

Ва боғловчиси араб тилига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида кенг қўлланган: *Жожы хāн өлдү ва йурт оглы Сайы хāнга қалды* (Ш.тар.) *Франсузча ва алманча хат ва лисāн билүрни өзләригә лāзим билүрләр* (Фурк.).

Ҳам боғловчиси уюшган бўлақлар ёки қўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб келган: *Мавлāнā Али Шихāб ҳам равāн, ҳам пухта айтур екәндүр* (Нав.МН).

Тақы/дагы боғловчиси қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлиб, эски ўзбек тилида ҳам кенг қўлланган: *Тағны еритур āҳым, асар қылғусы бир кун//Көңлүм нечәким болса темур таиш дагы полад* (Лутф.).

Йәмә,ма XIII-XIV асрларгача бўлган ёдномаларда учрайди: *Бу қисса йәмә түгәл шарҳ қылынмыш турур* (Рабғ.).

Айирув боғловчилари. Қуйидаги айирув боғловчилари қўлланган:

Йā. Уюшган бўлақларнинг ёки қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг бирини иккинчисидан ажратиб кўрсатиш учун қўлланган: *Шакардур ул ағыз йā писта, билмән* (Лутф.).

Йāхуд. Қўлланиши ва маъноси бўйича *йā* боғловчисига ўхшайди: *Сунбул гул үзә сāйа салыбдур-му йāхуд//Ҳар йāн ачылыбдур-му йүзүң үзрә кулāла* (Мунис).

Гāх. Бу боғловчи кўпроқ такрорланиб қўлланади: *Гāх сачын силәр еди, гāх йүзин//Гāх қашын силар еди, гāх көзин* (ШН).

Зидлов боғловчилари. Улар қуйидагича бўлган:

Аммā//амй: *Хоб айтыб еди, аммā мен рāзы болмадым* (БН).

Лекин: Атланыб йол сары м̄йил болды//**Лекин** ул шахр черикидин толды (ШН).

Лек: Й̄ардын өзгә ҳарна деб м̄ни//**Ешитиб**, лек аңламай аны (Нав.СС).

Валекин: Сениң ишқыңда Х̄аразмий йоқалды//**Валекин** йер йүзиндә аты қалды (МН).

Валек: Қазар-мен уйлаки Фарх̄ад дард-у гам т̄ағын//**Валек** тырнағым олды қазарда тешә маңа (Мунис).

Вале: Барча тапылур бизгә, вале й̄ар тапылмас (Лутф.).

Эски ўзбек тилида ҳам **не** инкор юкламаси қўлланган: **Не** кейин йаныб, **не** илгәри йүрүб, сөзни бир йергә қойалмай келүрләр (БН).

Эргаштирувчи боғловчилар. Эски ўзбек тилида қуйидаги эргаштирувчи боғловчилар қўлланган:

-ким: Ул тағларда расмдурким, ташларда абй̄ат битиб қазурлар (БН). Х̄ан ҳукм қылдыким, ҳеч ким мендин қалмасун теб (Ш.тар.).

-ки: Андақ хатун **не** йердин тапылурки, келиб анаңның орнын тутқай (Ш.тар.).

Агар: Агар киши п̄диш̄ах йасағлықдур//**Иши** илгәри баруры ин̄йатқа бағлықдур (Нав.МК).

Агарчи: Фақыр аны **агарчи** көрмәй-мен, амма Мавл̄ан̄а Муҳаммад Бадахш̄ан̄ийдын ешитмиш-мен (Нав.МН).

Агарчанд, гарчанд: Қайу шахридаким болса хунарманд//**Ҳама** келди, йырақ ерди **гарчанд** (Фурк.).

Ҳарчанд: **Ҳарчанд** саъй қылдыким, Астр̄абадны инисигә бермәккә риз̄а болмады (БН).

Чун,чу: Умид улким, **чун** дарвиш киши ерди, баъзи мустажаб болмыш болгай (Нав.МН).

Чунким, чунки: Васли ҳажрын қыссасын бир кун саңа шарҳ өйләгәй//**Чунки** в̄ақыфдур мениң йахшы-йаманымдын көңүл (Атой).

Т̄а: Йахшыларыны тутуб өлтүрсүн, **т̄а** йаманлары ҳукмга бойун қойгай теди (Ш.тар.).

Т̄аки: Болдылар душман аның х̄аныга//**Т̄аки** киргәйләр аның қ̄аныга (ШН).

Теб/деб: Ул оглан агач ичиндә тугды **теб**, атын қыпчақ қойдылар (Ш.тар.).

Юкламалар. Эски ўзбек тилида қуйидаги юкламалар қўлланишда бўлган:

-му: *Шайх жанāбы муридга айттыким, сенда ҳеч маълум бар-му?* (Нав.МК).

-оқ: *Саҳар-оқ қалъа узә миндиләр* (ШН).

-ла: *Тойны ташлаб келәдур-ла оғлуң//Ғамны ташлаб келәдур-ла оғлуң* (ШН).

-гына/-гинә: *Бугына масалны йахшыгына баглаган учун умид улким,..*(Нав.МН).

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳозирги ўзбек тили ва эски ўзбек тилидаги кўмакчиларни қиёслаб чиқинг, улардаги фонетик ўзгаришларни изоҳланг.
2. Боғловчиларни санаб кўрсатинг, уларнинг қўлланиш хусусиятларига эътибор беринг.
3. Юкламаларнинг маъно ва вазифаларини изоҳлаб беринг.

Таянч тушунчалар:

Кўмакчилар – от ёки отлашган сўзнинг феълга тобелигини таъминлайдиган сўз туркуми.

Соф кўмакчилар – айнан кўмакчилардир.

Функционал кўмакчилар – аслида бошқа сўз туркумига оид бўлиб, функционал жиҳатдан кўмакчиларга транспозициялашган сўзлардир.

Боғловчилар – гап ва гап бўлақларини боғлашда қатнашадиган ёрдамчи сўз туркумидир.

Юкламалар – аташ вазифасини бажармайдиган, лекин воқеликни (модал) ифода қиладиган ёрдамчи сўз туркумидир.

Модал, ундов ва тақлидий сўзлар

Режа:

1. Эски ўзбек тилида модал сўзларнинг қўлланилиши.
2. Ундовлар.

3. Тақлидий сўзлар.

Маълумки, модал сўзлар сўзловчининг айтилаётган фикрга турли кўшимча муносабатини ифодалайди. Эски ўзбек тилида куйидаги модал сўзлар қўлланган:

Магар: *Магар ел аны майпараст еткәй//Рāзыны аңлагай чу маст еткәй* (Нав.СС).

Кāшки: *Йергә кирсәм кāшки, чун йетмәс ул айга елик* (Лутф.).

Шāйад: *Шāйад уйқу көзимгә майл еткәй//Андын āсāйышы маңа йеткәй* (Нав.СС).

Балки (балким): *Дерләрким, шеърга андақ машъуфдурким, күндә он газал, балки артуқ айтур ермиш* (Нав.МН).

Мабāдā: *Ки анда Авлийā хāжа мабāдā, отырган болса, қылма ашкārā* (Фурк.).

Башарти: *Ҳеч бир сормасму-ды, нāкām даврāнлар өтәр//Куллары ичрә башарти еътыбарым бар ерди* (Муқ.).

Бāвужуди: *Бāвужуди, бу жāmал истәр вафāсындаң көңүл* (Атоий).

Шунингдек, мавжуд, лозимлик, номавжудлик ва шу каби маъноларни билдирувчи *бар, йоқ, лāзым, керәк, даркār, демәк* ва бошқа модал сўзлар ҳам фаол қўлланган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ундовлар жуда камчиликни ташкил этади. Бу ундовларнинг бир гуруҳи сўзловчининг тингловчига мурожаати, хитоб қилиш, фикрни жалб этиш каби маъноларни ифодалайди. Улар куйидагилар:

Ей (е): *Кел, ей сāқийки, түшмүш жāныма жош* (Нав.ФШ).

Ей бāбā, *бу олтурган тахтың улуг атам Дуйлы Қайының турур* (Ш.тар.). **Ей йār,** *таъзийатым қылгылким...* (Сайфи Саройи).

Йā ундови XIII-XIV асрларга оид ёдгорликларда кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврлар учун хос эмас. Мисоллар: **Йā** *Абулҳасан, бāбāmны дафн қылдыңыз-му?*(Таф.). **Йā** *Абāбакр, ҳеч қорқмагыл* (Наҳж.фар.).

Ҳāй: *Көзүң караима билә, ҳāй йазуқлы Саккāкий//Сени мен өлтүрүр-мен, теб айытты туркāна* (Сакк.). **Йан** *көңлиңгә айтурким қайыт, ҳāй* (Хиср.Шир.).

Айй: Айй хуришид-тек алам чырагы//Мунаввар чехраңыз фирдавс багы (МН). Дерки Ҳакимжāн айй ақсақал//Бизни тапыб-сен магарамким осал (Мук.).

Фикр қаратилган сўзга *-ā* унлиси кўшилиши билан мурожаат қилиш, хитоб қилиш каби маънолар ифодаланади. Бу ҳол шеърӣй асарлар тили учун хос бўлган: *Дилбарā, сенсиз тириклик бир балāйи жāндур* (Нав. МН). *Сāқийā, беҳуд болуб, бир бир журъа төкмә жāндын* (Лутф.).

Куйидаги ундовлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, таажжубланиши, афсусланиши каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади:

Аҳ: Аҳ, емди қалмады āҳ ургалы ҳам қувватым (Атоий). Муны көрди тақы тамуг оты көңлиңгә түшти тақы āҳ теди (Нахж.фар.).

Ваҳ: Ваҳ, қачан йеткәй-мен ул дилбанда мен?! (Лутф.). Ваҳ, не сөздүр буки, зāҳир қылдым?! (ШН).

Вāй, ей вāй: Ей вāй, қачан шāми фирāқың таңы атқай?! (Атоий). Вāйким, аҳбāблар, барғанымыз беҳудадур! (Фурк.).

Йā рабб: Йā рабб, бу Лутфий қул не йазуқ қылмыш ердиким...(Лутф.). Йā рабб, бу рисāлаким, битиб-мен//Таълифида жидду жаҳд етиб-мен! (Мунис).

Ўзбек тили ёзма ёдгорликларида кам бўлса-да, таклидий сўзлар ҳам қўлланган, лекин айрим адиблар ижодида товушга тақлид қилинган сўзлар учрайди. Масалан: *Белу агзыңдын нижāн биз сары мā десәләр//Әйләрәм инкār ықрār етмәсәм дāрын көрүң* (Гулх.).

Айниқса, Мунис ижодида тақлидий сўзлар бадий эга бўлди ва қофия яратишда ҳам фойдаланилди: *Фирāқың шиддәтидин көзләримдин қан ақар тим-тим//Көрүб аны рақыбы кинәвәр ҳар дам күләр қаҳ-қаҳ. Чекәр завқы сихи қаддың билә қумры фигāн кү-кү//Тузар шавқы гүли ройуң билә булбул навā чаҳ-чаҳ.*

Савол ва топшириқлар:

1. Модал сўзларнинг юкламалардан фарқи нимада?
2. Ундовларга манбалардан мисоллар келтиринг.

3. Манбалардан тақлидий сўзлар ва улардан ясалган янги сўзлар топиб, дафтарингизга ёзиб олинг.

Таянч тушунчалар:

Модал сўзлар – сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳамда фикрни тасдиқлаш, инкор этишни ифодалайдиган ёрдамчи сўзлар.

Ундов сўзлар – ҳис-туйғуни, ҳайдаш-чақирини ифодаловчи сўзлар.

Тақлидий сўзлар – ҳаракат-ҳолатга, овоз-шовқинга тақлидни ифодаловчи сўзлар.

Синтаксис

Режа:

1. *Тарихий синтаксис ҳақида маълумот.*
2. *Сўз бирикмаси.*
3. *Гап бўлаклари.*

Қадимги туркий тил ва сўнги даврлар тилининг синтактик тузилиши билан ҳозирги замон тили синтактик тузилишини қиёслар эканмиз, ўзбек тили синтаксисиди ҳам жиддий ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин. Шуниси характерлики, синтаксисдаги ўзгаришлар кўпинча морфология ва лексикада бўлган ўзгаришлар туфайли рўй берган. Масалан, восита келишигининг истеъмолдан чиқиши сўзларнинг бошқарув муносабатини ўзгартиради ва ҳол доирасини кенгайтиради. Синтаксис тараққиётидаги иккинчи омил- бошқа тилларнинг таъсиридир. Тарихда ўзбек тилига, айниқса, форс-тожик тилининг таъсири сезиларли бўлган. Бу тилнинг таъсири билан янги сўз бирикмалари, эргаш гаплар вужудга келди.

Сўз бирикмаси. Маълумки, сўз бирикмалари иккига бўлинади: тобе бирикмалар, тенг бирикмалар. Тенг бирикмаларда сўзлар ўзаро тенг муносабатга киришса, тобе бирикмаларда сўзлар ўзаро тобе-ҳоким муносабати орқали боғланади.

Тобе бирикма таркибидаги бош ва эргаш сўзлар қандай воситалар билан боғланишига қараб, уч турга бўлинади: бошқарув, мослашув, битишув.

Бошқарув муносабатида эргаш сўз бош сўзнинг талаби билан бирор грамматик формада шаклланади. Бошқарувнинг икки тури мавжуд: келишикли бошқарув ва кўмакчили бошқарув. Келишикли бошқарувда бош сўз ва эргаш сўз ўзаро тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги ёрдамида боғланади. Кўмакчили бошқарувда бош сўз билан эргаш сўз кўмакчилар ёрдамида муносабатга киришади: *Вэхм билэ уйганыб, кăҳинлăрни тилăб, бу тўшниң тăббирини тилăди* (Нав.НМ). *Вə бир аз фурсатдын соңра мəлики Рăйăн ҳам āламдын чықты* (Нав.НМ).

Мослашувли бирикмада бош сўз билан эргаш сўз ўзаро қаратқич-қаралмишда мослашади: *...ул навăҳиниң черики билэ..*(БН). *Мениң ганымым қорганда еди* (БН).

Битишув муносабатига киришган сўзлар фақат оҳанг ёрдами билан боғланади. Бундай муносабат сифат билан от, сон билан от, олмош билан от ўртасида бўлади: *Бу тўшжни тешиб, ул сувени ичəдўрлэр* (БН). *Оттыз-қырқ бəрг шахының ўчидə бир йердин-оқ ирикрəк панжа урадур* (БН).

Изофа. Изофа икки отнинг аниқловчилик муносабатига киришувидир. Изофа араб ва форс тилларига хос бўлиб, туркий тиллардаги мослашувли бирикмага эквивалент бўла олади. Ўзбек тили лексикасининг катта қисмини араб ва форс сўзлари ташкил этгани учун бу тиллардан изофий бирикмалар ҳам жуда кўплаб ўзлашган. Мисоллар: *Хăки пăй, аби хайвăн* (Лутф.), *гунчайи хандăн, булбули бостăн* (МН), *шайхул услăм, Вə ҳазрат Шайхның «Маҳзанул асрăр»ига жавăб айтыбтур* (Нав.МН). Араб ва форс тилларидаги аниқловчи-аниқланмишнинг жойлашуви билан ўзбек тилидаги аниқловчи-аниқланмишнинг ўринлашуви ўртасида жиддий фарқ мавжуд. Араб ва форс тилларида аввал аниқланмиш кейин аниқловчи келса, ўзбек тилида аввал аниқловчи сўнг аниқланмиш келади.

Гап бўлаклари. Маълумки, гап бўлаклари гапни ташкил қилувчи сўз шакллари, бирикмалари ва бошқа синтактик бирликларнинг таркибий ва маъно хусусиятларига кўра фарқланади. Бунда таркибий хусусият тушунчаси гап бўлақларининг ифодаланиши, уларнинг гапдаги бошқа синтактик ҳодисалар билан боғланиши ва синтактик мавқе

тушунчаларини ўзида бирлаштиради, улар маълум бир маънони ташишга хизмат қилади.

Бош бўлақлар. Маълумки, эга фикр объектини, нутқ предметини кўрсатувчи бош бўлақдир. Анъанавий тилшуносликда гапнинг ҳоким бўлаги эга деб эътироф этилади. «Эга икки составли гапнинг бош бўлақларидан биридир: у ҳоким составнинг грамматик маркази, шу составдаги бўлақларга, шунингдек, тобе составдаги бош бўлақка – кесимга ҳам ҳокимдир. Эга абсолют ҳоким ҳолатдаги бўлақдир. У гапдаги фикр, ҳукм ўзига қаратилган предметнинг – нутқ предметининг номидир. Эга ҳаракатни бажарувчи ё қабул қилувчи шахсдир ёки кесим ифодалаган ҳолат, ё белги қарашли предмет» (Ғуломова А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987, 77).

Кейинги йилларда гапнинг шаклий томони билан бир қаторда, унинг мазмуний томонини ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда, яъни тилшуносликда мазмуний синтаксис деган янги йўналиш юзага келди. Бу борада А.Бердиалиев, Р.Сайфуллаева, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева, М.Абузалова ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу тадқиқотларда гапнинг бош бўлақлари хусусида ҳам янгича қарашлар пайдо бўлди. Бу, айниқса, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, М.Абузаловаларнинг ишларида ўз ифодасини топди. Бу қараш бўйича ўзида предикативликни акс эттирадиган, гапни уюштирувчи ва шакллантирувчи бўлақ кесимдир. Кесим гапнинг марказий бўлаги бўлганлигидан бутун тавсифи – грамматик категориялари: тасдиқ-инкорлик, шахс, замон, коммуникатив мақсад ва ҳоказолар кесимга қараб белгиланади. Кесим гап қурилишида уюштирувчилик ролини ўйнайди. Тўғри, кесим ҳақидаги бундай фикр-мулоҳазалар анъанавий тилшуносликда ҳам бор. Жумладан, А.Ғуломов шундай ёзади: «Кесим эга билан ўзаро боғланган бўлиб, гапнинг уюштирувчи марказларидан биридир: у ҳукмни ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини (модаллик, замон ва шахсни) – предикативликни кўрсатувчи энг муҳим бўлақ бўлганлигидан гапнинг мазмунини, структурасини, характерини белгилашда катта роль ўйнайди, эга нутқ предметини-темани (гапнинг нима тўғрисида боришинигина) билдиради, шу ҳақда нима дейилишини, хабарни, характеристикани кесим билдиради» (Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Т., 1987, 84).

Шунингдек, бу асарда кесимнинг гапдаги энг зарурий бўлак эканлигини эътироф этилади, гапнинг шаклланишида кесим муҳим роль ўйнаши таъкидланади: «Гапни майдонга келтириш, фикрни ифодалаш жиҳатидан кесимнинг гапдаги аҳамияти жуда каттадир: у коммуникацияда (алоқа – аралашув, хабар беришда) асосий вазифани бажаради. Гапда кесимнинг айрим бўлак сифатида ифодаланмай қолиши кучли сезилиб туради. Демак, гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир. Предикатив алоқанинг кўрсаткичлари, одатда, кесимда бўлади» (Фуломов А., Асқарова М., юқоридаги асар, 1987, 84).

Маълумки, гапнинг характерли белгиларидан бири предикативликдир. Демак, кесим предикатив алоқанинг муҳим кўрсаткичи, гап тушунчаси билан жуда зич боғланган экан, у гапда ҳоким бўлак ҳисобланиши керак.

Эга қуйидаги маъно хусусиятларини билдиради:

1. Ҳаракат, ҳолат ва белгини билдиради: *Ҳамул беш-он кўндә абтар девъананы бозаҳанада йана бир өзидек абтар бойныны чапыб өлдүрди* (Нав.ХМ).

2. Иш-ҳаракат объектини билдиради: *Вазирга бу хабар йетишти* (Нав.ТМА).

3. Иш-ҳаракатнинг ўрнини билдиради: *Ва ул ҳазратның мубарак мурқади Жам вилайатыда Жаржуд қасабасыдадур* (Нав.МН).

4. Иш-ҳаракат ёки белгининг пайтини билдиради: *Ва Йалашның замъни беш йылдын жузвий өксүждүр* (Нав.ТМА).

Таркибига кўра эга *содда* ва *мураккаб* турларга бўлинади. Содда эга бир сўз шакли билан ифодаланади: *Саҳъват инсәнийат багының бәрвар шажаридур* (Нав.МК). *Мири мажлисдагы аҳли мажлисқа муттафық болды* (Нав.МН).

Мураккаб эга бир тушунчани ифодаловчи тургунлашган сўзлар бирикмасидан иборат бўлади: *Бу шеърга ҳазрат Маҳдуми Нуран жавъб айтыбтурлар* (Нав.МН).

Кесим гап таркибида муҳим ўрин тутадиган бош бўлакдир, шунинг учун ҳам у содда гапларда муқим позиция тутади. Кесим тузилиши ва ифодаланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Содда кесим бир сўз шакли билан ифодаланади. Содда кесимлар қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб *содда феъл кесим* ва *содда от кесим*ларга бўлинади. Содда феъл кесимлар феъл, унинг сифатдош ва равишдош шакллари билан

ифодаланади: *Ва салтанатының заманын ҳам мухталиф битибтүрләр* (Нав.ТМА). *Достлар достлар вафасын асрагайлар*(Нав.НМ).

Содда от кесимлар феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланади: *Йалган айтқучы гафлатдадур* (Нав.МК). *Ул ҳам Андыжандындур* (Нав.МН).

Мураккаб кесимлар бир неча сўзлардан иборат бўлади. Улар ҳам содда кесимлар каби мураккаб феъл кесим ва мураккаб от кесимларга бўлинади.

Мураккаб феъл кесим адабиётларда *составли кесим* деб ҳам юритилади. Мураккаб феъл кесимлар асосан кўмакчи феълли сўз қўшилмасидан иборат бўлади: *Ул дагы башқара алмады* (Нав.ТМА). Бундан ташқари, мустақил феъл+тўлиқсиз феъл қўшилмасидан ҳам мураккаб феъл кесимлар ҳосил қилинган: *Секиз мың шāх ва шāхзāда хыдматын қылулур ерди* (Нав.ТМА).

Мураккаб от кесимлар от+феъл ва от+боғлама қўшилмаларидан иборат бўлади: *Ва Шāмда аларга кеп муридлар пайда болдылар* (Нав.НМ). *Жамиъ дарवेशләр хāзыр ердиләр* (Нав.НМ).

Эски ўзбек тилида ҳам худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, от кесимлар таркибида *-тур, -мен, -сиз, -биз* каби қўшимча-боғламалар, *ерди, ермиш, бол, барур* ва форс-тожик тилидаги *ҳаст* боғламасидан нусха кўчириш асосида вужудга келган *бар* сўз боғламалари кенг қўлланган.

Тўлдирувчи. Тўлдирувчи гапнинг узвий бўлақларидан бўлган иккинчи даражали бўлақдир. Тўлдирувчи учун асосан от ва олмош туркуми ифода ашёси бўлиб хизмат қилади. У *воситасиз* ва *воситали* каби икки турга бўлинади.

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўз билан ифодаланади. Улар куйидаги сўз туркумлари билан ифода қилинган:

1. От билан ифодаланган: *Бу зāлимлар мўлкни барбād бергўчидўрләр* (Нав.МК).

2. Отлашган сифат билан: *Ақыл бу тарықны шиār қылмас ва йахшы-йаманны ҳақ йаратқандын артуқ-өксўк билмәс* (Нав.МК).

3. Олмош билан: *Жамики аны көрдиләр* (Нав.МК).

4. Феълнинг амалий шакллари билан: *Ишләри талай алганны таламақ* (Нав.МК).

Воситали тўлдирувчилар ҳаракат ўзига бевосита ўтган предметни эмас, балки ҳаракатга бошқа бирор йўл билан боғланган предметни кўрсатади ва улар келишикли ва кўмакчили сўз шакллари билан ифодаланади. Воситали тўлдирувчилар қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: *Рустамга жаҳан палванлыг лақабы бериб, сипаҳсалар қылды* (Нав.ТМА).

2. Олмош билан: *Аларда бу ҳасад даим бар ерди* (Нав.ТМА).

3. Отлашган сифат билан: *Туркий ва фарсийда таъби йахиы тасарруф қылур* (Нав.МН).

4. Сон билан: *Агарчи бу маъни иккәләсигә қабиҳдур, амма ерәнләргә көпрәк мужиби тафзиҳдур* (Нав.МК).

Кўмакчили сўз шакллари билан ифодаланган тўлдирувчилар ҳам эски ўзбек тилида кенг қўлланган: *Көпрәк авқат Жайхун қырагында болуб, атрәк билә урушуб йүрүр ерди* (Нав.ТМА).

Аниқловчи. Аниқловчилар ҳам маъно хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: *сифатловчи аниқловчи* ва *қаратқич аниқловчи*.

Сифатловчи аниқловчилар бирор бўлакнинг белгисини билдириб, қуйидагича ифодаланади:

1. Сифат билан: *Бу сўлүк билә крлий мақсадга йетибтурлар* (Нав.МК).

2. Олмош билан: *Ақыл бу тарықны шиар қылмас* (Нав.МК).

3. От билан: *Ва ул Маний мусаввирни ва атбәын ҳужжат билә такфир қылыб, жазаларыга йеткүрди* (Нав.ТМА).

4. Сифатдош билан: *Ва ул төрт ай мүлк сурды ва барур мүлкни өзгәләргә тапшурды* (Нав.ТМА).

5. Сон билан: *Пәдшях ансыз бир айаг ичмәс ерди* (Нав.ТМА).

6. Равиш билан: *Парвиз Мадәйин тахтыга олтуруб, көп мәмәликни ҳийта тасарруфыга кийүрди* (Нав.ТМА).

Қаратқич аниқловчилар қуйидагича ифодаланган:

1. От билан: *Паҳлавән Кәтиб ҳам ул ҳазратның ашбәру мусаннафатын китәбат қылур* (Нав.МН).

2. Олмош билан: *Ва аның васийатнамаларыны муталаа қылыб, ул дастур билә амал қылурага мүртәкиб болды* (Нав.ТМА).

3. Харакат номи билан: *Йана ишқ атварыдаким, ашқ ва йысламақ муқабаласыда аҳу ысығ дам умдадур* (Нав.МЛ).

4. Сифатдош билан: *Ва алар мазкўр болганларның көнин туркча айтурлар* (Нав.МЛ).

Эски ўзбек тилида ҳам қаратқич аниқловчилар белгисиз қўлланган. Белгисиз қаратқич, асосан, от ва олмошлар билан ифодаланган: *Ва ел файзы учун вазн силкиғә назм бермәк* (Нав.МК). *Муаммā фаныда ҳам рисāла битибдўр* (Нав.МН).

Ҳол. Ҳол ҳам гапнинг таркибий ва узвий бўлақларидан бўлган иккинчи даражали бўлақдир. Ҳозирги ўзбек тили синтаксисига оид ишларда ҳолнинг маъно турларини белгилашда турлича таснифлар мавжуд. Ф.Убаева ўрин, сабаб, пайт, мақсад, натижа, миқдор, тартиб, биргалик-ёлғизлик, равиш, ўхшатиш, шарт, тўсиқсизлик, инкор ҳолларини фарқлайди (Убаева Ф. Ҳол категорияси.Т., 1971, 19). Бу таснифдаги натижа ҳоли сабаб ҳолининг бир маъно гуруҳи, тартиб ва биргалик, ўхшатиш ҳоллари эса равиш ҳолининг бир маъно гуруҳи эканлигини ҳисобга олинса, анъанавий ҳолнинг маъно таснифи ўзининг илмий қимматини йўқотмаганлигини сезиш қийин эмас.

Эски ўзбек тилида ҳам ҳолнинг қуйидаги маъно турлари қўлланган:

Ўрин ҳоли. Ўрин ҳоли ҳозирги ўзбек тилидагидек, келишикли ва кўмакчили шакллар билан ифода қилинган: *Қубād Румға черик тартыб, музаффар ва мансур йанды* (Нав.ТМА). *Ул Табаристāн сары тартыб урушмады* (Нав.ТМА).

Пайт ҳоли. Пайт ҳоллари асосан пайт равишлари билан ифодаланган: *Емди сөзниң аслыга шуруь қылалы* (Нав.МК). *Ва ҳамеша фақыр мусāхыб ерди* (Нав.МН).

Равиш ҳоли. Бу бўлақда аксарият ўринларда ҳолат равишлари келади: *Гайыбāна шатранжны хуб ойнар* (Нав.МН). *Ва қасиданы пухта айтур* (Нав.МН).

Худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, сифат билан ҳам ифодаланади: *Қāфийасыны йахшы айтмайдур ерди* (Нав.МН).

Сабаб ҳоли. Сабаб ҳоли учун махсуслашган сўз туркуми йўқ. Бундай ҳоллар иш-ҳаракатнинг, кенгрок маънода белгининг мавқеига нисбатан бошқа сўз шаклларининг тутган мавқеидан, яъни предикатга нисбатан сабаб муносабатини билдирган сўз шакли ва ибораларнинг мавқеидан белгиланади. Сабаб ҳоли ҳам келишикли ва кўмакчили

шакллар билан ифода қилинади: Алар *вахмдын ул тифлни бир қыйматий нимэгә чирмәб, ул чәх башыда қойуб қачтылар* (Нав.ТМА). Ул *халайық таажжуб йүзидин андын ул ҳал кәйфийәтин сорубтурлар* (Нав.НМ).

Мақсад ҳоли. Мақсад ҳолларининг ҳам келишикли ва кўмакчили шакллари мавжуд: *Шикәйтга бу фақыр қашыга келдиләр* (Нав.МН). *Илм таҳсили учун шахрга келибтүр* (Нав.МН).

Даража-миқдор ҳоли. Маълумки, бундай ҳол вазифасида даража-миқдор равишлари келади, лекин сифат ва бошқа сўз туркумлари ҳам даража-миқдор ҳоли вазифасида келган: *Таъби асру хуб вәқеъ болубтур* (Нав.МН). *Ғазал кәпрәк айтур* (Нав.МН).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, гап бўлақларининг таркибий ва маъно хусусиятларида ҳозирги ўзбек адабий тилига ўхшаш ва яқин турадиган ўринлар анчагина. Бу, ўз навбатида, ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси эски ўзбек тили синтаксисининг бевосита давоми эканлигини кўрсатиб туради.

Савол ва топшириқлар:

1. Тенг ва тобе бирикмаларга Алишер Навоий асарларидан 10 та мисол ёзинг.
2. Гап бўлақларининг ҳар бирига учтадан мисол ёзинг.
3. Эски ўзбек тили синтаксиси билан ҳозирги ўзбек тили синтаксиси ўртасида қандай фарқли томонлар мавжуд?

Таянч тушунчалар:

Синтаксис – гап, гап бўлақлари, сўз бирикмалари ҳақидаги билимларни акс эттирувчи грамматиканинг бир бўлими.

Гап – предикативлик ва интонацион жиҳатдан шаклланган нутқ ва тил бирлиги.

Сўз бирикмаси – камида иккита мустақил сўзнинг грамматик алоқаси орқали мураккаб мазмунни ифодаловчи синтактик ҳодиса.

Бош бўлақлар – эга ва кесимдан ташкил топади ва фикр асосини англатади.

Иккинчи даражали бўлақлар- аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолдан иборат бўлиб, содда йиғин гапларни ёпиқ гапга айлантиради ва унинг таркибини мураккаблаштиради. Фикрнинг нисбатан тўлиқлигини таъминлайди.

Бир бош бўлақли гаплар

Режа:

1. *Бир бош бўлақли гаплар бўйича назарий маълумот.*
2. *Эски ўзбек тилида бир бош бўлақли гапларнинг қўлланиши.*

Бир бош бўлақли гаплар икки бош бўлақли гаплардан кўра нутқий тежамли синтактик тузилмадир. Бундай гаплар бирон ҳодиса ёки ўта аҳамиятли бўлган ахборот (ҳаракат, ҳолат, белги, предмет ва ҳодисалар)ни актуаллаштиради. Бу эса икки бош бўлақли гаплар сингари таркибий ва маъно хусусиятларни ифода қилишда тилда тенг хизмат қила олишини кўрсатади.

Туркий тилларда ҳам бир бош бўлақли гаплар тил тараққиётининг барча даврларига хос бўлган синтактик ҳодисадир.

Бир бош бўлақли гаплар туркий тилшуносликда анча мукамал тадқиқ қилинган, лекин уларнинг ички таснифида ҳар хилликлар учрайди. В.Н.Хангельдин бир бош бўлақли гапларни эгали гап, эгасиз гап, инфинитив гап, предикативли гап, атов гап, сўз–гап каби турларга ажратса (Хангельдин В.Н., 1959), М.З.Закиев бир бош бўлақли гаплар бош бўлагининг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб феълли, отли ва сўз – гапларга ажратади (Закиев М.З., 1963, 39-52). И.Жакипов эса эгасиз гап, эгасиз шахсли гап, шахси ноаниқ эгасиз гап, шахси умумлашган эгасиз гап каби турларга ажратади (Жакипов И, 1959, 246), лекин қозоқ тилшунослари бир бош бўлақли гаплар сирасида шахси аниқ гапни санаб ўтмайдилар ва *шахси ноаниқ гап* ҳамда *шахсиз гапларни*гина қайд қиладилар, шунингдек, *атов гап*, *ундов гап* типларини бир бош бўлақли гап сифатида қарамайдилар (Қаранг: Қозоқ тилининг грамматикаси, 1967, 126).

Ўзбек тилшунослигида ҳам Ғ.Абдурахмонов, А.Ғуломов, Асқарова М., А.Сафоев, А.Х.Сулаймонов, С.Усмонов, Э.Шодмонов, Б.Ўринбоев, Х.Ғофуров, И.Расуловларнинг тадқиқотларида бир бош бўлакли гаплар ва уларнинг назарий асослари ёритиб берилган. Айниқса, И.Расулов бир бош бўлакли гапларни шаклий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берган.

Эски ўзбек тилида ҳам бир бош бўлакли гапларнинг қуйидаги турлари қўлланган:

Шахси аниқ гаплар. Маълумки, шахси аниқ гапларнинг кесими орқали унинг грамматик эгасини тиклаш мумкин. Кесим орқали эганинг қайси шахс ва сонда эканлиги аниқ кўринади. Баъзи адабиётларда бундай гаплар кесим орқали эга англашилиб турганлиги учун икки составли гапларга, баъзи адабиётларда эса тўлиқсиз гапларга ҳам киритилади. Лекин аксарият адабиётларда шахси аниқ гаплар сифатида эътироф этилади. Ғ.Абдурахмонов ҳам бу тип гапларни бир бош бўлакли гапларнинг бир тури сифатида қарамайди (Абдурахмонов Ғ., 1996).

Аксарият адабиётларда шахси аниқ гапларнинг кесими биринчи ва иккинчи шахс шаклида бўлади, учинчи шахс шаклидаги кесимлар эса шахси номаълум гапларга хос дейилади. А.Ғуломов шундай ёзади: «шахси аниқ бир составли гап учун кесимнинг биринчи ва иккинчи шахс формасида келиши кўп учрайди» (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 135).

Маълумки, биринчи, иккинчи ва учинчи шахс олмошлари ўз маъноси билан бир-биридан фарқ қилади. Биринчи ва иккинчи шахс олмошлари инсонни кўзда тутаяди, учинчи шахс олмоши эса конкрет учинчи шахсдан ташқари, ҳар қандай шахс ёки предметни ифода қилиши маълум. Шундай экан, учинчи шахс олмоши конкрет шахсни ифодалаганда, биринчи, иккинчи шахс олмошлари билан умумийликка эга бўлади. Бу вазифада у олмоши *мен, сен* олмошлари сирасида қаралиши лозим. Шу маънода у олмошининг гапда қўлланмаслиги *мен, сен* олмошларининг қўлланмаслиги каби синтактик норма бўлади. Шунинг учун бу тип гаплар эски ўзбек тилида:

1 шахсда ҳам: *Икки кўндин соңра йана алар хизматыга йеттим* (Нав.ҲМ). *Ул ҳазрат қашыда астагына оқудум* (Нав. ҲМ). *Барур кишидин ул газалга татаббуъ қылыб, нәма йибәриб ердим* (Нав. ҲМ).

II шахсда ҳам: *Хабар болгунча салāматлыг билә азимат қылыб ермиш-сиз* (Нав.Мнш). *Ахбāб, йигитликни ганимат тутуцуз* (Нав.МК).

III шахсда ҳам: *Ва султāни саҳибқирāн астāнасыда болур ерди* (Нав.МН). *Ҳажжи мубāрак сафарыга барыб, сайр расми билә Ҳинд сары мутаважжиҳ болды* (Нав. МН) кенг қўлланган.

Шахси номаълум гаплар. Бундай гапларнинг кесими учинчи шахс кўпликда ифодаланади. Бу жиҳатдан улар кўплик шаклидаги шахси аниқ гаплар билан синонимияни ҳосил қилади. Мисоллар: *Ва пāдшāхāна жашн тўзуб, азим ашлар бериб, хатм қāидасын бажā келтўрдилэр* (Нав.ХПМ). *Йана бир қатла ушбу навъ мадрасада ҳам бу қитъани айтыб ердилэр* (Нав.ХПМ). Бу гап шахси аниқ гап, чунки матнда аниқ шахс (Паҳлавон Маҳмуд) ҳақида сўз кетмоқда. Шунга қарамай, шакл ва мазмун жиҳатдан шахси аниқ гаплар билан айнан хусусиятга эга бўлган шахси номаълум гаплар учрайди: *Бу жиҳаттин аны Зул-Актāф дедилэр* (Нав.ТМА). *Ғāйат йумшаг сөзлигидин аны Йаздижурди Нарм дедилэр* (Нав.ТМА).

Шахси номаълум гапларнинг кесими феълнинг *-р(-ар,-эр,-ур,-ур)* кўшимчали сифатдош билан ифодаланган ва аксарият гапларда кесим вазифасида *дерлэр, айтурлар* феъллари қатнашган: *Ва қымызны ва сўзмәни ва бозаны туркчә айтурлар* (Нав.МЛ). *Ва көкәлтәшни туркчә тил билә дерлэр* (Нав.МЛ).

Шахси умумлашган гаплар. Бундай гаплар мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлиши барча адабиётларда айтилади. Бундай гаплар иккинчи шахс бирликда қўлланилиши билан характерланади: *Мувашишү хабарны чиндур деб достга йеткүрмә ва биравның айбы вақеъ болса, йүзигә урма* (Нав.МК). *Қыла алганча таъзим ва адаб бинāсын йықма, ва ҳурмат хилватыдын чықма* (Нав.МК).

Шахссиз гаплар. Бундай гапларда ифодаланган иш-ҳаракат ёки бирор ҳолат бажарувчининг фаол иштирокисиз юзага чиқади. Бундай гапларда эга грамматик жиҳатдан ифодаланмайди; шахси номаълум ёки шахси умумлашган гаплардан фарқланган ҳолда бундай гапларнинг эгаларини тиклаб ҳам бўлмайди. Бундай гапларнинг кесимлари мажҳул феъллар, мажҳул феъл маъносида қўлланган аниқ феъллар воситасида ифодаланади. Мисоллар: *Ва шавқ йүзидин баштын қадам қылыб, Каъбаи мақсуд азмыга қадам урулды* (Нав.Мнш).

Барча салāхийатын ушбу муаммāсыдын ихсас қылса болур (Нав.МН).

Шахссиз гапларнинг кесими *-мақ/-мәк* формали ҳаракат номи билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Ул кишини қутлуқ евдин ташқары сўрмәк керәк* (Нав.МК).

Атов гаплар. Эски ўзбек тилида атов гапларнинг қўлланиш доираси чекланган. Улар, асосан, бадий ва дидактик асарлар тилида қўлланиб, асар сарлавҳаларини ташкил этган: *Муҳаммад Хожя бег сифаты* (МН). *Ҳикāйат. Шеър.* (Рабғ.).

Ҳозирги ўзбек тилида атов гапларнинг турли типлари келиб чиқди ва қўлланиш доираси кенгайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Бир бош бўлакли гапларни мисоллар асосида тушунтириб беринг.

2. Шахси аниқ гаплар билан шахси номаълум гапларнинг қандай фарқли томонлари бор?

3. Шахссиз гапларга хос бўлган хусусиятлар нима?

Таянч тушунчалар:

Бир бош бўлакли гап – гапда фақат кесим ёки кесим таркиби билан шаклланган гаплар.

Богланган қўшма гаплар тараққиёти

Режа:

1. Богланган қўшма гаплар бўйича умумий маълумот.
2. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи богланган қўшма гаплар.
3. Пайт муносабатини ифодаловчи богланган қўшма гаплар.
4. Сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи богланган қўшма гаплар.

Тилшуносликда боғланган қўшма гапларнинг маъно жиҳатдан беш тури: қиёслаш муносабати, пайт муносабати, айирув муносабати, сабаб-натижа муносабати, изоҳлаш муносабати санаб ўтилади ва ҳар бир турнинг формал-грамматик томони таҳлил қилинади. Айрим тадқиқотларида эса боғланган қўшма гаплар орасидаги мазмуний муносабатлар ҳақида фикр юритилади.

Эски ўзбек тилидаги матнларда бундай гапларни асосий боғловчи восита - **ва** бириктирув боғловчисидир. Маълумки, **ва** боғловчиси гапнинг уюшиқ бўлақларини ҳам, қўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам бир-бирига боғлайди. Ҳозирги ўзбек тилида бу боғловчи билан қўшма гап компонентлари сирасини давом эттирганда, биринчи ва иккинчи компонентни боғласа, кейинги компонент бошқа тенг боғловчи орқали ёки интонация орқали боғланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ва иккинчи компонентларда бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этса, қолган компонентлар орасида бошқа бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этади. Бу стилистик жиҳатдан равошликни таъминлайди.

Ва боғловчисининг семантик доираси эски ўзбек тилида нисбатан анча кенгдир, у уюшиқ бўлақларда, айниқса қўшма гап кўчимидаги содда гап компонентларинининг турли мазмун муносабатларини ифодалашда фаол қатнашган. Бунинг асосий сабаби **ва** боғловчисининг эски ўзбек тилида қўлланиш имкониятининг кенглигидир.

Эски ўзбек тилида эса **ва** боғловчиси такроран қўллана беради. Мисол: *Девъанлар учун фехрист битиб ердиләр ва ҳар бирин мавсум бир исмга қылыб ердиләр ва бу исмга фақир баис болганыны дагы изҳар қылыб ердиләр* (Нав.ХМ).

Ва боғловчиси уюшиқ бўлақларни ва гапларни боғлаш билан биргаликда, янги гапнинг бошланишини ҳам кўрсатади. Демак, айнан мана шу ҳолат, яъни, **ва** боғловчисининг янги гапнинг бошланишини ҳам кўрсатиши очик структурали боғланган қўшма гапларда содда гапларни истаганча давом эттириш имконини берган.

Синтактик конструкциялар семантикаси ҳақида сўз юритилганда, **модус** ва **диктум** тушунчаларига тўхталиш лозим. Модус ва диктум гапларнинг семантик хусусиятини белгилаб берувчи тушунчалар ҳисобланади.

Маълумки, диктум гапда асосий фикр-воқеанинг ифодаловчиси сифатида тушунилса, модус диктум воқеанинг субъектив талқинидир. Модус ва диктум содда гапларда ҳам, кўшма гапларда ҳам мавжуд бўлади. Айниқса, кўшма гапларда уларнинг актуаллашуви ўзига хос бўлади.

Ва боғловчили кўшма гапларда турли мазмун муносабатлари ифодаланган. Улар қуйидагилар:

1. Қиёслаш муносабати. Бундай гапларда икки фикр-объектив воқеа ўзаро қиёсланади. Мана шу қиёсланиш асосида ҳар иккала денотатив воқеа учун умумий бўлган семантика намоён бўлади. Масалан: *Ҳақ малын кўйдүргәнни девāна дерләр ва йаруқ кўндә шамъи кәфурий йаққанны ақлдын бегāна дерләр* (Нав.МК).

Биринчидан, ушбу гап таркибидаги содда гаплар тенгланиш асосида алоқага киришган, яъни ҳар бир денотатив воқеа якка ҳолда ҳам қўллана олади. Лекин иккинчи томондан, жипс мазмуний боғланиш бор. Аввало, ҳар иккала гапда битта умумий семантика ақлсизлик изоҳланмоқда. Биринчи денотатив воқеа (*Ҳақ малын кўйдүргәнни девāна дерләр*) асосий воқеа, иккинчи денотатив воқеа (*Йаруқ кўндә шами кәфурий йаққанны ақлдын бегāна дерләр*) изоҳловчи воқеа иккинчи денотатив воқеага қиёсланган ҳолда унинг маъноси янада чуқурроқ, кенгроқ изоҳланмоқда.

Кўшма гаплар таркибидаги гапларнинг семантик боғланишида гаплар таркибидаги оппозитив воситалар муҳим роль ўйнайди, бундай оппозитив воситалар ҳар иккала гап таркибида келиб ҳавола бўлақлар каби бир-бирини талаб этади, семантик муносабатга киришади.

Юқоридаги мисолда воқеаларнинг семантик боғланишида *ҳақ малын кўйдүргән* - *йаруқ кўндә шамъи кәфурий йаққан*, *девāна* - *ақлдын бегāна* оппозитив воситаларнинг оппозитив муносабати муҳим восита сифатида иштирок этмоқда.

2. Пайт муносабати ифодаланган.

Эски ўзбек тилида ҳам пайт мазмуни қуйидагича ифодаланган:

Кўшма гап таркибидаги ҳар икки денотатив воқеа бир пайтда содир бўлади: *Батахсис, «Кимйāи сайдат»дин ва шайх Азизи Насафий... расāилин ҳам таъриф қылулар ерди ва андын сөзләр нақл қылулар ерди* (Нав.ХСХА). Денотатлар мазмуний боғланиши *«Кимйāи сайдат»дин, расāилин-андын* лексик воситалари оппозицияси орқали юзага чикмоқда. *Андын*

лексемаси юқоридаги лексемалар билан семантик муносабатга киришган ҳолда биринчи денотат билан иккинчи денотатнинг мантиқий боғланишини таъминламоқда.

Денотатив воқеалар бирин-кетин содир бўлади. Бирин-кетин содир бўлишлик денотатлар таркибидаги айрим лексик воситалар семантикаси орқали реаллашади:

Ахыр лексемаси орқали: *Көп кишвәр алды ва ахыр рихлат көсин чалды* (Нав.ТМА).

Гаҳ лексемаси орқали: *Ва гаҳ гурбатда алил ва гарыб елигә залил болдум ва гаҳ азизләр хизматыдын өзүмни баҳраманд ва сөзүмни дилписанд таптым* (Нав.МК).

Нечә йил: *Ва нечә йил алар хизматыга барыб, фақир тарийқын ихтийār қылдылар ва нечә йил алар суҳбат ва мулāзаматларыда сүлүк қылыб, хāнақаҳларыда азим арбаинлар чықардылар* (Нав.ХСХА).

Бир маҳал: *Хāх бир маҳалда бирөв учун айтган, хāх биравның руқбасыга жавāб йибөргән* (Нав.ХПМ).

Андын соңра: *Сабзавārда қазā мансабыны аңа бергәндүрләр, андын соңра Исфарāйында қāзи болгандур* (Нав.МН).

Муддатидурким: *Ва Кирман вилāйатида ҳукумат қылды ва муддатидурким, пādшāх ешигидә амāрат девāныда муҳр басадур* (Нав.МН). Ушбу мисолда воқеаларнинг жетма-кет рўй бериши предикатлар орқали ҳам шаклланган.

3. Сабаб-натижа мазмуни ифодаланган.

Сабаб-натижа муносабатининг юзага келишида фақат боғловчилар эмас, балки содда гаплар таркибидаги айрим бўлақларнинг семантикаси муҳим роль ўйнайди: «*Минҳājун-нажāt*» қасидасыда *ҳидāйат тарийқын тўзўб-мең ва залāлат аҳлыга нажāt шāхрāҳын көргүзўб-мен* (Нав.МЛ).

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида *аммо* боғловчисининг ўзаро зид бўлган содда гапларни бир-бирига боғлаши тилшунослар томонидан эътироф этилган, лекин эски ўзбек тилида бу шакл бир-бирига зид бўлмаган содда гаплар таркибида ҳам қўлланади. *Ва* боғловчиси зидлов муносабатли қўшма гаплар таркибида ҳам келган.

Аммā боғловчиси қуйидаги ўринларда учрайди:

1. *Зид муносабатли қўшма гапларда*: *Хушы бāрыда йахшы абйātлар айтыб ерди, аммā жунун вақтыда бу байтны көп оқур ерди* (Нав.МН).

Хушы бәр предикатив бирикмаси жунун лексемаси билан семантик жиҳатдан ўзаро зид муносабатни юзага келтира олади, яъни соф зидлик ҳисобланади. *Йахши абйӓтлар - бу байт* сўз бирикмалари, тўғрироғи, *йахши* - бу лексемалари ўзаро зидлик оппозициясини келтириб чиқара олмайди, лекин бу лексемаси мазкур мисолда *йамӓн* лексемасининг субститути сифатида келган бўлиб, контекстуал жиҳатдангина шу лексеманинг семантикасини ўзига олган. Демак, бундай зидликни нисбий зидлик деб аташ мумкин.

2. *Семантик жиҳатдан зид бўлмаган қўшма гаплар таркибида*. Бундай гапларда *аммӓ* боғловчиси семантикасида зидлик тушунчаси бўлмайди, балки боғловчилик вазифаси сақланиб қолган ҳолда, *аммӓ* сўзида таъкид маъноси ҳам бирга англашилади, лекин от ва унинг субститути оппозицияси икки гап семантикасининг бир-бирига алоқадорлигини таъминлайди. *Дагы Истаҳрны бинӓ қылды, аммӓ кӓпрӓк авқӓт анда болур ерди* (Нав.ТМА). Шаклий томондан қараганда, зидлов боғловчи иштирок этган, лекин бу мисолда зидлаш муносабати йўқ. Денотатлар *Истаҳрны - анда* оппозицияси орқали боғланмоқда. Мазмунан кетма-кет рўй берган икки денотатив воқеа тенг мавқеда, пайт муносабати ифодаланган. Мазкур гапнинг иккинчи компоненти предикатида бўлишлилик семаси акс этган бўлса, «*Дамӓвандни бинӓ қилди, аммӓ анда гаҳи болур ерди* (Нав.ТМА)» мисолида предикатда гарчанд бўлишлилик шакли реаллашган бўлса-да, мазмунан бўлишсизликни ифода қилади. Бир қарашда *аммӓ* боғловчиси ўзаро зид мазмун муносабатидаги гапларни боғлагандек кўринади, лекин қўшма гапнинг умумий мазмунида бир компонент мазмуни иккинчи компонент мазмунини инкор этаётгани йўқ, яъни *Дамӓвандни бинӓ қилганлиги*, унда *гаҳи бўлишига* қарши қўйилаётгани йўқ, бошқача айтганда, иккинчи гап биринчи гап мазмунига зид эмас, лекин гапда зиддияти бўлмаган *Дамӓванд - анда* от ва олмош (субститут) оппозицияси мавжуд.

Савол ва топшириқлар:

1. Қўшма гаплар билан ёйиқ содда гаплар ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг.

2. Эски ўзбек тилида боғланган қўшма гаплар қандай боғловчилар ёрдамида боғланган?
3. Боғланган қўшма гапларга 10та мисол ёзинг.

Таянч тушунчалар:

Боғланган қўшма гап – икки предикатив асосдан таркиб топган ва тенг боғловчилар билан боғланган ҳамда бир мураккаб фикрни ташийдиган гап шакли.

Диктум – асосий фикр-воқеани ифодалайдиган, гапнинг мазмуний асосини ифодаловчи термин.

Модус – асосий фикр ёки ахборотнинг субъектив йўналиши.

Эргаш гапли қўшма гаплар

Режа:

1. *Эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида назарий маълумот.*
2. *Эргаш гапли қўшма гаплар таснифи.*

Маълумки, эргашган қўшма гапларда икки ёки ундан ортиқ содда гаплар ўзаро ҳоким-тобелик муносабати орқали боғланади. Эргаш гап бош гапга тобе боғланиб, бош гапдаги бирор бўлакни изоҳлаб келади. Бош ва эргаш гап грамматик ҳамда мазмунан жипс боғланиб, яхлит бирликни ташкил этади ва умумий бир фикрни ифодалайди. Улар ўзаро феълнинг амалий шакллари (сифатдош, равишдош ва шарт феъли), ёрдамчи сўзлар орқали муносабатга киришади. Эргашган қўшма гапларнинг гуруҳланиши эргаш гапнинг бош гапдаги қайси бўлакни изоҳлаб келишига қараб белгиланади.

Эски ўзбек тилида ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг юқоридаги турлари қайд қилинади. Қуйида уларни кўриб ўтамиз.

Эга эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, эга эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изоҳлаб,

тўлдириб келади. Эски ўзбек тилида эга эргаш гап бош гапга куйидагича боғланган:

1. Ҳозирги ўзбек тилидагидек, феълнинг шарт майли формаси ёрдамида: *Ҳар ким пādшāх болса, йана йаңы хазāна йызмақ керәк* (БН). *Ҳар киши тўркийчә айтса, бир айаг ичсүн* (БН).

2. *-р(-ар,-әр,-ур,-ўр)* аффиксли сифатдош формаси ёрдамида: *Ул чин сөзни йалганга қатар, дурри саминни нажāsатқа атар* (Нав. МК).

3. Феълнинг аниқлик майли формаси ёрдамида: *Ҳар киши ким тириклик манзылыга келибтўр, āхыр дунйā гамхāнасыдын кечкўсидўр* (БН).

4. *-ки,-ким* боғловчиси орқали: *Сөңрә маълум болдыким, мужāвырларның тазвыры екәндўр* (БН).

Эски ўзбек тилида ҳам эга эргаш гап бош гапда ифодаланмаган эгани изоҳлаб келган: *Ҳар кимки вафā қылса, вафā тапқусыдур//Ҳар кимки жафā қылса, жафā тапқусыдур* (БН).

Кесим эргаш гапли қўшма гаплар. Кесим эргаш гап бош гапнинг олмош билан ифодаланган кесимини изоҳлаб, бош гапга ҳозирги ўзбек тилидагидек, *-ки,-ким* боғловчиси орқали боғланган. Бош гапнинг кесими вазифасида ҳозирги ўзбек тилида *шу* олмоши келади. Эски ўзбек тилида эса кўпроқ *бу, булар, ул, андақ* кўрсатиш олмошлари қўлланган. Мисоллар: *Ҳымматы ва гаразы ул едиким, ул шини камālга тегўргәй* (БН). *Умид андақдурким, ушбу қўн таңла Хисравшāхның жамий навкар ва сардары келиб, пādшāх қуллугын қабул қылгайлар* (БН).

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, тўлдирувчи эргаш гаплар бош гаплардаги тўлдирувчи мавқеи (позицияси)нинг маъносини тўлдириб келади ва бош гапга *-ки // -ким* шаклий воситаси орқали боғланади: *Ақыбат аңа қарār таптыким, салтанат тājын икки ач арслан арасида қойгайлар* (Нав.ТМА). *Иш аңа йеттиким, бизниң ел хандақ йақасыгача барыб, қул ва дāдақ келтўрўрләр еди* (БН).

Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга феълнинг шарт майли шакли, *деб* ёрдамчиси, *-ми,-чи,-ку* юкламалари ва *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Эски ўзбек тилида эса асосан *-ки,-ким* воситасида боғланган.

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, аниқловчи эргаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида қўлланган айрим сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади. Аниқловчи эргаш гап кўпинча бош гапдаги предмет белгисини унинг ҳаракати ёки ҳолатига кўра аниқлайди. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги от орқали ифодаланган турли бўлақларни изоҳлаб келади.

Ҳозирги ўзбек тилида аниқловчи эргаш гаплар бош гапга *-ки* боғловчиси ҳамда шарт майли формаси ёрдамида боғланади. Эски ўзбек тилида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин: *Хāja фалāнга дагы ҳукм болсаким, алар ишидин хабардār болуб, аларга мададкарлығыда тақсир қылмаса* (Нав.Мнш). *Судурга ҳукм болсаким, вилайат авқāфыдын хабардār болсалар* (Нав.Мнш). *Андақ ривайат қылдыларким, чумчуқ безгак болгандур* (БН).

Баъзан аниқланаётган бўлақ шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин мазмунан у тўлиқ англашинаверади: *Андақ ешитилдиким, Астрāбāдда āламдын өтүбтүр* (Нав.МН). Мазкур мисолда бош гап таркибидаги аниқланаётган бўлақ (*хабар*) шаклан ифодаланмаган. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги айнан ана шу ифодаланмаган субъектни аниқлаб, изоҳлаб келган. Имплицит субъект *андақ* ҳавола бўлаги орқали англашилиб турибди.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гап сабаб воқеани, бош гап ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди. Бундай эргаш гапларда содда гапларнинг семантик муносабатида *ул жыҳаттын, бу жыҳаттын* лексик бирикмаларининг семантикаси муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар бош гапнинг бошида келиб, сабаб ҳоли семантик вазиятини эгаллайди. Сабаб воқеа ана шу воситалар ёрдамида натижа воқеанинг ичига киради. Сабаб воқеа, яъни шарт эргаш гап олдин, ундан сўнг бош гап келади. Чунки сабаб воқеа ифодалангандан сўнг *ул жыҳаттын, бу жыҳаттын* воситалари билан асосий денотатнинг юзага чиқиш сабаби изоҳланади. Мисоллар: *Бард лафзыдын аччыгы келүр ерди, бу жыҳаттын аңа ташвиш берүрләр ерди* (Нав.МН). *Чун сизниң табугыңызда давлатхāхлыг сөзини айтурга маъмурмен, ул жыҳаттын густāхлыг билә арзадāшт битилди* (Нав. Мнш).

Юқорида таъкидланганидек, *чун* боғловчиси сабаб эргаш гапли қўшма гапларда ҳам қўлланиб, улар ўртасидаги

семантик муносабатни реаллаштирган. Бунда ҳам эргаш гап бош гапдан олдин келган: *Ул хазратга чун равшан болуб ерди, инкār қыла алмадым* (Нав.МН). Ушбу мисолда ҳам пайт муносабати ифодаланган, лекин гапда пайт маъносига нисбатан сабаб мазмуни кучли. Чунки асосий гапнинг бажарилишидаги пайт эмас, балки сабаб биринчи планга чиқарилмоқда, *инкār қыла алмаслик сабаби алоҳида таъкидланмоқда. Ва қатл истидайъсы қылды ерсə, қатл буйурды* (Нав.ТМА) гапининг ҳам мазмунини сабаб-натижа муносабати ташкил этади.

Сабаб эргаш гап бош гапга **-ки, ким** воситасида ҳам боғланиши мумкин. Бундай қўшма гапларда бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади: *Мавт маразыда тājны аның қарныга қойдыким, Дарабқа хāмила ерди* (Нав. ТМА).

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам сабаб эргаш гаплар бош гапга баъзан **-ки** воситасида боғланади. Лекин юқоридаги мисолдан фарқли равишда, эргаш гап бош гапдан аввал жойлашади: *Аёл борки, олам мунаввар. Сен борсанки, шодман ҳаётдан каби.*

Шу билан бирга, сабаб эргаш гап бош гапга яна куйидаги воситалар ёрдамида боғланиши мумкин:

Негəжим боғловчиси ёрдамида: *Бу фурсатда Бажурны шāх Мир Хусайнга инāйат қылыб, Хāжа Калāнни тилəб ердўк, негəжим Хāжа Калāн мусāхыб ерди* (БН).

Ўтган замон сифатдошига учинчи шахс эгалик аффиксининг кўшилиши, сўнгра **учун** кўмакчисини келтириш билан: *Қāбулның дарāмад ва хāсылыны билмəй, мундақ тахмил болганы учун, вилāйат хейли харāб болды* (БН). Баъзан сифатдош таркибидаги эгалик аффикси тушиб қолган: *Атасы вилāйатқа кириб, нечə маҳал суллāхлық қылган учун, Қанбар Али суллāх дер ердилəр* (БН).

-б(иб/ыб//уб/ўб) аффиксли равишдош воситасида: *Бу вāқеа андын йāд бериб, черик елигə ваҳима гāлыб болды* (БН).

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар. Ҳозирги ўзбек тилида шарт эргаш гаплар бош гап билан феълнинг шарт майли шакли, ўрин-пайт келишигидаги сифатдош шакли, келаси замон сифатдоши ҳамда тўлиқсиз феъл, равишдошнинг бўлишсиз шакли, ўрин-пайт келишигида сифатдош ҳамда тўлиқсиз феъл шакллари орқали бирикади.

Бундай қўшма гаплар мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Икки ёки ундан ортиқ денотатив гап шартланганлик муносабатига киришади. Шаклий функционал жиҳатдан эргаш

гап бош гапнинг синтактик курилишида шарт ҳоли ўрнини ташқилайди: *Дост висайин тилар болсан, айық бол* (Нав.МК).

Эргаш гапнинг предикати бўлишсиз феъл шакли билан ифодаланиши мумкин. Бунинг натижасида шарт воқеа бир келтирилган ифодага эга бўлади: *Хар вафъага йўз жафъа тартмасан, гўнэхкър-сен* (Нав.МК).

Эски ўзбек тилида *агар* боғловчиси шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида кенг қўлланган бўлиб, у шарт мазмунини кучайтириб келган: *Агар шабихун барсақ, қарангу кечоддә киши көрмәс* (БН).

Агар ёрдамчиси XI асрларда форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, то ҳозирги кунгача қўлланиб келаётган шарт боғловчиси. Бу боғловчи *ар* шаклида ҳам қўлланган: *Маъзур тут ар васлыңа кечрәк йетсәм//Нечәра қылай азгына маниь бардур* (БН).

Эргаш гапнинг ўрни, чегараси ва унинг формал шаклланишида ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида аввал шарт эргаш гап, сўнгра бош гапнинг келиши доимий қонуният. Лекин эски ўзбек тилида бош гапнинг эргаш гапдан олдин келиши ҳолати ҳам кузатилади: *Зеридастларга нафъ йеткўр, агар тиләсәнқи, табардастлардан зарар көрмәгәй-сен* (Нав.МК). Ушбу гапни қуйидагича трансформация қилиш мумкин: *Агар табардастлардан зарар кўрмасликни тиласанг, зеридастларга нафъ еткур*.

Шарт эргаш гапнинг кесими буйруқ майлидаги феъл шакли билан ифодаланади. Бош гап билан *-ки* (*-ким*) воситасида шаклий синтагматик муносабатда бўлади: *Мазлумга бахшайиши көргүзқи, зәлимдын асайиши көргәй-сен* (Нав.МК). Бундай шаклий восита орқали бирикиш ҳозирги ўзбек тилида кузатилмайди.

Шарт эргаш гап бош гапга *-са ерди* шаклий воситасида ҳам бирикиши мумкин. Бунда шарт воқеа тахмин, гумон маъно оттенкаларига эга бўлади: *Андаққи, бир аз нимә бевуқуфрақ киши қашыда оқуса ерди, көп йахшылыққа өткәрүр ерди* (Нав.ХМ).

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапга *-са ҳам, -ганда ҳам, -са+да, -гани билан, қарамай* каби шаклий воситалар ёрдами билан боғланади. Эски ўзбек тилида эса шарт эргаш гапнинг предикатлари аниқлик майлидаги феъл шаклида

бўлади. Тўсиқсизлик маъноларини ифодалашда эргаш гап таркибидаги *агар, агарчи* боғловчилари катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, денотатлар таркибидаги айрим лексик воситалар ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бундай гапларда бир пайтнинг ўзида икки хил муносабат, яъни, ҳам шарт муносабати, ҳам тўсиқсизлик муносабати мавжуд бўлади. Чунки «тўсиқсизлик» деганда, муайян шартнинг тегишли воқеанинг юзага келишида тўсиқ бўлмаслиги назарда тутилади. Бунда шарт муносабати бевосита эмас, балки билвосита иштирок этади.

Тўсиқсиз эргаш гапларда бош гап эргаш гапдаги шарт мазмунига зид бўлган ҳаракат, воқеаларни ифодалайди: *Агарчи бир нечә вақт биззарурат улум касбига иштигъл көргүзүптүрләр, амма ҳеч вақт назм айыныдын ҳәли емәс екәндүрләр* (Нав.ХМ).

Баъзан *агарчи, гарчи* боғловчилари иштирок этган тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларнинг кейинги компоненти-бош гап олдида *вәле* зидлов боғловчиси келиб, у компонентлардаги зидликнинг ортиқ эканлигини кўрсатади: *Агарчи мундын бурун хабарны бир пыйада келтүрүб ерди, вәле севинчигә Вайс бир айда келди* (БН).

Маълумки, *агар, агарчи* боғловчилари эргаш гап таркибида келиб, эргаш гаплар доимо бош гапдан олдин келади. Лекин эски ўзбек тилида бундай тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапдан кейин ҳам келган: *Йазлар йахшы ҳавәсы бар, агарчи Қабулча йоқтур* (БН).

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, пайт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланиб, уларнинг бири иккинчисининг ичига пайт билдирувчи узв сифатида киради. Шунинг учун ҳам икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат пайт муносабати сифатида реаллашади ва бу муносабат ифодаланган қўшма гап пайт эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳоланади.

Ҳозирги ўзбек тилида пайт эргаш гаплар бош гапга феъл шакллари, кўмакчилар ва айрим юкламалар ёрдами билан бирикади.

Эски ўзбек тилида пайт эргаш гаплар бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Эргаш гапнинг предикати бош гапга равишдош шакли воситасида боғланади. Бундай гапларда эргаш гапда ифодаланган воқеа-ҳодиса бўлиб ўтганидан сўнг бош гапдаги

воқеа бошланади: *Ва умрының ахырыда Ношираванни өз орныда олтуртыб, өзи гөшә тутты* (Нав.ТМА).

2. Чун шаклий воситаси ёрдами билан шакланади. Маълумки, чун боғловчиси ҳозирги ўзбек тилидаги: 1) *чунки, шу сабабдан*; 2) *агар*; 3) *қачонки* маъноларига мос келади, шу сабабли ҳам чун боғловчиси эски ўзбек тилида пайт, сабаб, шарт эргаш гапларнинг бош гапга боғланишини таъминловчи воситалардан бири саналган. Чун эргаш гапнинг таркибида келган, эргаш гапнинг предикати феълнинг аналитик ёки синтетик шакллари билан ифодаланган. Бундай гапларда ҳам асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеадан кейин содир бўлади: *Чун таъзиб шиддатыдын ҳардылар, ул мажмуъдын судраб чықардылар* (Нав.МК). *Чун атфал ташыдын туйар ерди, қачыб гулханга йуз қойар ерди* (Нав.МК).

Эски ўзбек тилида *-гач(гәч/қач/кәч),-р(ур)да* шаклий воситалари ҳам эргаш гапни бош гапга боғлашда фаол қўлланган. *-гач(гәч/қач/кәч)* шаклий воситаси билан боғланган кўшма гапларда асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеа содир бўлгандан сўнг бошланади.

Мисоллар: *Кайфийатин маълум қылгач, таскин таптылар ва Фируз Хурмузга таън қылдылар* (Нав.ТМА). *Тафаҳхус қылгач, ул иш кайфийатин маълум қилди* (Нав.ТМА).

-р(ур/ур)да/дә шаклий воситаси билан боғланган пайт эргаш гапли кўшма гапларда эргаш гапдаги денотатив воқеа билан асосий денотатив воқеа бир пайтда рўй беради, *чунки, -р(ур/ур)да/дә* шаклий воситасининг семантикаси иш-ҳаракатининг тугалланмаганлигини ифодалайди: *Ва қошқун салурда, тегиб ахыр қылды* (Нав. ТМА).

Ҳозирги ўзбек тилида бундай мазмунли кўшма гапларни боғлашда *-ган* сифатдоши кенг қўлланилади. Эргаш гапнинг предикати аниқлик майлидаги феълнинг *ерсә* шакли орқали ифодаланиб, бош гапга боғланиши мумкин. Бунда асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеа тугаганидан сўнг бошланади: *Ул ишни аңа зāхыр қылды ерсә, қабул қылыб, йалғыз барыб, ул пилни өлдүрди* (Нав.ТМА).

Савол ва топшириқлар:

1. Бош гап билан эргаш гапни боғловчи воситаларни сананг. Қайсилари фақат эски ўзбек тилига хос?

2. Эргаш гапли кўшма гапларнинг ҳар бир турига 2тадан мисол ёзинг.

3. Бош гап билан эргаш гапнинг ўринлашуви бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида қандай фарқли томонлар мавжуд?

Таянч тушунчалар:

Эргаш гапли кўшма гап – икки предикатив асосга эга бўлган, эргаштирувчи боғловчи ёки унинг функциясида келган воситалар ёрдамида боғланган, бош ва эргаш гаплардан иборат гап шакли.

Бош гап – гапнинг грамматик жиҳатдан шаклланиши ва йўналиши ҳамда мазмунининг юзага чиқишини таъминловчи эргаш гапли кўшма гапнинг таркибий-функционал қисми.

Эргаш гап – бош гапга грамматик ва мазмун жиҳатдан изоҳлайдиган, тўлдирадиган эргаш гапли кўшма гапнинг таркибий-функционал қисми.

Боғловчисиз кўшма гаплар

Режа:

1. *Боғловчисиз кўшма гаплар бўйича назарий маълумот.*
2. *Пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гаплар.*
3. *Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гаплар.*
4. *Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гаплар.*

Боғловчи воситаларсиз бириккан кўшма гапларга мавжуд адабиётларда бир хил таъриф берилади: икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро боғловчилар ёрдамисиз бирикувидан тузилган кўшма гаплар боғловчисиз кўшма гаплар бўлади.

Қадимги туркий тилда ва эски ўзбек тилининг дастлабки тараққиётида кўшма гаплар, асосан, ҳеч қандай боғловчиларсиз ўзаро бириккан. Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид

бўлган ўрхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган. Боғловчисиз кўшма гапларнинг баъзилари боғланган кўшма гаплар учун, баъзилари тугаши гапли кўшма гаплар учун асос бўлади, айримлари эса, маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади.

Боғловчисиз кўшма гапларни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар қуйидаги йўллар билан ифодаланган:

1. Турли интонация, пауза;

2. Гап бўлаклари ва гапларнинг ўринлашиши;

3. Айрим гап бўлаклари (асосан, олмош ва феъл билан ифодаланувчи) нинг семантикаси;

4. Айрим гап бўлақларининг такрори. Бунда олмошларнинг роли каттадир (такрорланган бўлак гапларни семантик жиҳатдан боғлайди);

5. Кўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатни конкретлаштириш учун айрим лексик элементлар (анда, ани, ул фурсатда, ул жиҳатдин) қўлланади.

Қуйида боғловчисиз кўшма гапларнинг маъно муносабатига кўра турларини тавсиф қилишга ўтамиз.

Пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гаплар. Бундай кўшма гапларда денотатив воқеалар бир пайтда ёки кетма-кет содир бўлади: Бу төрт девън авъазасын рубъи мæскўнгæ йеткўрўб-мен, «Хамса» панжасыга панжа уруб-мен (Нав.МЛ). Мазкур мисолдаги денотатлар бирин-кетин содир бўлмокда. Биринчи денотат (бу төрт девън авазасыны рубъи мæскўнгæ йеткўрўб-мен)нинг тугаши билан иккинчи денотат («Хамса» панжасыга панжа уруб-мен) содир бўлмокда. Булбул билæ Гул ва Шамъ билæ Парвæна арасыда мунæзара битибдур, анда кæб диққат кæргўзўбтўр (Нав.МН). Ушбу мисолда денотатлар ўзаро пайт муносабатидан ташқари, изоҳлаш муносабати орқали ҳам боғланган. Гапларнинг ўзаро семантик боғланишида баъзи лексик элементларнинг (мунозара – анда) ҳам муҳим аҳамияти бор. Биринчи денотат таркибидаги мунозара лексик элементи иккинчи денотат таркибидаги анда лексик элементи орқали ифодаланган. Уларнинг жойлашиш тартиби ҳам қатъий, ўзаро ўрин алмаштириб бўлмайди, чунки иккинчи денотатнинг юзага келишига биринчи денотат сабаб бўлмокда.

Денотатлар ўзаро пайт муносабати билан бирга, зидланиш муносабати орқали ҳам боғланиши мумкин. Мисол: *Ҳар кимгә ким, бир вафā кўргүздүм, йуз бевафāлыг кўрмәгүнчә қутулмадым* (Нав.МҚ). Мисолдаги зидланиш икки хил шакл – ҳам лексик-синтактик, ҳам морфологик шакл орқали ифодаланган. Биринчи денотатдаги *бир вафā* лексик-синтактик элементи иккинчи денотатдаги *юз бевафāлиг* лексик-синтактик элементи билан, предикатлар бўлишли-бўлишсизлик (*кўргүздүм – қутулмадим*) муносабати билан оппозицияга киришган. Гапларнинг жойлашиши ҳам қатъий, иккинчи воқеанинг бажарилиши биринчи воқеани тақозо этмоқда. Яна бир мисол: *Бавужудким, Самарқандның аълами уламāсы ерди, шеър ва муаммāга дагы мāйыл ерди* (Нав. МН).

Ҳар иккала гапнинг предикати шаклан от кесим орқали ифодаланган. Иккала гапда ҳам субъектга хос бўлган хусусиятлар ифодаланмоқда, яъни биринчи гапда субъектнинг мансаби ифодаланаётган бўлса, иккинчи гапда субъект фаолияти изоҳланмоқда. Гапларнинг жойлашиши эркин, уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин. Уларнинг семантик боғланишида *даги* лексик элементи муҳим роль ўйнамоқда. *Даги* лексемаси иккинчи денотат билан биринчи денотатнинг семантик алоқасини таъмин этмоқда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, *даги* лексемаси иштирок этган боғловчисиз қўшма гапларда мустаҳкам семантик боғланиш мавжуд бўлади.

Эски ўзбек тилида равишдош шакли мустақил предикат бўлиб кела олган: *Нāмус дастāрын башыдын алыб, бир журъа учун майфуруш айагыга салыб* (Нав.МҚ). Ушбу мисолда ҳам пайт мазмуни билан бир қаторда, сабаб-натижа мазмуни ҳам ифодаланган. Биринчи денотат (*Нāмус дастāрын башыдын алыб*) сабаб воқеани, иккинчи денотат (*Бир журъа учун майфуруш айагыга салыб*) натижа воқеани ифодалаган.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Бундай қўшма гаплар таркибидаги денотатив воқеалар бир-бирига қиёсланади. Бу қиёсланиш орқали икки денотат ўртасидаги ўхшаш, фарқли томонларни кўрсатиш ёки қўшимча маъно ифодалашдир. Мисол: *Тилаб бергәнни ҳам сахāдын йирақ бил, ибрām билә бергәндин бермәгәнни йахшырақ бил* (Нав. МҚ). Мисолдаги икки лексик-синтактик элементлар (*тилаб беришлик ва ибрām билә беришлик*) семантикаси ўзаро қиёсланмоқда. *Биртә өтмәкни икки бөлүб*

йармини бир ачга бергәнни сахий де, өзи йемәй барини мухтажга бергәнни ахий де (Нав.МК) мисолида ҳам икки денотатив воқеа ўзаро қиёсланмоқда. Гапларнинг семантик боғланишида *йармини - барини, оч – мухтажга, сахий – ахий* лексемалари муҳим роль ўйнаган. *Фāсықдын ҳайā тилама, зāлимдын вафā тилама* (Нав.МК) гаплари *фāсиқ – зāлим, ҳайā – вафā* лексемалари муносабати орқали боғланган.

Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларларнинг айрим турларида қўшма гапларнинг таркибидаги биринчи гапдан англашилган воқеа, ҳодиса иккинчи гапдан англашилган воқеа, ҳодисага боғлиқ бўлади, биринчи қисм иккинчисини ёки унинг таркибидаги айрим бўлақларни изоҳлаб, тўлдириб келади.

Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гапларда қуйидаги мазмун муносабатлари ифодаланган:

1. *Шарт-натижа муносабати:* *Ҳар кимгәки бир хизмат қылдың – он шиддатга муҳаййā турмақ керәк* (Нав.МК). Ушбу мисолда биринчи гап шарт воқеани ифодалаган, иккинчи гарга семантик жиҳатдан тобе ҳисобланади. Бу гап *-са* шаклий воситали шарт эргаш гапли қўшма гапга синоним бўла олади.

2. *Сабаб-натижа муносабати:* *Тилиң билә көңүлни бир тут, көңли вә тили бир киши айтқан сөзгә бут* (Нав.МК). Ушбу мисолда биринчи гап сабаб воқеани иккинчи гап натижа воқеани ифодаламоқда. Гапларнинг ўзаро мазмуний боғланишини *тил, көңүл, бир* лексик элементлари таъминламоқда. Мазкур содда гаплар орасига ҳам *чунки* шаклий воситасини қўйиш мумкин.

3. *Ўхшатиш муносабати:* *Нафсны тақвā рийазаты билә зеридаст қылдылар – шайтāнны залыллық билә йергә наст қылдылар* (Нав.МК). Мисолда «*Нафсни тақво рийазаты била зеридаст қилишлик*» «*Шайтонни залиллық била ерга наст қилиш*»га ўхшатишмоқда. Гаплар таркибидаги лексик элементлар оппозицияси (*нафсни – шайтāнны, тақвā рийāзат билә – залыллық билә, зеридаст қылдылар – йергә наст қылдылар*) зич мазмуний боғланишни таъминлаган.

Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоийнинг «Маҳбул кулуб», Бобирнинг «Бобирнома» асаридан боғловчисиз қўшма гапларга 10тадан мисол ёзинг.

2. Ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи боғловчисиз қўшма гаплар билан эски ўзбек тилидаги боғловчисиз қўшма гаплар ўртасида фарқли хусусиятлар борми? Мисоллар билан изоҳлаб беринг.

Таянч тушунчалар:

Боғловчисиз қўшма гап – икки предикатив асосга ва ягона интонацион бутунликка эга бўлган, таркибида (боғланишида) боғловчилар иштирок этмаган, мураккаб мазмунни ифода қилувчи гап шакли.

1. Абдуллаев Ф. Туркий тиллар тарихида у/а мослиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1970, №5.
2. Абдуллаев Ф., Юсупов М. Эски ўзбек тилида форс-эржик ва арабча изофалар қўлланишининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1984, №1.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987.
4. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади?– Т.: Фан, 1974.
5. Абдуллаев Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида бошқарув. – Т.: Фан, 1982.
6. Абдурахманов Г. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. – Т., 1960.
7. Абдурахманов Г. Исследование по старотюркскому синтаксису (XI в.). – М.: Наука, 1967.
8. Абдурахманов Г. Синтаксис осложненного предложения (к некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков)// Структура и история тюркских языков. –М., 1971.
9. Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1962, №2.
10. Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
11. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Т.: Фан, 1971.
12. Абдурахмонов Ф. Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар. – Т., 1955.
13. Абдурахмонов Ф. Тарихий синтаксис. – Т.: Фан, 1974.
14. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1984.
15. Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., ва бошқ. Хозирги ўзбек адабий тили: Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
16. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Морфология ва синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1973.
17. Абдусаматов М. Форс тили. – Т.: Ўқитувчи, 1971.
18. Адмони В.Г. Сложносаянное предложение в тюркских языках// Советская тюркология. – 1982.- № 3.
19. Аманжолов А.С. Глагольное управление в языке древнетюркских памятников. - М.: Наука, 1969.

20. Аскарова М. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. – Т.: Фан, 1966.

21. Аскарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Т.: Фан, 1972.

22. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг маъно ва таркибий хусусиятлари. Филол. фанлари д...дисс.– Т., 1990.

23. Аширбоев С. Алишер Навоий прозаси – синтактик тадқиқот объекти. – Т., 1988.

24. Аширбоев С. Алишер Навоий прозасидаги содда гапларда эга ва кесим мослиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1988, №4.

25. Баскаков Н.А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. – М.: Наука, 1975.

26. Баскаков Н.А. Типы сказуемого простого предложения в тюркских языках и их происхождения. – М.: Вост. лит.-ры, 1960.

27. Баскаков А.А. Бинарные оппозиции в структуре синтаксиса тюркских языков// Советская тюркология.- 1970.- № 6.

28. Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигникатив парадигматика. – Т.: Фан, 1989.

29. Боровков А.К. Алишер Навоий как основоположник узбекского языка//Алишер Навоий.- М.-Л.,1946.

30. Борковский В.И., Кузнецов П.С. Историческая грамматика русского языка. –М.: Наука, 1965.

31. Гаджиева Н.З. Синтаксис сложноподчиненного предложения в азербайджанском языке. – М.: Наука, 1963.

32. Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – М.: Наука, 1973.

33. Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков: Синтаксис. – М.: Наука, 1986.

34. Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир// Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т., 1968.

35. Есенов К. Қазак тіліндегі курделенген сойлемдер. – Алматы: Ғылым, 1974.

36. Жаводов М.А. Ҳозирги озарбайжон тилида шахсиз гаплар.- Баку: ун-т.,1957.

37. Жакипов И. Азыркы кыргыз тилинин жонокой тилбомууну синтаксиси. – Фрунзе: Киргузистан, 1959.
38. Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. – Казань: КГУ, 1963.
39. Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. – Д.: КГУ, 1959.
40. Иванов С.Н. Родословное древно тюрок Абул Гази Хана. – Т.: Фан, 1969.
41. Кадыров М. Функционирование падежных форм в прозе Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1977.
42. Каримов К. Категория падежа в языке «Кутадгу билиг»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1962.
43. Касымов М.Н. Синтаксис простого предложения таджикской прозы XI века: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 1979.
44. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. – М.: Наука, 1969.
45. Колосова Т.А. Сложные предложения асимметричной структуры. – Воронеж., 1980.
46. Кондратьев В.Г. Очерк грамматики древнетюркского языка. – Л.: ЛГУ, 1970.
47. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.- Л., 1960.
48. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. I-китоб. – Т.: Укитувчи, 1976.
49. Маматов Ж. Унлилар редуцияси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1988, №3.
50. Матғозиев А. Исследование по морфологии староузбекского языка: Автореф. дис. ... док-ра филол. наук. – Т., 1979.
51. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. – Т., 1977.
52. Матғозиев А. Эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1966, №1.
53. Матғозиев А. Ўзбек тилида сон категорияси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1972, №4.
54. Мирзакаримова Ў. «Қиссаси Рабғузий» тилининг морфологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1969, №1.
55. Мирзакаримова Ў. Алишер Навоий «Муншаот»ининг айрим тил хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1986, №2.

56. Маҳмудов Қ. «Девону лугатиг турк» ва «Тафсир» тилида айрим унлилар ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986, №5.

57. Маҳмудов Қ. XI-XIV асрлар ёзма ёдгорликлари тилида э/э, и/ё унлилари мослигига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1979, №5.

58. Маҳмудов Қ. Ёзма манбаларда бирламчи чўзик унлилар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1985, №5.

59. Маҳмудов Қ. Унлилар ифодасида алифнинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1985, №5.

60. Маҳмудов Қ. Ёзма манбаларда урғу масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986, №8.

61. Маҳмудов Қ. Нвой асарлари тилида бир фонетик ҳодиса // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1987, №6.

62. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

63. Мэһэррэмова Р., Чаһанкиров М. Азербайжан дилинин тарихи синтаксисина даир материаллар. – Бақы., 1962.

64. НАЛ – Навоий асарлари лугати. – Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

65. Назарова Х. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бўлаклари // Тилшуносликнинг айрим масалалари: Низомий номидаги ТДПИ. – Т., 1970.

66. Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV – начала XVI в. – Т.: Фан, 1979.

67. Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача лугат. – Т., 1972.

68. Насылов В.М. Лингвистические взгляды Алишера Навои // История лингвистических учений: Средневековый восток. – Л., 1981.

69. Нигматов Х.Г. О характере грамматического значения тюркских форм и категорий // Советская тюркология. – 1980. – № 6.

70. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Маҳмудов Н.М., Муҳамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезисы формальнс-функционального исследования) // Советская тюркология. – 1984. № 5.

71. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Халияров Х.Х., Маҳмудов Н.М., Нурманов А., Сайфуллаева Р.Р. Способы

синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса (тезисы формально-функционального исследования)// Советская тюркология. –1988-. № 4.

72. Нурмонов А.Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1988.

73. Нурмонов А., Маҳмудов Н., ва бошқ. Ўзбек тилининг назмуний синтаксиси. – Т.: Фан, 1992.

74. Расулов И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. – Т.: Фан, 1973.

75. Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун ёнакача луғат. – Т., 1983.

76. Раҳманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1971.

77. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

78. Садыхов А.Ш. Исторический синтаксис азербайджанского языка (на материале памятников прозы): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Баку, 1988.

79. Сайфуллаев А.Р. ТАЁТ – XIII – XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. – Т.: Фан, 1986.

80. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1982.

81. Умаров Э. XV аср тилида бир фонетик ҳодиса // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986, №5.

82. Усманов Х. Лингвостилистические особенности языка Лютфи: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т., 1986.

83. Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965.

84. Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Т.: Фан, 1969.

85. Ширалиев М.Ш. Проблема сложноподчиненного предложения// Вопросы грамматики тюркских языков. – Алма-Ата, 1958.

86. Шукуров Ш. Наклонения и времена глагола в письменных памятниках узбекского языка в сравнительном освещении: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1974.

87. Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. – Т.: Фан, 1976.

88. Шукуров Ш. –дуқ формаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1965, №2.

89. Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1990, №4.

90. Шукуров Ш. Алиф ва унинг вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1990, №5.

91. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л., 1962.

92. Юсупов М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Навои: Автореф дис... канд. филол. наук. – Т., 1984.

93. Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986, №1.

А-Ә

<i>Абайт</i>	- байтлар
<i>Абтар</i>	- 1.Калта, қисқа. 2. Арзимас. 3.Хаста, нотавон
<i>Авқат</i>	- вақтлар
<i>Адам</i>	- йўқлик
<i>Ади</i>	- адолат, тўғрилиқ, инсоф
<i>Адув</i>	- душман, ёв
<i>Азм</i>	- қарор
<i>Азимат</i>	- Бирор ишга қасд қилиш
<i>Азурда</i>	- озор чеккан, ранжиган
<i>Аййғ</i>	- қадаҳ
<i>Акабир</i>	- улуғлар, мартабали кишилар
<i>Арбаин</i>	- қирк, чилла
<i>Арзадашт</i>	- арз қилиш, ариза тутиш
<i>Асру</i>	- жуда кўп, ғоят, бениҳоя
<i>Атвәр</i>	- хулк, феъл, юриш-туриш
<i>Ахий</i>	- биродар, ошна
<i>Ахбәб</i>	- дўстлар, ёрлар, севимлилар

Б

<i>Бәдийя</i>	- чўл, дашт, биёбон
<i>Байза</i>	- тухум
<i>Бәрвар</i>	- мевали, ҳосилдор
<i>Бард</i>	- совуқ
<i>Басқақ</i>	- солиқ ундирувчи
<i>Бахшайиш</i>	- кечириш, бағишлаш
<i>Бақа</i>	- томон
<i>Бийик</i>	- хат, мактуб
<i>Бикин</i>	- янглиғ, ўхшаш
<i>Билигли</i>	- билимли
<i>Битик</i>	- хат, ёзув, мактуб
<i>Бузургвәр</i>	- улуғвор
<i>Бурундуқ</i>	- туянинг бурнига ўтказиладиган халқа
<i>Бут</i>	- 1. Оёқ. 2. Санам
<i>Боза</i>	- май, ичимлик

Бозаҳйна - май ичиладиган жой

В

Вāсила - восита, сабаб, баҳона

Ваҳм - кўрқув

Вāқыф - хабардор

Г

Гирибāн - кийим ёқаси

Гузарламақ - ўтмоқ

Густāх - адабсиз, андишасиз, тортинмайдиган

Гуфтāр - 1. Сўз, сўзлаш. 2. Баён

Д

Дақāвул - хизматкор

Дāмана - чет, қирғоқ

Дастгир - 1. Ёрдамчи, мададкор. 2. Йўл кўрсатувчи

Дāруға - шаҳарда тартиб сақловчи, шаҳар бошлиғи

Дагы - яна

Ж

Жāла - 1. Дўл. 2. Шудринг, шабнам. 3. Кўз ёши

Жибāчи - 1. Яроғ-аслаҳа омборининг бошлиғи. 2. Жиба ясовчи

Журъа - бир ютум, бир қултум (ичимлик)

З

Забун - ожиз, нотавон, бечора

Залил - хор, тубан

Захм - 1. Яра, жароҳат. 2. Кўнгил ғашлиғи

Зāҳир - кўриниб турган, ошқора, порлок, равшан

Ғаридиет
Ғуф

- кимсанинг қўл остидаги, бўсунган, тобе
- аёлларнинг икки чеккасидаги тушиб турган кокиллари

И-Ы

Ибраһим
Ибодлик
Илик
Индамоқ
Илаж
Ишва
Ишраж

- қисташ, қаттиқ туриб талаб қилиш
- байрамлик, ҳайитлик
- қўл
- чақирмоқ
- пастга тушмоқ
- аёлларнинг нозли, мафтун этувчи ҳаракати
- сургун, ҳайдаш

Й

Йағуқ
Йаздан
Йазуқ
Йанқавул
Йарғучақ
Йасавул
Йағий
Йолдамақ

- яқин
- аялоқ
- гуноҳ
- сув ташувчи
- қўл тегирмон
- бөшлиқ
- душман
- йўлламоқ, етакламоқ

К

Карам
Кайин
Кулала
Кезлэн
Кенд
Кишвар
Куфр
Кони
Кокэлтэши

- яхшилик, эҳсон, марҳамат
- ғойибдан хабар берувчи, сеҳргар
- жингалак соч
- айлан, сайр қил
- шаҳар, қишлоқ, турар жой
- мамлакат, вилоят
- кофирлик, исломни танимаслик
- тўғри, рост
- суг эмишган, асли бегона бўлса ҳам, бир онани эмиб қариндошлашган киши

Л

Ламъи - шуъла, ранг

М

- Мавт* - ўлим, вафот этиш
Малик - султон, шоҳ, хукмрон, эга, ҳоким
Марқад - гўр, қабр
Мардум - халқ, одамлар
Маъбуф - мафтун, ошиқ, шайдо
Маъмур - 1. Бирор ишга амр этилган. 2. Обод
Матлаъ - чиқадиган жой, қуёшнинг чиқиш жойи
Маҳзун - ғамли, қайғули
Маҳрам - 1. Бир-бирига никоҳ раво бўлмаган энг яқ қариндош. 2. Улфат, ҳамдам
Меъиз - юз, чеҳра
Минā - 1. Шиша, май шишаси. 2. Кўкимтир, ҳаво ранг
Мискин - бечора, нотавон, фақир
Мисқал - 1. Оғирлик ўлчови. 2. Энг енгил, арзимас нарса
Мувашиш - зийнатланган, безалган
Мужиб - бирор иш ва ҳолнинг юзага келишига сабаб бўлувчи, сабабчи, боис
Музаффар - зафар қозонган, ғолиб
Мурид - талаб этувчи, эргаштирувчи
Мусаллам - инкор ёки қаршилик қилинмай маъқулланган, таслим бўлиш, топшириш
Мусаннафāt - таснифлар, асарлар
Мусāҳиб - суҳбатдош, дўст, улфат
Мустажаб - талаби қабул этилган, буюрилган
Муттафиқ - бирлашган, иттифоқдош, дўст; ҳамфикр
Мухталиф - ҳар хил, турлича, турли-туман, қарама-қарши
Муганний - ашулачи, созанда

Н

- Навāҳи* - атроф, теварак, чегара
Назāра - қараш, назар солиш

- Накам* - муродсиз, мақсадсиз
- Намоҳарм* - ёт, бегона
- Нашбати* - нок
- Наргис* - гулнинг бир тури, унинг гули кўзга ўхшайди, шунинг учун адабиётда кўз маъносида ишлатилади
- Нарм* - юмшоқ
- Нақд* - тақа, тақа шаклидаги тамға
- Нечук* - нечук, қандай
- Нуқуд* - бирлиги нақд
- Нони* - 1. Тотли, ширин. 2. Асал, бол. 3. Ичувчи

П

- Паи* - оёқ
- Парғола* - 1. Парча-парча, бўлак. 2. Изтироб, алам
- Парсй* - сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини сақловчи художўй
- Пил* - фил

Р

- Руд* - ариқ, сой, жилға
- Рийъазат* - нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортиниш
- Ранж* - машаққат
- Рухсёр* - чеҳра, юз, бет
- Рубъ* - тўртдан бир

С

- Саба* - шамол, шабада
- Савсан* - гулсафсар, қўғагул
- Сазавул* - адъютант
- Салāтын* - султонлар
- Салынғуч* - беланчак, арғимчок
- Санувбар* - жаннатда ўсадиган дарахт
- Сарв* - 1. Тўғри, тик ўсадиган дарахт. 2. Ёрнинг қадди-қомати

<i>Сарафканда</i>	- боши қуйи, ҳижолат
<i>Сарсар</i>	- совук, кучли, қаттиқ шамол
<i>Сатыг</i>	- сотик, сотиб олиш
<i>Саъй</i>	- ҳаракат
<i>Сайқий</i>	- май қуювчи, косагул
<i>Сипаҳсалār</i>	- аскар бошлиғи, амалдор
<i>Ситамкār</i>	- зулм ўтказувчи
<i>Судур</i>	- диний маросимларни теширувчи мансабдор
<i>Сунбул</i>	- бир турли, хушбўй, қора ўсимлик
<i>Сойурғал</i>	- ҳисса, инъом, мукофот

Т

<i>Табару</i>	- томон
<i>Тажаллы</i>	- кўриниш, жилваланиш
<i>Тазаллум</i>	- зулмдан шикоят қилиш
<i>Такаллум</i>	- сўзлаш, гапириш
<i>Тарҳ</i>	- 1. Ташлаш, олиб ташлаш. 2. Қурилган бини 3. Қурилиш ва иморатнинг режаси
<i>Тафаҳхус</i>	- атрофлича текшириш, суриштириш
<i>Тафзиҳ</i>	- бировнинг айбини ошкора қилиб бадном этиш
<i>Таъбир</i>	- йўйиш, изоҳлаш, тушунтириш
<i>Тақрыб</i>	- яқинлаштириш, яқинлик; тахмин
<i>Тева</i>	- туя
<i>Тегру</i>	- чегара маъносини билдирувчи кўмакчи
<i>Текмә</i>	- ҳар бир
<i>Тусқал</i>	- соқчи
<i>Тутқал</i>	- хазиначи
<i>Тухфа</i>	- совға, ҳадя

У-Ў

<i>Улама</i>	- олимлар
<i>Улум</i>	- илмлар
<i>Унаб</i>	- жилонжийда
<i>Унабгун</i>	- жилонжийда ранг
<i>Ўсрук</i>	- маст, сархуш

Ф

- Фарыға - тинч, хотиржам, бемалол
- Фехрист - китоб мундарижаси
- Фурқат - айрилиқ, жудолик
- Футух - очилиш

Х

- Халлақ - яратувчи, худо
- Ханақаҳ - шайхлар, дарвешлар зикру самоъ қиладиган қиладиган жой, мачит
- Хасмлық - душманлик, рақиблик
- Хата - қусур, адашиш
- Хыльмат - 1. Устки кийим, ҳашаматли кийим 2. Ёпинчок, сарпо
- Хыравул - олдинда борувчи отряд
- Хоб - яхши, кўп

Ч

- Чандāн - кўп марта, зиёда
- Чындавул - ҳарбий юришда асосий кучлардан кейинда борадиган қисм
- Черик - лашкар, аскар

Ш

- Шажар - дарахт
- Шыгавул - элчини кузатиб борувчи
- Шуруъ - киришиш, бошлаш
- Шуарā - шоирлар

Е

- Еа - уй, хона

<i>Евүриш</i>	- айлантириш, буриш
<i>Езид</i>	- худо
<i>Емгәк</i>	- машаққат, кулфат
<i>Ери</i>	- лаб
<i>Ерән</i>	- эр, мард
<i>Ет</i>	- гүшт

О-Ө

<i>Өтмәк</i>	- 1. Нон. 2. Гүшт
<i>Өгсә</i>	- ўрганса

Қ

<i>Қабыл</i>	- қабул қилувчи, кобилиятли, ҳар нарсага кўнувчи
<i>Қамуг</i>	- ҳамма, барча
<i>Қаравул</i>	- соқчи
<i>Қары</i>	- бир метр чамасидаги ўлчов бирлиги
<i>Қатъ</i>	- 1. Кесиш, узиш. 2. Босиш, юриш
<i>Қатланмақ</i>	- юрмок
<i>Қолдыса</i>	- қўлласа
<i>Қонуқ</i>	- меҳмон

Ғ

<i>Ғамза</i>	- кўз ишораси
<i>Ғаным</i>	- душман, ёв

Ҳ

<i>Ҳақ</i>	- тупрок
<i>Ҳамин</i>	- шу, мана шу
<i>Ҳариф</i>	- 1. Қарши, муқобил. 2. Шерик. 3. Улфат
<i>Ҳарчанд</i>	- қанчалик
<i>Ҳийта</i>	- ихота қилинган, атрофи ўралган жой

128 - буюртма. 500 нусха. Ҳажми 8 1 б.т.
2002 йил 8 июнда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди

1

holder open

